

Қўлёзма ҳуқуқи асосида

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРА
АКАДЕМИЯСИ**

Расулов Мероншоҳ Раҳимжон ўғлининг

**БАНК-МОЛИЯ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
КУРАШИШНИНГ АЙРИМ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ
МУАММОЛАРИ МАВЗУСИДА**

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯСИ

5A240123 – Коррупцияга қарши курашиш

**Илмий раҳбар: Академия бошлиғи
ўринбосари У.У.Нигмаджанов**

Тошкент – 2021 йил

Мундарижа

КИРИШ.....	2
I.БОБ. БАНК – МОЛИЯ СОҲАСИДАГИ КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ – ХАТАРЛАР ВА УЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАВСИФИ	10
1.1. Банк–молия соҳасидаги коррупция, коррупциявий хавф–хатарлар тўғрисидаги ёндашувларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	10
1.2. Банк–молия соҳасида коррупциявий ҳукуқбузарликларнинг шакллари, таснифи, ўзига хос хусусиятлари	18
II.БОБ. БАНК–МОЛИЯ СОҲАСИДАГИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ИЛГОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА	32
2.1. Банк–молия соҳасида коррупцияни олдини олишга қаратилган халқаро стандартлар	32
2.2. Банк–молия соҳасида коррупцияни олдини олишга қаратилган Франция, Германия, Буюк Британия ва Грузия давлатларининг тажрибаси	46
III.БОБ. БАНК–МОЛИЯ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ҲОЛАТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ	68
3.1. Ўзбекистон Республикасида банк–молия соҳасида коррупциянинг олдини олишнинг ташкилий-ҳукуқий асослари	68
3.2. Банк–молия соҳасида коррупция хатарларини бартараф этишининг ташкилий-ҳукуқий асосларини такомиллаштириш масалалари.....	80
Хулоса.....	93
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:	100
Иловалар.....	108

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Халқаро иқтисодиётга коррупцияга оид жиноятларнинг содир этилиши оқибатида етказилаётган зарарнинг тобора ортиб бораётгандиги жаҳон мамлакатларининг макроиктисодий кўрсатгичларига жуда катта салбий таъсир кўрсатиши жаҳон молия секторининг 11,3 фоиз бозор капиталлашуви банкларнинг ҳисобига тўғри келиши (маълумот ўрнида, 2019 йилда глобал бозор капиталлашуви тахминан 90 триллион доллар. Ушбу соҳада банк секторининг капиталлашуви 7,9 триллион долларни ташкил қилган¹)ни ҳисобга олган ҳолда ушбу соҳада коррупцияга қарши курашиш чораларини янада кэнгроқ тадқиқ этилиши айниқса долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши, молиявий хавфсизлиги ва сиёсий барқарорлиги турли хил ички ва ташқи омилларга боғлиқ бўлиб, улардан бири коррупция даражасидир. Банк-молия соҳасида коррупциянинг салбий таъсирини яқин ўтмишда, 2008 йилда жаҳон молиявий инқирози натижалари ҳам исботлаб турибди².

Бугунги кунда соҳада амалга оширилаётган коррупцияга қарши курашиш бўйича замонавий чоралар (хуқуқий, ташкилий, мафкуравий, моддий ва бошқалар) етарлича самарали ташкил этилмаган ганлигини қўйида келтирилган статистик маълумотардан ҳам билиб олсак бўлади, 2020-2021 йиллар давомида банк-кредит соҳасида коррупцияга оид 258 та жиноят аниқланган бўлиб, бошқа соҳа ва тармоқларга нисбатан энг кўп миқдорда, яъни 106,1 млрд сўм миқдордаги талон-торож ҳолатлари қайд этилган, ушбу йўналишда порахўрлик элементлари билан 35 та жиноят фош этилган бўлиб, 919,6 млн сўм миқдордаги пора олди-бердисига барҳам берилган.

¹ CNBC. “Global Stock Markets Gained \$17 Trillion in Value in 2019” Accessed June 2, 2020.

² [Электрон манба]. URL: <https://www.forbes.com/2009/01/27/corruption-financial-crisis-business>

Республикадаги мавжуд 32 та тижорат банкининг қарийб 70 фоизи ёки 22 тасининг фаолиятида жиноят содир этиш ҳолатлари қайд этилган бўлиб, уларнинг 88,6 фоизи бевосита давлат банклари ҳиссасига тўғри келган. Жумладан, давлат улуши бор 13 та банкнинг 11 таси, 19 та хусусий банкдан 11 тасининг ҳамда Марказий банкнинг Навоий ва Наманган вилоят бош бошқармаларида аниқланган.

Талон-торож ва суиистеъмолчилик ҳолатлари банк соҳасидаги мансаб ваколатлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, коррупция фактлари лавозимлар иерархиясининг ҳар бир поғонасида содир этилган.

Аниқланган жиноятларнинг 45 таси бевосита банк бошқарувчилари, уларнинг ўринbosарлари ва бош ҳисобчилари, 34 таси бўлим бошлиқлари, мини-банк мудирлари, бош менежер, бош мутахассис ва ҳукуқий маслаҳатчилар, 15 таси банкларнинг бошқа ходимлари томонидан содир этилган. Шунингдек, 102 та ҳолатда жиноят ишлари банкларнинг масъул мансабдор шахсларига нисбатан қўзғатилган бўлса, пора эвазига банк ходимлари орқали кредит ажратилишида воситачилик қилишни қўзлаган 79 та нафар фуқаронинг ноқонуний ҳаракати фош этилган.

Қайд этилган жиноятларнинг 7 таси республика, 124 та вилоят ва 127 таси туман миқёсидаги даражаларда содир этилган.

Банк ходимлари томонидан кредит олиш учун тақдим этилган хужжатларни лозим даражада ўрганмасдан ваколатларига совуққонлик билан муносабатда бўлганликлари оқибатида 58 та ҳолатда сохта хужжатлар асосида кредитлар ажратилиб, 19,2 млрд сўм ва 1,4 млн АҚШ доллар миқдоридаги банк ресурслари ўзлаштириган.

Банкларнинг кредит бўлим ходимлари томонидан 19 та ҳолатда фуқароларга кредит ажратиб беришни ваъда қилган ҳолда уларнинг, шу жумладан яқин қариндошларининг номига 6 млрд сўмлик кредитларни олишиб талон-торож қилинган.

Соҳа ходимлари томонидан тадбиркорлар ҳисоб рақамидаги ва фуқароларнинг омонатга қўйилган ҳамда кредитни сўндириш учун тақдим этилган пулларни, шунингдек банкка тегишли мол-мулк ва валюта қимматликларини ҳамда банд солинган ашёларни ўзлаштириш каби корупциявий жиноятлар содир этилган. Улар асосан, 34 та ҳолатда банкка ишониб топширилган 13,5 млрд сўмлик ва 1,08 млн АҚШ доллар қийматидаги мол-мулк ҳамда пул маблағлари талон-торож қилинган.

Талон-торожлар оқибатида вужудга келган банк-кредит камомадларни беркитиш мақсадида биринчи даражали тўловларни тўлашни қасдан инкор этган ҳолда ҳамда жиноий даромадларни легаллаштириш факти бўлган 838,5 млн сўм ва 265,5 минг АҚШ долларини ноқонуний равишда кредит қарздорликларини сўндиришга йўналтириш ҳолатлари қайд этилган³.

Ушбу муаммонинг қанчалик даражада мураккаблигини тушунмаслик, уни ҳал қилишда кўплаб нотўғри ёндашувларни келтириб чиқарди, бу эса аниқ натижаларни бермайди. Чунки, илмий тадқиқот ишларда коррупция тушунчаси кўпинча унинг алоҳида, энг кэнг тарқалган шакли - порахўрлик ҳолатлари билан боғлиқ ҳолда талқин қилинган. Бу эса бир томондан, коррупциянинг феномен сифатида моҳиятини, унинг давлат ва ижтимоий институтларга салбий таъсир механизмини тўла ёритиб бермайди, бошқа томондан, ушбу ҳодисага қарши курашда қонуний воситаларни қўллаш соҳасини торайтиради.

Юқорида келтириб ўтилган маълумотлар ва устувор вазифалардан келиб чиқиб, диссертация иши доирасида амалга оширилган илмий изланишлар Ўзбекистон Республикаси банк-молия секторида коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги такомиллаштириш ҳамда профилактик чоралар мажмуи сифатида хизмат қиласи.

³ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жиноий-хукукий таҳлил бошқармаси маълумотномаси.

Тадқиқот обьекти. Ўзбекистон Республикаси банк-молия соҳасида коррупциявий ҳолатларни олдини олиш борасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Ўзбекистон Республикаси банк-молия соҳасида коррупцияни олдини олиш борасидаги халқаро ва миллий қоидалар, ушбу соҳада илғор тажрибага эга бўлган банкларнинг ташкилий-хуқуқий чоралари, юридик адабиётлардаги ғоялар, фикрлар, илмий ёндашувлар ва анъаналардир.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Магистрлик диссертациясининг асосий мақсади банк-молия соҳасида коррупциявий хавфларини турлари, тавсифи, ўзига хос хусусиятларини, ушбу соҳада илғор тажрибага эга бўлган банкларнинг тажрибаларини назарий жиҳатдан ўрганиб чиқиб, миллий қонунчилик ва амалиётни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва соҳа илм фани ривожи ва қонунлар такомиллашишига хисса кўшишдир.

Ушбу мақсадни амалга оширишда қуидаги **вазифаларни** амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- банк-молия соҳасида коррупция ва коррупциявий хавф-хатар тушунчалари, шаклланиши ва уларнинг моҳиятларини очиб беришга қаратилган ёндашувларни тизимли таҳлил қилиш;
- банк-молия соҳасида коррупциянинг шакллари, таснифланиши, ўзига хос хусусиятларини ёритиш;
- банк-молия соҳасида коррупцияни олдини олишга қаратилган халқаро стандартларни комплекс тадқиқ этиш ва уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;
- банк-молия соҳасида коррупцияни олдини олишда самарали тажрибага эга бўлган хорижий давлатлар (Франция, Германия, Буюк Британия ва Грузия давлатлари мисолида) қонунчилиги, халқаро

банкларининг тажрибалари ва улари миллий қонунчиликка татбиқ этилиши юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

– Ўзбекистон Республикаси банк тизимида учраётган муаммоларни тизимли таҳлил қилиш;

– Ўзбекистон Республикаси банк тизимида учраётган муаммоларга халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибадан келиб чиқсан ҳолда тизимли ечимларни шакллантириш;

– соҳада коррупцияни олдини олишга қаратилган чора - тадбирларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва хulosаларни ишлаб чиқиш.

Илмий янгилиги. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида коррупцияга қарши қурашиб тизимининг халқаро стандартлар, хорижий давлатлар банкларида коррупцияни олдини олишга доир қонунчилиги ва амалиёти асосида илк бор тизимли тарзда илмий тадқиқ этилганлиги билан белгиланади.

Шу билан бирга тадқиқот ишининг илмий янгилиги қўйида келтирилган бошқа шунга ўхшаш хусусиятлар билан ҳам белгиланишини кўришимиз мумкин:

Биринчидан, банк-молия соҳасида коррупция ва коррупциявий хавф-хатар тушучаларига аниқ таърифлар шакллантирилди.

Иккинчидан, соҳада учраши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатлар турларга ажратилиб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқ амалий мисоллар орқали ёритиб берилди.

Учинчидан, банк-молия соҳасида коррупцияни олдини олишга оид халқаро стандартлар тизимли таҳлил қилиниб, уларнинг ижобий хусусиятлари фарқланди.

Тўртинчидан, банк тизимида коррупцияни олдини олиш борасида етакчи халқаро банкларнинг амалиётлари ўрганиб чиқилиб асосий принципларни ўзида мужассам этган намунавий сиёсат ишлаб чиқилди.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикасида банк тизими учун дастуриламал бўлиб келаётган қонунлар комплекс тарзда ўрганиб чиқилиб, уларни такомиллаштириш бўйича халқаро стандартлар ва тажрибага асосланган ҳолда аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили. Банк-молия соҳасида учрайдиган коррупция, коррупциявий хавфларнинг турлари, ўзига хос хусусиятлари ва уларни олдини олишнинг айрим ҳуқуқий масалалари мамлакатимиз ва халқаро миқиёсда мустақил тадқиқот обьекти сифатида ўрганилмаган. Мазкур соҳада коррупцияга қарши курашиш илмий ёндашувлар асосида янги ўрганилаётган соҳа бўлгани сабабли бу борада фақат умумий - назарий манбаалар мавжуд, жумладан: Б.И.Исмаилов⁴, Э.Хожиев⁵, О.Камалов⁶, Б.Артилов⁷, И.Эргашев⁸, Э.Рахматов⁹, М.Йўлдошев, Й.Турсунов¹⁰ва.б.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш соҳаси янги йўналиш бўлганлиги сабабли банк-молия секторида мавжуд илмий-амалий манбааалар етарли даражада эмаслигини кўришимиз мумкин.

⁴ “Юридик фанлар ахборотномаси – Вестник юридический наук – Review of law sciences” илмий-амалий ҳуқуқий журнали Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига 2017 йил 18 августда 0931-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатидан ўтказилган. 01.06.2020-сони.

⁵[Электрон манба].URL: <https://www.yumpu.com/xx/document/read/36003692/moliya-huquqi-hojiyev-e-kamalov-o-artikov-b-maruzalar-kursi>

⁶[Электрон манба].URL: <https://www.yumpu.com/xx/document/read/36003692/moliya-huquqi-hojiyev-e-kamalov-o-artikov-b-maruzalar-kursi>

⁷[Электрон манба].URL: <https://www.yumpu.com/xx/document/read/36003692/moliya-huquqi-hojiyev-e-kamalov-o-artikov-b-maruzalar-kursi>

⁸ [Электрон манба].URL: <https://library-tsul.uz/xalqaro-moliya-va-bank-davlyatov-v-x-ergashev-i-a-rahmatov-e-j-2019/>

⁹ [Электрон манба].URL: <https://library-tsul.uz/xalqaro-moliya-va-bank-davlyatov-v-x-ergashev-i-a-rahmatov-e-j-2019/>

¹⁰ [Электрон манба].URL: <https://library-tsul.uz/moliya-huquqi-yo-ldoshev-m-tursunov-y-2004/>

Банк-молия соҳасида коррупциянинг айрим масалалари МДҲ мАмлакат лари доирасида Б.Ашавский¹¹, М.А.Бакунин¹², О.Казаченкова¹³, В.М.Баранов¹⁴, А.Батушенко¹⁵, С.Ю.Глазьев¹⁶, А..Дементьев¹⁷, М.Г.Завельский¹⁸, О.С.Ильин¹⁹, Н.Карагодин²⁰лар томонидан ушбу соҳага оид айрим ҳуқуқий масалалар ёритилган. Бундан ташқари, АҚШ ва Европа мамлакатлари олимлари томонидан ҳам банк-соҳасидаги коррупциянинг ноқонуний даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиҳатлари илмий тадқиқ этилган бўлиб, хусусан, А.Сривастав, Ж.Ҳагендорфф²¹, Торстен Бек, Асли Демиргу, Кунт, Вожислав Максимович²², П.Маур²³, С.Дин²⁴, Х.Фреихас, Ч.Ж.Рочет²⁵, Ж.Парк²⁶, Д.Вилок²⁷ каби соҳа олим ва экспертларининг илмий изланишлари ва мақолалари таҳлил қилинди.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот ишида тизимли таҳлил, қонун ҳужжатларини шарҳлаш, қиёсий-ҳуқуқий, аниқ социологик, илмий манбааларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили, анализ ва синтез қилиш,

¹¹ Ашавский.Б, Международный кодекс поведения государственных должностных лиц// Чистые руки. 1999. №2.

¹² Бакунин.М.А, Макиавелли.О - Развитие государственности / Предисл. Пирумовой Н.М. // Вопросы философии, 1990, №12.

¹³ Балыков.П.Н и другие “Организация психологической работы анти-коррупционной направленности в таможенных органах Российской Федерации” методические рекомендации. - СПБ, 2010.

¹⁴ Баранов.В.М, Теневое право. Н. Новгород, 2002.

¹⁵ Батушенко.А, Годовой баланс мировой коррупции // Эксперт. 1997. №48.

¹⁶ Глазье.С.Ю, в О стратегии развития российской экономики/Научный доклад,-М.:ЦЕМИ РАН, 2001.

¹⁷ Дементьев.А.С, Проблемы борьбы с экономической преступностью и коррупцией. Н.Новгород, 1997.

¹⁸ Завельский.М.Г, Теневая экономика и трансформационные процессы // Безопасность Евразии.2003 .№ 1.

¹⁹ Ильин.О.С, Хроника прохождения законопроекта «О борьбе с коррупцией». // Коррупция и борьба с ней. М, 2000.

²⁰ Карагодин.Н, Мировой опыт борьбы с коррупцией // Экономика и жизнь, 1993. №2

²¹ Srivastav, A and Hagendorff, J (2016) Corporate Governance and Bank Risk-taking. Corporate Governance: An International Review, 24 (3). pp. 334-345.

²² Thorsten Beck, Asli Demirguc-Kunt, and Vojislav Maksimovic.The journal of finance. Financial and Legal Constraints to Growth: Does Firm Size Matter? february 2005.

²³ Mauro, P., Why Worry About Corruption? Economic Issues. IMF

²⁴ Dinc, S, Politicians and banks: political influences on government-owned banks in emerging markets. Journal of Financial Economics 77, 453–479.

²⁵ Freixas, X., Rochet Ch, J, Microeconomics of Banking. MIT Press.

²⁶ Park, J, Three Essays on bank Passivity and bargaining. Ph.D. dissertation, Indiana University Bloomington.

²⁷ Wheelock, D. Deposit insurance and bank failures: new evidence from the 1920s. Economic Inquiry 30, 530–543.

хуқуқий моделлаштириш ва хуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш каби методлардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хulosса ва таклифлар Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимида коррупцияга қарши назарий, ташкилий-хуқуқий чораларнинг ўрни ва аҳамиятини таҳлил этиш ва ушбу соҳада коррупцияга қарши курашишнинг илмий - назарий асосларини яратиш ва илмий тадқиқ этишга хизмат қилади.

Мазкур тадқиқот иши ушбу соҳада амалга оширилган илмий изланишларнинг илк кўриниши ҳисобланади. Бу асосда тадқиқот натижаларидан келажакда илмий тадқиқотлар олиб бориш, ўқув методик қўлланмалар ишлаб чиқишида ҳамда кэнг миқёсда амалга оширилаётган коррупцияга қарши курашиш соҳасини ислоҳ қилиш жараёнида фойдаланиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизиминг исталган босқичида коррупцияга қарши курашиш илмий-амалий воситаси сифатида қўлланилиши мумкин. Тадқиқот натижасида берилаётган таклиф ва мулоҳазалар банк ва молия ташкилотларининг иқтисодий самарадорлигини оширишда, уларнинг норматив-хуқуқий базасини янада такомиллаштиришда, аҳолининг бу каби ташкилотларга ишончини оширишда ижобий самара беради.

Иш тузилмасининг тавсифи. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқкан бўлиб, мавзуни тадқиқ этиш мазмунан мос келади. Диссертация тузилиши кириш, 6 та параграфни қамраб олган 3 та боб, хulosса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 93 бетни ташкил этади. Мавзуга оид 100 дан ортиқ турли расмий ва илмий манбаалардан фойдаланилди.

I.БОБ. БАНК – МОЛИЯ СОҲАСИДАГИ КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ – ХАТАРЛАР ВА УЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАВСИФИ

1.1. Банк–молия соҳасидаги коррупция, коррупциявий хавф–хатарлар тӯғрисидаги ёндашувларниң ўзига хос хусусиятлари

Банклар узоқ йиллик тарихга бориб тақалади. Милоддан аввалги 2000 йилда биринчи банкларниң шакллари Оссурия, Ҳиндистон ва Шумерияда вужудга келган бўлиб, улар шаҳарлар ўртасида юк ташийдиган деҳқонлар ва савдогарларга дон кредитлари беришган. Кейинчалик, қадимги Юнонистонда ва Рим империяси даврида ибодатхоналарда қарз берувчилар қарз бериб, депозитларни қабул қилишда ва пул алмаштиришни амалга оширганлар. Айни даврда Қадимги Хитой ва Ҳиндистондаги археология маълумотлари ҳам пул қарз беришнинг далилларини кўрсатади. Банк тизимиning муҳим тарихий ривожланишини Ўрта асрлар ва Уйғониш даври Италияси, хусусан, Флоренция, Венеция ва Генуя шаҳарларига тўғри келади²⁸.

Банклар тарихидаги энг биринчи ва йирик коррупциявий ҳолатлар 1907 йилларга тўғри келади. Ўша йилларда Мис трести акцияларининг қулаши ваҳима қўзғатди, банкларда ваҳима ва акцияларни сотиш авж ола бошлади, бу еса акцияларниң кескин пасайишига олиб келди. Federal Reserv Bank тинч аҳолига чора кўриш учун JP Morganга вазифалар юклади. Морган еса ўзининг улкан таъсиридан фойдаланиб, Уолл-стритдаги барча асосий молиявий ўйинчиларни йиғиб, улар орқали аҳолининг кредитлари ва капиталларини бошқаришни бошлади²⁹.

Коррупция – мансаб мавқеидан омманинг мулкини, нормал турмуш тарзини шахсий мақсадларда фойдаланиш йўли билан содир этиладиган хуфёна иқтисодиётни таъминловчи салбий ижтимоий ҳодиса ҳисобланади³⁰.

²⁸ Hoggson, N. F. (1926) Banking Through the Ages, New York, Dodd, Mead & Company.

²⁹ [Электрон манба]. URL:<https://www.investopedia.com/articles/07/banking.asp>

³⁰ [Электрон манба]. URL:<https://www.transparency.org/en/what-is-corruption>

Коррупция тушунчасига келтирилган барча тарифларда коррупция ва мансабдор шахс ваколатлари ўртасида боғлиқликка алоҳида эътибор қаратилган, чунки коррупция ва мансаб ваколати бир-бисериз мавжуд бўлиши мумкин бўлмаган тушунчалар хисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Қонуннинг З-моддасига кўра, коррупция - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш хисобланади³¹.

Бироқ, мазкур тарифда мансаб ваколатини сустеъмол қилиш ҳолати кўрсатилмаган, чунки миллий қонунчиликда мансаб ваколатини сустемол қилиш коррупциявий жиноят сифатида баҳоланмайди. Бироқ, БМТнинг 2003 йил 31 октябрдаги “Коррупцияга қарши конвенция” нинг 19-моддасида, мансаб ваколатини сустеъмол қилиш коррупциявий жиноят сифатида келтирилган³².

Банк-молия соҳасида коррупция тушунчasi умумий хусусиятларни ўз ичига олиш билан бирга маҳсус соҳага оид хусусиятларини ҳам қамраб олади.

А.Сривастав, Ж.Хагендорфф ўзларининг “Корпоратив бошқарув ва банк тизимидаи хавф-хатарлар” асарида, Банк-молия соҳасида коррупцияни “давлат ёки корпоратив ишончни сустеъмол қилиш орқали таъқиқланган моддий ёки номоддий бойликлар олишдаги муносабатларни тартибга солиш учун яратилган норасмий алоқалар тизими” - деб хисоблайди³³. Бундан ташқари, банк-молия соҳасидаги коррупция, коррупциявий ҳолатлар ҳақида бир қатор олимлар ўзларининг турлича

³¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 3/19/542/3177-сон.

³² БМТнинг 2003 йил 31 октябрдаги “Коррупцияга қарши конвенция”, Ню-Ёрк, 2004 йил.

³³ Srivastav.A, and Hagendorff, J (2016) Corporate Governance and Bank Risk-taking. Corporate Governance: An International Review, 24 (3). pp. 334-345.

қарашларини баён этишган. Хусусан, Торстен Бек, Асли Демиргу, Кунт ва Вожислав Максимовичлар банк соҳасидаги коррупцияни “банкнинг молиявий фаолиятида юзага келадиган ва ушбу соҳа мансабдор шахслари томонидан шахсий ёки ўзганинг манфаатини кўзлаб содир этиладиган коррупциявий ҳолатлар”-деб кўрсатиб ўтганлар³⁴. Фикримизча, ушбу таърифлар банк-молия соҳасидаги коррупциянинг барча жиҳатларини қамраб олмаган. Чунки, юқорида қайд этиб ўтилган таърифлар фақатгина банкнинг молиявий фаолият олиб бориш нуқтаи назаридан келиб чиқиб, қўйидаги ҳолатлар эътибордан четда қолдирилиб кетилган, масалан, банкнинг ички тизимида ходимлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувининг турлари ва.х.к.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, **банк-молия соҳасида коррупция деганда** – “Банклар томонидан амалга ошириладиган молиявий (пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш, тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан амалга ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш, кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан бериш, чет ел валютаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операциялар, жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича мол-мулкни ишончли бошқариш...) операциялар³⁵да юзага келадиган, банк ходимларининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равища фойдаланиши, мансаб лавозимини сустеъмол қилиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф

³⁴ Thorsten Beck, Asli Demirguc-Kunt, and Vojislav Maksimovic. The journal of finance. Financial and Legal Constraints to Growth: Does Firm Size Matter? february 2005.

³⁵ Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги 216-1-сонли Қонуни, 5-модда.

равиша тақдим етиш, ўтказиш ҳисобланади”-деб айтсак мақсадга мувофиқ бўлади.

“Коррупциявий хавф-хатар” тушунчаси коррупция тушунчасидан тубдан фарқ қиласди. Мазкур тушунча “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Қонуннинг 24-моддасида, “норматив-хуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида коррупция хусусиятига эга хавфларнинг юзага келиши эҳтимолини прогноз қилиш шаклида” келган³⁶.

Коррупциявий хавф-хатарлар коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келиб чиқишига ёки уларни кэнг ёйилишига хисса қўшадиган ҳодиса ёки ҳодисалар йифиндиси ҳисобланади. Шунга ўхшаш тарифни О.Казаченкова келтириб ўтган бўлиб, унинг фирмича, коррупциявий хавф-хатарлар давлат органлари ва давлат хизматчилари фаолиятини амалга оширишда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келиб чиқишига сабабчи бўладиган ҳолатлар, ҳодисалар ва омиллар ҳисобланади³⁷.

Баъзи олимлар коррупциявий хавф-хатар тушунчасини коррупциявий муаммонинг синоними ёки давлат ва жамият фаолиятида қийинчиликлар келтириб чиқарувчи омил сифатида баҳолашган³⁸.

В.Астанин мазкур тушунчани “давлат хизматчиси фаолияти билан боғлаб, унга давлат хизматчиси томонидан вазифаларини амалга оширишда белгиланган мажбуриятлар, тақиқлар ва чекловларга риоя қиласлик шаклидаги коррупциявий хулқ-атворлар”-деб таъриф берган³⁹. В.Георгиев эса, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир бўлишининг эҳтимоллик даражаси деб баҳолаган⁴⁰.

³⁶ Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлар майлумотлари миллий базаси, 2019 й., 3/19/542/3177-сон.

³⁷ Балыков.П.Н и другие “Организация психологической работы анти-коррупционной направленности в таможенных органах Российской Федерации” методические рекомендации. - СПБ, 2010.

³⁸ Участие институтов гражданского общества в борьбе с коррупцией: научный и практический пособие / отв. ред. Ю.А.Тихомиров. М., 2013. С. 82.

³⁹ [Электрон манба]. URL: <http://pravoteka.ru>.

⁴⁰ Georgiev.V, “Methods and techniques for assessment of corruption risk in defenceand Security”, 2013, Journal of Defense Management, p – 1-2.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, коррупциявий хавф-хатарлар тушунчасига икки хил маънода ёндашиш мумкин.

Биринчидан, коррупциявий хавф-хатарларни коррупциявий хуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келиши мумкин бўлган сабаб ва шароитлар сифатида баҳолаш мумкин. Мисол учун, Марказий банкнинг ички аудит назорат бўлими бошлигининг укаси “халқ банки” нинг вилоят бошқармаси бошлиғи эканлиги келажакда коррупцияни келтириб чиқарувчи омил бўлиши мумкин.

Иккинчидан, коррупциявий хавф-хатарларни бевосита коррупциявий хуқуқбузарликлар содир этилиши натижасида юзага келадиган *салбий оқибатлар* сифатида тушунишимиз мумкин. Масалан, давлат бюджетига коррупция натижасида етказилган зарар, яъни “тўғридан тўғри”талон-тарож қилиниш ҳолатлари, давлат ҳокимият ваколатига эга бўлган мансабдор шахснинг бенефициар мулқдор сифатида монопол хуқуқларга эга бўлиши, банкларда манфаатлар тўқнашуви натижасида муаммоли кредитларнинг ажратилиши ва.ҳ.к. Илмий тадқиқот ишимизда банк-молия соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни биринчи ёндашув бўйича ўрганамиз, сабаби превентив чоралар доим ўзини оқлаганини халқаро тажриба мисолида кўришимиз мумкин ва бунинг натижасида ижобий натижага эришишимиз осонроқ бўлиб бўлади.

Банк-молия соҳасидаги коррупциянинг кўринишлари ўзининг хусусиятлари, субъектлари, ижтимоий муносабатлар доираси ҳамда содир этилиш усуллари бўйича бошқа соҳадаги хавф-хатарлардан фарқ қиласди. Юқоридаги таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, **банк-молия соҳасидаги коррупциявий хавф-хатарларни** – банк-молия ташкилотларининг ходимлари фаолият жараёнида юзага келадиган, коррупцияга оид хуқуқбузарликни содир этиш имкониятини яратадиган сабаблар, шароитлар, ҳолатлар, омиллар ва ҳаракатлар сифатида баҳолаш мумкин.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистонда коррупцияни бартараф этиш бўйича қонунчилик ва институционал база такомиллаштирилиб, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашни ўз ичига оловчи мақсадли сиёsat олиб борилмоқда. Мамлакат иқтисодий тизимининг асосини пул маблағлари ташкил этади, пул маблағлари эса банклар орқали бозор муносабатларига кириб боради. Шундан келиб чиқиб пул бўлган жойда манфаатлар тўқнашуви ва бунинг натижасида коррупция элементлари пайдо бўлади. Бу эса биз учун банк-молия соҳасида коррупциявий ҳолатларнинг вужудга келиш сабаб ва шароитларини ўрганиб чиқиш аҳамиятини касб эттиради.

Банк соҳасидаги шаффофлик орқали коррупция, фирибгарлик ва пул ювиш билан курашиш мумкин. Шунингдек, у инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши ва молия тизимининг барқарорлигига ҳисса қўшиши мумкин (Transparency International - 2011). Ушбу соҳага оид маълумотларнинг этишмаслиги бу каби соҳаларнинг инқирозини тезлаштиради ва бунинг натижасида мамлакатимиз бозорида TBS, Тэнге банк каби банкларнинг қўпайишига, бозоримизнинг бу каби ташкилотларга қарам бўлиб қолишига сабаб бўлади.

Дунёning аксарият мамлакатларида “қора” нақд пулларни банк орқали “ювиш” кэнг тарқалди. Бир қатор мамлакатларда тескари ҳолат кузатилади: нақд пулсиз банк пулларини нақд пулга ўтказиш билан боғлиқ операциялар (хукукий иқтисодиётнинг нақд пулга бўлган эҳтиёжларида ортиқ ҳажмларда) нисбатан юқори ўринни эгаллайди.

Банкларга коррупциявий зарар қуидаги ҳолатларда келиб чиқиши мумкин – банк операцияларининг муваффақиятизиз амалга оширилишидан ташқари банк ходимларининг лаёқатсизлиги ва виждонсизлиги оқибатида келиб чиқади. Коррупция хукуқбузарликларини содир этиш хавфига энг кўп дучор бўлган бўлинмалар, одатда, банклар маҳсулотларини сотиш

хизматлари ва муддати ўтган қарзларни қайтариш билан шуғулланувчилар ҳисобланади⁴¹.

Одатда чакана соҳада поралар миқдори анча кичик, аммо уларнинг сони корпоратив кредитлаш соҳасидаги поралар сонига нисбатан юқори. Коррупцияга оид хуқуқбузарликлар бошқа шаклларда ҳам содир бўлиши мумкин, улар қўлами ва намоён бўлишига қараб фарқланади.

Коррупцияга қарши курашда банк сектори муҳим рол ўйнайди. Жаҳон молиявий оқимлари канали сифатида банклар томонидан амалга оширилган назорат жисмоний шахсларнинг коррупциявий операцияларни амалга ошириш ёки коррупция даромадларини легаллаштириш имкониятларини чеклаши мумкин. Маҳаллий иқтисодиётнинг йирик сармоядорлари сифатида банклар ҳам сезиларли таъсирга эга ва сиёsatчилар, назорат органлари, бошқа давлат амалдорлари билан доимий алоқада бўлишади.

Шу билан бирга, банк ва молия соҳасидаги коррупциявий ҳолатларни аниқлаш осон иш ҳисобланмайди, чунки ёпиқ фаолият олиб бориш, турли - хил схемалардан фойдаланиш банк ва молия ташкилотларининг асосий “куроли” ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуийидагича хулоса қиласиз.

Биринчидан, банк-молия соҳасида коррупция ва коррупциявий хавф-хатар тушунчларани билмасдан туриб ушбу соҳада коррупцияни олдини олишга доир чораларни амалга ошириб бўлмайди. Чунки, касалга аниқ ташхис қўймасдан уни олдини олиб бўлмайди ёки ортиқча ресурс сарфланишига олиб келади. Шундан келиб чиқиб **банк-молия секторида коррупция деб** - Банклар томонидан амалга ошириладиган молиявий операциялар⁴²(пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб етиш, тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисбварақларини очмасдан

⁴¹ D.Giles, Measuring the hidden economy: Implications for economic modeling /D. Giles // Economic Journal. 1999. Ed. 109. F330.

⁴² Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги 216-І-сонли Қонуни, 5-модда.

амалга ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш, кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб етилган маблағлар ҳисобидан бериш, чет ел валютаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операциялар, жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича мол-мулкни ишончли бошқариш..,) фаолиятида юзага келадиган, банк ходимларининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини қўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, мансаб лавозимини сустеъмол қилиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим етиш, ўтказиш ҳисобланади. **Банк-молия соҳасидаги коррупциявий хавф-хатарлар** деб эса – банк-молия ташкилотларининг ходимлари фаолият жараёнида юзага келадиган, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этиш имкониятини яратадиган сабаблар, шароитлар, ҳолатлар, омиллар ва ҳаракатларга айтилади.

Иккинчидан, ушбу тақдиқотнинг аҳамияти бошқа соҳаларга нисбатан долзарб ҳисбланиб, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий сиёсатини белгилаб берувчи асосий бўғин бу – банклар эканлиги ва улар орқали молиявий операциялар амалга оширилиши, молиявий опрациялар эса Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти учун “қон-томир”дек зарурлигини кўришимиз мумкин.

1.2. Банк–молия соҳасида коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг шакллари, таснифи, ўзига хос хусусиятлари

Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими умумий маънода қуйидаги турларга бўлинади: 1) **Марказий банк**, 2) **Тижорат банклари**, 3) чет – эл банкларига, аммо кредит тизими маблағларни жалб қилиш ва уларни тақсимлашга қараб бир неча бўғинлардан иборат бўлиши мумкин.

Жаҳон амалиётида кредит тизими ташкил этилишига кўра банклар қуйидаги групкаларга бўлинади: 1) **Марказий банк**, 2) **Тижорат банклари**, 3) **Махсус кредит ташкилотлари**. 4) **Нобанк кредит ташкилотлари** (инвестиция компаниялари, сугурта компаниялари, нафақа ва бошқа жамғармалар)⁴³.

Мулк шаклига кўра банклар: **давлат, акционер, аралаш, қўшма, хусусий** банкларга бўлинади. Бундан кўриниб турибдики, банклар ўзларининг кўрсатадиган фаолият йўналиши, молиявий фаолиятига қараб турларга бўлинар экан, коррупциявий ҳолатларнинг турлари ва антикоррупциявий чоралар ҳам уларнинг амалга оширадиган фаолиятига қараб турларга бўлинади.

Олиб борган тадқиқот натижаларимиз шуни кўрсатадики, кредит маблағларининг жалб қилинишига кўра, яъни умумий маънодаги турлар (Марказий банк, тижорат банклари ва чет – эл банклари) га бўлиниш, фикримизча, тадқиқот ишимизда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни бирбиридан фарқли жиҳатларини тўла очиб беради ва бу орқали биз кўзланган мақсадга эришган бўламиз. Шунингдек, банк тизимида учраши мумкин бўлган коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ушбу паррафда келтирилиш биз учун муаммонинг асл сабабини аниқлашда ва кучларни тўғри сарфланишда ижобий аҳамият касб этади.

⁴³ [Электрон манба]. URL: <https://hozir.org/banklar-va-bank-tizimi-reja.html>.

Шу муносбат билан, Марказий банк-кредит тизимининг бош банки бўлиб, мамлакатда пул-кредит сиёсатини, эмиция жараёнларини олиб боради. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қўйидаги **функцияларни** бажаради: 1) банкноталар (нақд пуллар) эмиссияси, 2) тижорат банклари касса резервларини тўплаш ва сақлаш, 3) олтин-валюта захираларини сақлаш, 4) тижорат банкларини кредитлаш, 5) давлат банки сифатида хукумат учун кредит бериш ва ҳисоб-китоб операцияларини бажариш, 6) ҳисоб-китоб ва алмашув операцияларини амалга ошириш, 7) пул-кредит сиёсати. бундан ташқари марказий банк манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияни олдини олиш, уларни аниқлаш ва бошқаришга оид сиёсатни, шунингдек коррупциянинг олдини олиш юзасидан Марказий банкнинг ҳамда унинг тасаррӯфидаги ташкилотларнинг барча ходимлари томонидан риоя этилиши мажбурий бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади⁴⁴.

Ўзбекистон Республикасини янги таҳтиргани «Валютани тартибга солиш тўғрисида» ги қонуннинг 7-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки валюта муносабатларини тартибга солувчи ва валюта назоратини амалга оширувчи асосий ва бош давлат орган бўлиб ҳисобланади. Бундай функциялар ҳозирги вақтда барча замонавий давлатларнинг Марказий банклари учун харкатерлидир. Бу борада Россия Федерациясида ҳам Марказий банк валютани тартибга солишда асосий давлат органи бўлиб ҳисобланади⁴⁵.

Шундай қилиб, Марказий банк бир вақтнинг ўзида давлат хокимияти бошқарувининг маъсул ваколат олган орган ва ҳўжалик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахс бўлиб ҳисобланади. Маъмурий функциялар ва

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси “Марказий банки тўғрисидаги” қонун.(11.11.2019 йилдаги ЎРҚ-582-сон Қонунга қаранг), 7-мода.

⁴⁵ «Валютное регулирование как вид банковского регулирования: современны проблемы» Журнал «Банксая права» 2002 г №3 8 ст.

хўжалик фаолиятини амалга ошириш кредит системасини мустахкамлаш вазифасини ҳал этишга қаратилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Марказий банкнинг юртимиз банк секторидаги роли ва унинг молиявий фаолият йўналишидан келиб, Марказий банк манфаатлари тўқнашган жойда куйида келтирилган коррупциявий хукуқбузарликлар содир этилиши мумкин.

I. Марказий банкнинг назорат функциясини амалга оширишда учраши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатлар

Тижорат банки ва Марказий банк ўртасидаги коррупциявий битим, яъни бунда биринчиси пора берувчи, иккинчиси эса пора оловчи сифатида хизмат қиласди. Пора - Марказий банкнинг тижорат банкига нисбатан “тўғри” қарори учун тўлов ҳисобланади. Тижорат банкининг инспекциялари, мунтазам равишда тижорат банки томонидан тақдим этиладиган молиявий ва бошқа ҳисботларни (банк назорати доирасида) баҳолаш, муайян банк билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни ва маълумотларни кўриб чиқиши жараёнида қабул қилинадиган қарорлар пора эвазига тижорат банкининг фойдасига “кўз юмилади” ёки ҳақиқий текширув натижалари тижорат банкининг фойдасига ўзгартирилади. Тижорат банки учун энг салбий қарорлар – бу банк фаолиятини тўхтатиб туриш ва лицензияни (лицензияларни) бекор қилишдир. Бироқ, яхши “ҳақ” билан инспекция ва назорат бўлинмаларининг раҳбарлари ва ходимлари одатда ўз қарорларини тижорат банкларининг фойдасига ўзгартиришга тайёр. Ушбу коррупцияни “коррупциявий назорат” деб ҳам аташ мумкин.

Марказий банк ўз назорат хизматлари орқали тижорат банкларидағи вазиятни тезкор ва самарали кузатиб боради. Тижорат банкларининг кичик ва бир марталик сусистеъмоллари юқори бўғин (Марказий банк) билан “келишмасдан” амалга оширилиши мумкин. Лекин йирик ва доимий равишда амалга оширилаётган коррупциявий операцияларни тижорат банклари Марказий банқдан яшириш имкониятига эга эмас. Шу асосда

Марказий банк ва тижорат банки ўртасида келишиб иш юритиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Шунинг учун тижорат банклари фаолиятида назоратни амалга ошириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар бирга яшайди.

1.1. Марказий банк томонидан кредитлар бериш соҳасида учраши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатлар

Ушбу коррупциявий битим Марказий банкнинг тижорат банкига кредит бериш бўйича ижобий қарорини “сотиб олиш” ни назарда тутади. Баъзан бундай қарор тижорат банки учун жуда муҳимдир, чунки бу кредитларсиз банк банкрот бўлади (Ўзбекистон Республикасида бундай кредит тақдим қилиш “стабилизация” деб юритилади). Тижорат банки томонидан олинган кредит олиш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, у “хизмат” ни тақдим этган Марказий банк раҳбари фойдасига турли-хил ноқонуний хатти – ҳаракатларни (мисол учун, *кредит тақдим этган шахснинг яқинлари, қон қариндошлари, таниши билишларига арzon фоизларда ёки узоқ муддатли кредитлар тақдим этилади, яъни бу ерда манфаатлар тўнашувининг айрим кўринишлари содир этилади*). Ёхуд моддий, номоддий кўринишдаги пора тақдим этилади. “Мукофот” олувчилар, қоида тариқасида, Марказий банк ва унинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари ҳисобланади.

1.2. Конфиденциал ахборотни тарқатиш билан боғлиқ учраши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатлар

“Ички” ахборотни сотишга асосланган Марказий банкнинг “битимлари”. Мисол учун, валюта бозорида Марказий банкнинг яқинлашиб келаётган аралашуви ва миллий валюта курсининг режалаштирилган ўзгариши ҳақида маълумот. Бундай ахборот мўмайгина пул ҳисобланади.

1.3. Бюджет маблағларини ажратиш фаолиятидаги лоббичилик ҳаракатлари

Ушбу соҳада банклар давлат ташкилотлари, органларига катта миқдордаги ва узоқ йилга мўлжалланган кредитлар тақдим этишади ва

давлатдан тегишлилига кўра маълум бир имтиёзларни олишади. Имтиёзлар турлича шаклда бўлиши мумкин, масалан, бюджетдан банкларнинг устав капиталига маблағ ажратиш орқали бўлиши мумкин. Яъни. банкларни қутқариш солиқ тўловчиларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

1.4. Банк соҳасида амалга оширилиши мумкин бўлган сиёсий лоббизм

Банкларнинг коррупциявий фаолияти нафақат бизнес ва капитални кўпайтириш, балки сиёsat билан ҳам боғлик бўлиши мумкин. Кўпгина банклар парламентга ва бошқа давлат ташкилотларига ўзларининг фаолиятлари давомийлиги учун манфаатли қонунларни қабул қилиш учун, яъни лоббичилик қилиш учун парламентга пора беришлари мумкин. Бундан ташқари, банклар махфий равишда алоҳида сиёsatчилар ва сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари ва бошқаларни молиялаштиради. Марказий банк аралашувида коррупциявий ҳолатлар тахминан шу кўринишида бўлади.

1.5. Назорат фаолиятини амалга оширда совғалар олиш

Афсуски, мамалакатимизда совғанинг аниқ миқдори кўрсатилмаганлиги учун, нафақат банк ходимлари, балки бошқа мансабдор шахсларнинг жавобгарликдан қочиш йўли сифатида уни кўришади. Марказий банк ходимларининг тижорат банки фойдасига қилган коррупциявий ҳаракатлари, хусусан, ноқонуний устунлик олиб беришлари учун уларга ҳашаматли совғалар берилиши каби ҳолатларни учратишими мумкин. Булар: квартира, мошина, қимматбаҳо телефон, узоқ муддатли кредит ва.х.к.

1.6. Назорат фаолиятини амалга оширда меҳмондўстлик

Ушбу ҳолатни келтиришимизга асосий сабаб бу–тижорат банкларининг пул-кредит соҳасидаги фаолиятини қонунга мувофиқлиги бевосита Марказий банк томонидан назорати амалга оширилади, ушбу назорат давомида бўйсунувчи субъектлар томонидан ўzlари ҳақида салбий

хулосалар шаклланмаслиги учун меҳмондўстлик “харакатлари” амалга оширилади. Улар қуидагича кўринишида бўлиши мумкин: чойхона, курортга билет, бориш-келиш харажатлари, меҳмонхона, транспорт харажатлари ва.х.к.

Тижорат банклари - корхоналар, ташкилотлар, фуқароларга универсал банк хизматлари (хисоб - китоб, тўлов операциялари, омонатларни сақлаш, ссудалар бериш, шунингдек, қимматли қоғозлар бозоридаги операциялар) кўрсатадиган йирик кредит муассасаси.⁴⁶ Тижорат банки банк ҳаракатларини амалга ошириш учун пул маблағларини, асосан, қўйилмалар (омонатлар), банклараро кредитлар, ўз акция ва облигацияларини чиқариш хисобига шакллантиради.

II. Тижорат банклари фаолиятида учрайдиган коррупциявий ҳолатлар:

2.1. Банк активларини ўзлаштириш билан боғлиқ коррупциявий ҳолатлар

Банк активлари эгалари ёки юқори турувчи банк бошқаруви менежерлари томонидан турли схемалардан фойдаланган ҳолда ушбу активларни банк ҳисобидан чиқариб ташлаш ва олинган маблағларни ўз фойдасига “хусусийлаштириш” орқали фойдаланиш. Ҳар қандай схеманинг якуний босқичида олинган маблағларни “ювиш” ва уларни “қонунлар амал қиласиган иқтисодиёт” га жойлаштириш ёки коррупциявий амалиёт иштирокчилари томонидан шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланиш. Банк активларини ўғирлаш бир марталик ёки вақт ўтиши билан (мунтазам) бўлиши мумкин.

2.2. Банк операцияларини амалга оширишдаги коррупция кўринишилари

⁴⁶ [Электрон манба]. URL: https://uz.wikipedia.org/wiki/Tijorat_banki.

Кредит бериш ва унинг шартлари тўғрисида қарор қабул қилишда ҳар қандай даражадаги банк ходими (ходимлари) ва мижоз ўртасида коррупциявий битим тушунилади. Бундай битим мижоз томонидан банк ходимини (ходимларини) “мукофотлаш” ни назарда тутади. Мукофот пора шаклида (қарор қабул қилишдан олдин) ёки (кредит берилгандан кейин) амалга оширилиши мумкин. Бироқ, кўпинча “хизмат” тўлови икки босқичда амалга оширилади: а) “аванс тўлови”; б) “яқуний тўлов. Ушбу коррупциявий ҳолатлар шартли равишда қуйидаги турларга ҳам бўлинади. улардан биринчиси, чакана кредитлаш тизимидағи коррупция, иккинчиси, муддати ўтган кредит қарзларини ундиришдаги коррупция турларига бўлинади.

2.3. Чакана кредитлаш соҳасидаги коррупция кўринишлари

Сўнгти пайтларда банклар чакана кредитлашни фаол тарғиб қилмоқда. Сабаби, йирик мижозларнинг корпоратив сектори нисбатан тор ва банкнинг кредит линияси бўйича йиллик фоизлари чакана савдога нисбатан анча паст. Шунинг учун, бир томондан, банклар, реклама компанияларидан фойдаланиб, қулай кредит шартлари таклифига фаол қарз олувчиларни жалб қиласидилар. Бошқа томондан, кредит олиш учун мурожаат қилганда, улар рад этилади. Бундай ҳолларда воситачилар пулли асосда кредит олишда ёрдам кўрсатишни таклиф қиласидилар.

2.4.Муддати ўтган қарзларни ундиришда коррупция кўринишлари

Муддати ўтган қарзларни бошқариш соҳасида коррупциянинг турли шакллари мавжуд. Истеъмол кредитида муддати ўтган қарзлар билан ишлаш бўлими мутахассиси мижозга нисбатан босим ўтказади. Шу нуқтада воситачилар қарздор учун ёрдамга келиб, улар миннатсиз ҳақ эвазига тегишли хизматлар кўрсатадилар. Хизматлар учун ҳақ нафақат пул, балки бошқа моддий воситалар сифатида бўлиши мумкин. Маълум вақтдан сўнг

қарздор кредитордан унга бўлган босим сезиларли даражада камайганлигини сезади ва кейин бутунлай тўхтаб қолади.

Ушбу схемани айниқса оммавий чакана истеъмол кредитлашга йўналтирилган йирик банкларда қўллаш мумкин. Муддати ўтган қарзниң катта миқдори баъзан банк мутахассислариға мижозниң жойлашган жойи номаълум ёки у ночор эканлигини ҳисоботда кўрсатиб, қарзни ҳисобдан чиқариш имконини беради.

2.5.Гаровни сохталаштириш шаклидаги коррупция кўринишлари

Гаров бўлинмаларининг функциялари ташкилотнинг асбоб-ускуналари, кўчар ва кўчмас мулклари, инвентаризация буюмларини визуал текширишдан иборат. Бошқа сўз билан айтганда, кредитни қайтаришни таъминлаш учун гаров сифатида расмийлаштириладиган барча мол-мулк бўлим мутахассислари томонидан текширилиб, баҳолангандан бўлиши керак.

Аниқ белгиланмаган жараёнларда мутахассис ҳисоботда сифатсиз ускуналар ўрнига фотосурат материалларида қимматбаҳо ускуналарни кўрсатиш орқали маълумотларни сохталаштириши мумкин. Омборлар текширилмайди ёки текширилмоқда, аммо уларнинг ҳолати сезиларли даражада яхшиланган. Ҳужжатлар ўрнатилган тартибда ўрганилмайди.

Гаровга қўйилган мол-мулк қарзни узиш ҳисобига мусодара қилиниб, олинган қарзни қоплаш мақсадида қўшимча равишда ўрганилганда, факат муддати ўтган қарзларни ундириш чора-тадбирлари ҳолатидагина қалбакилик ҳолатини тушунтириш мумкин бўлади.

Чакана кредитлаш соҳасида гаров текшируви ҳам сустеъмол қилинади. Масалан, муддати ўтган қарзлар билан ишлайдиган ходим автомобиль кредитини ундириш билан боғлиқ тадбирларни ўтказади. Олинган қарзни қоплаш учун банк автомобильни ижро ёзуви остида ушлаши керак. Лекин маълум бир миқдордаги маблағ эвазига ходим ҳисоботда гаров

мавжуд эмаслиги, яъни автомобилнинг жойлашуви белгиланмаганлиги ва қарздорнинг noctor эканлигини важ қилиб кўрсатиши мумкин.

Ипотека кредити бериш соҳасида коррупция ҳукуқбузарликлари ҳам кэнг тарқалган. Риелторлик ва баҳолаш компаниялари ўз фотоҳисоботларида бозор қийматини ошириш мақсадида ҳақиқатда мавжуд бўлган хароба қишлоқ уйи ўрнига ички Евро қопламали мустаҳкам уйни акс эттирадилар.

2.6. Банкда аккредитация пайтидаги коррупция кўринишлари

Коррупция банкдаги тадбиркорлик субъектларини аккредитация қилиш жараёнида, ходимлар компания активлари ҳақидаги реал маълумотлар ўрнига компания активлари ҳақидаги сохталаштирилган маълумотларни тақдим этганларида юз бериши мумкин.

2.7. Касса бўғинидаги коррупция кўринишлари

Ушбу турдаги коррупциявий ҳукуқбузарликлар касса хизматлари пайтида, ходим банк маблағлари ҳисобига шахсий кредитларни тўлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш жараёнида юз бериши мумкин. Банк маблағларидан ноқонуний вақтинчалик кредит предмети сифатида фойдаланиб, кассир, банкнинг юқори назорат ходими рухсати билан кассадан пул олиши, шу билан иш куни охиригача ҳисоботларга турли рақамларни киритиб қўйиши мумкин.

Яна бир коррупциявий ҳолатлардан бир бу - банк ходимлари ўзларининг номларига сохта пластик карточкалар очиб, банк маблағларидан кредит сифатида фойдаланадилар. Бунга қўшимча равишда, маълум бир корхонанинг пуллари блокланмаган транзит ҳисоб рақамида қолиб кетади ва ушбу пулларнинг назоратини бош бухгалтер олиб бормагани учун ходимлар томонидан ушбу маблағлар ўзларининг шахсий манфаатлари йўлида фойдаланадилар ва буни ҳеч ким назоратини олиб бормайди.

2.8. Шахсий маълумотларни учинчи шахс манфаатлари учун ўғирлаш

Шахсий маълумотлар банк ходимлари томонидан банк мижозининг ушбу ҳолатдан хабарисиз олинади ва учинчи шахсларнинг фойдасига ушбу ўғирланган маълумотлар хақида хабар беришади. Бу турдаги коррупциявий хатти-харакатлар асосан йирик тадбиркорлик субъектларига нисбатан содир этилади, яъни ҳалол рақобат муҳитини бузиш ҳисобланади.

2.9. Совға бериш билан боғлиқ коррупция қўринишлари

Тижорат банклари ходимларининг фаолиятини назорат қилишда ушбу ходимлар томонидан қимматбаҳо совғалар бериш билан боғлиқ коррупция.

2.10. Ички ва ташқи назорат фаолиятини амалга оширда меҳмондўстлик

Ушбу ҳолатда назорат обьекти ҳисобланган банк ходимлари ноқонуний устунлик олиш, жазоланишдан қочиш мақсадида назоратчиларга “меҳмондўстлик” қилиб беришади. Улар қўйидагича қўринишда бўлиши мумкин: чойхона, курортга билет, бориш-келиш харажатлари, меҳмонхона, транспорт харажатлари ва.х.к.

2.11. Жиноий даромадларни қонунийлаштиришга ёрдам бериш шаклидаги коррупция.

Тижорат банкининг ноқонуний йўл билан топилган пулларни “ювиш” бўйича коррупциявий операцияларда иштироки. Ушбу турдаги “хизмат” ни олган мижозлар ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслар бўлиши мумкин. “Ювилган” пуллар давлат амалдорлари, уюшган жиноий гуруҳларнинг раҳбарлари ва аъзолари ёки банкирларнинг пуллари бўлиши мумкин. “Ювиш”, биринчи навбатда, пора сифатида олинган нақд пулларни, шунингдек, гиёҳванд моддалар савдосидан олинган даромадларни ва бошқа жиноий фаолиятлардан олинган даромадларни “қонунийлаши” тушунилади. “Пул ювиш” амалга оширишда банклар қўпинча ташкилий-хуқуқий шаклига кўра, банк бўлмаган тузилмалари билан ўзаро амалга оширилади. Хусусан, пул маблағлари банкларда қонунийлашади ва чакана

савдо, ресторон ва бошқа тијорат ташкилотлари, шахсларнинг бизнеси учун катта миқдордаги нақд пул билан таъминланади⁴⁷.

Жиноятнинг бу тури оператив хизматлар соҳасида жиноий йўл билан олинган маблағлар олдинги ташкилотларининг ҳисоб-китоб ва рақларидан фойдаланиб легаллаштирилганда содир этилиши мумкин⁴⁸.

Маълумотни текширадиган ва бизнес манзилига борадиган банк мутахассиси пул эвазига ҳақиқий фактлар ва ҳужжатларда кўрсатилган фактлар ўртасидаги фарқни яшириши мумкин (фаолиятнинг ҳақиқий жойлашуви, биноларнинг ижара шартномаси ёки мулкининг мавжудлиги,офис мебеллари, офис жиҳозлари ва бошқалар.) ёки оператив хизмат кўрсатиш жараёнида жорий ҳисобдаги шубҳали операциялар факти аниқланган ҳолда ва ҳисобдаги операциялар дарҳол тўхтатилиши лозим бўлганда, ходим бу ҳақиқатни қасдан яшириши мумкин.

Ноқонуний даромадларни легаллаштириш билан боғлик коррупциявий жиноятлар - ноқонуний йўл билан топилган даромадларни асосий банк ресурсларига кўчириш орқали коррупциявий жиноятлар содир этилиши мумкин.

Чет эл банклари - чет давлатнинг худудида рўйхатга олинган, унинг қонун ҳужжатларига мувофиқ банк деб ҳисобланадиган юридик шахс⁴⁹.

III. Чет-эл банкларида юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатлар

Чет эл банкларида учраши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатларнинг аксарият қисми жиноий даромадларни қонунийлаштиришга ёрдам бериш шаклидаги коррупция тури билан боғлиқдир. Мисол учун, мансабдор шахс мамлакат худудида жойлашган банклар орқали ноқонуний

⁴⁷[Электрон манба]. URL: FATF-GAFI. Trade based money laundering. 2006. URL: <http://www.fatf-gafi.org/dataoecd/60/25/37038272.pdf>. Masciandaro D. Money Laundering: The Economics of Regulation // European Journal of Law and Economics. 2011. Ed. 3. P. 247.

⁴⁸ Masciandaro D. Money Laundering: The Economics of Regulation // European Journal of Law and Economics. 2011. Ed. 3. P. 247.

⁴⁹ Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги 216-І-сонли Қонуни, 3-модда.

йўл билан топилган даромадларини қонунийлаштириш учун пул-кредит эмиссияларини амалга ошиrolмаган тақдирдагина чет-эл банклари “ёрдам” га келади.

Махсус молия-кредит муассасаларига сұғурта компаниялари, лизинг ва факторинг бўйича махсус молия муассасалари, кредит уюшмалари, жамғарма банклари ва бошқа турдаги молия-кредит муассасалари киради.

Ўзбекистон Республикасининг «Сұғурта фаолияти тўғрисида» ги қонуннинг З - моддасига биноан «Сұғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тулайдиган Сұғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (сұғурта ходисаси) юз берганда ушбу шахсларга сұғурта шартномасига мувофиқ сұғурта товонини (сұғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади.

Кредит уюшмаларининг тижорат банкларидан асосий **фарқи** катта фойда олиш эмас, балки ўз аъзоларининг бизнесини ривожлантиришга паст фоизда кредит-молия ёрдами кўрсатиш. Унинг кредитларидан фойдаланишни расмийлаштириш оддий тушунарли ҳисобланади. Ўзбекистонда кредит уюшмалари жумласига “Хазина ва Шердор” (Самарқанд), “Ишонч” (Жizzах), “Ласточка” (Навоий), “Марвел ва Таянч” (Наманган), “Бухоро тадбиркори ва Умид” (Бухоро), “Мададкор” (Андижон), “Барака ва Таракқиёт” (Тошкент вилояти) ва бошқаларни киритиш мумкин.

IV. Молия ташкилотларида юзага келадиган коррупциявий ҳолатлар қўйидагилар:

Фуқароларга кредит беришда банкнинг кредит ажратиш бўлими ходими билан манфаатлар умумийлиги негизида “қонуний” сұғурта фаолияти билан шуғулланилади ва кредиторга бошқа алтернатив йўлларни ёпиб қўйишлари мумкин. Натижа—Сұғурта ташкилотлари учун “заказчик”

ролини бажаришади. Кредит ташкилотлари ҳам бевосита банкка алоқадор бўлган ташкилот бўлиб, яъни аксарият қисмни ташкил қилувчи молиявий ташкилотларнинг асосий молиявий базаси банк орқали шаклланганлиги боис, уларнинг амалга оширилиши лозим бўлган молиявий фаолиятида банкларнинг роли катта ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, кредит ташкилотларида юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатлар бошқа молиявий ташкилотларнига нисбатан бирмунча фарқли хусусиятга эга бўлиб, асосан ажратилган кредит маблағларни ўзлаштиришда ҳамда кредит ажратилган юридик шахснинг қасдан банкротлик ҳолатларини амалга оширишида ифодаланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, банк соҳасида коррупциясининг айрим турларининг аҳамияти турли мамлакатларда катта фарқ қиласди. Шундай қилиб, Америка Кўшма Штатлари ва сабиқ Совет мамлакатларида банк коррупциясида катта фарқларни кўриш мумкин. Хусусан, АҚШ банк тизимида катта микдордаги расмий олтин ва валюта захиралари йўқлиги сабабли захира коррупцияси етарли шарт-шароитларга эга эмас⁵⁰. Бундан ташқари, Вэнгрияда коррупцияга қарши қурашда иқтисодиёт, ҳукуқ ва бошқарув соҳасидаги эксперtlар комиссияси тузилиб, қонунчиликда янги лойиҳалар ва ўзгаришлар ишлаб чиқилди. Асосий ўзгаришлар банклар орқали \$1000 доллардан зиёд микдордаги пул тўловларини чеклаш, солик ва йиғимларни тўлашда кечикишлар ва имтиёзлар олувчилар сонини камайтириш бўлди. Шунингдек, солик, молия, полиция ва божхона соҳасидаги ваколатли органларнинг хабардорлиги оширилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хulosани қўйидагича тақдим этамиз.

Биринчидан, агарда биз муаммонинг асл сабабларини аниқлайдиган бўлсак, бартараф этувчи куч-воситаларимизни тўғри йўналтирган бўламиз.

⁵⁰ Шашкова.А.В. Международная и национальная практика противодействия коррупции и отмыванию незаконных доходов: Практика корпоративного управления: Учеб. пособие для студентов вузов / А. В. Шашкова. — М.: Издательство «Аспект Пресс», 2014. С.72

Иккинчидан, давлат ресурсларини түгри сарфлаш мақсадида банкмolia соҳасидаги коррупцияни қўйидаги уч катта гуруҳга бўлиб олишимиз мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Улар: Марказий банк ва тижорат банклари ўртасидаги коррупциявий ҳолатлар, тижорат банклари ичидаги коррупция, мolia ташкилотлари ичидаги коррупция.

П.БОБ. БАНК-МОЛИЯ СОҲАСИДАГИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ИЛГОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

2.1. Банк-молия соҳасида коррупцияни олдини олишга қаратилган халқаро стандартлар

Коррупция иқтисодий ўсишга таъсир қилувчи энг ёмон иллат эканлигини юқорида ҳам кўриб ўтдик. Ҳозирги кунда коррупциянинг оқибатлари кўплаб сиёсатчилар билан бир қаторда кўплаб илм аҳли вакилларини жалб қилган жуда долзарб **муаммога** айланиб улгурди. Олимлар томонидан ўрганиб чиқилган кэнг кўламли тадқиқотлар шуни кўрсатадики, коррупция бутун дунё молиявий инқирозига, банкларнинг мувозанатига салбий таъсир кўрсатувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, 1997 – 1998 йилларда Шарқий Осиё молиявий инқирозларининг асосий сабаби коррупция эканлиги аниқланган⁵¹. Мисол тариқасида, Корея Республикасидаги “Hanbo” корпорацияси билан боғлиқ коррупциявий ҳолатлар, яъни фирмалар ва сиёсатчилар ўртасидаги “мустаҳкам алоқалар” банк активларининг сифатини жиддий ёмонлашишига ва пиравардида молиявий инқирозга олиб келганига одатий мисолдир⁵² ёки 2008 йилда рўй берган “Жаҳон молиявий инқирози” мисолида кўришимиз мумкин⁵³.

Банклар фаолиятида коррупциявий ҳолатларни тавсифлаш аниқ далилларга асосланмаган бўлиб, асосий қисми **латент жиноятлар** ҳисобланади ва шу пайтгача коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этишга қаратилган жуда кам илмий ҳаракатлар қилинган. Бундан ташқари, ушбу соҳадаги коррупцияга қарши воситалар асосан коррупция ҳолатларини йўқ қилишга эмас, балки уларнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган.

⁵¹ Literature on bank crises shows that the deterioration of the balance sheet is one of main symptoms of a financial crisis.

⁵² Hanbo Corporation, a business conglomerate, financed enormous amounts of funds using its strong ties to high ranking officials, politicians, lawmakers, and even the then-president’s son. The secret relationship revealed during the prosecution in 1997 had been maintained by bribes that Hanbo provided to them.

⁵³[Электрон манба]. URL: https://www.forbes.com/2009/01/27/corruption-financial-crisis-business-corruption09_0127corruption.html?sh=6b836aea61b3

Коррупцияни олдини олишга қаратилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, коррупцияга қарши курашиш турли-хил соҳаларда турлича ёндашувларни талаб этади, шу билан бир қаторда банкларда ҳам. Банкларда коррупцияни олдини олишга қаратилган халқаро ташкилотларнинг тавсиялар беришига бир қанча сабаблар бор бўлиб, охирги пайтларда Банк сектори коррупция хавфининг ўзига хос шаклларига дуч келди ва буни сўнгги банк можароларида ҳам кўришимиз мумкин.

Сўнгти пайтларда дунё банклари билан боғлик бўлган бир қатор тартибга солувчи тавсиялар коррупция муаммолари билан боғлик. Бунга мисол қилиб, BNY Mellon билан боғлик можороларни кўрсатиш мумкин. У FCPAни қоидалари⁵⁴ни бузганлиги сабабли, яъни ўзига қўйилган айловларни Яқин Шарқда мансабдор шахсларнинг оила аъзоларини фонд аъзолигига қабул қилиш орқали орқали “ҳал қил” гани. (АҚШ Қимматли қоғозлар ва биржা комиссияси (SEC, 2015), “Standard Bank” томонидан Танзания худудида 600 миллион АҚШ долларлик бизнесни қўлга киритишида коррупциявий ҳаракатлар қилганлиги учун прокуратура айб эълон қиласди ва ушбу айдан қочиш учун прокуратура билан келишгани (Буюк Британиянинг фирибгарликка қарши кураш идораси, 2015).

JPMorgan Chase Осиё-Тинч океани минтақасидаги мансабдор шахсларга коррупциявий таъсир кўрсатганлиги тўғрисидаги айловларни мансабдор шахсларнинг оила аъзоларига иш таклиф қилиш орқали ҳал қилди (SEC, 2016), Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашдаги камчиликлар мавжуд бўлганлиги учун дунёвий банкларга нисбатан қўлланиладиган жазолар ҳам мавжуд бўлиб, бу турдаги жазолар қуйидаги икита банклар - Deutsche Bank (The Daily Telegraph 2017 йилдаги маълумотларига кўра) ва HSBC (Reuters 2012 йилдаги маълумотлари)га қўлланилганлигига тарих ҳам гувоҳ.

⁵⁴ Федеральный закон Соединенных Штатов Америки о борьбе с коррупцией в международной деятельности, имеющий экстерриториальное действие, то есть его юрисдикция распространяется за пределы территории США.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, банкларда коррупциявий хавф-хатарларни олдини олишга қаратилган халқаро нормалар ва тавсияларни ишлаб чиқувчи ташкилотларнинг ваколатлари ва кучига қараб иерархик тарзда кўрсатиб ўтамиз.

Жаҳон Банкининг гуруҳи⁵⁵ (кейинги ўринларда гуруҳ) 20 йилдан зиёд вақт мобайнида аъзо мамлакатларда коррупциянинг зарарли оқибатларини юмшатиш, ҳисобот беришга қодир институтларни шакллантириш ҳамда коррупцияга қарши дастурларни ишлаб чиқади.

Гуруҳнинг фаолияти барқарор ва ўзгарувчан маълумотларга таяниб ҳам давлат ҳам нодавлат субъектларга коррупцияга қарши курашиб ҳолатини яхшилайдиган, жамоат яхлитлигини мустаҳкамлайдиган сиёsat ва амалиётни амалга ошириш учун зарур бўлган чораларни амалга ошириша амалий кўмак беради. Бундан ташқари, гуруҳ **давлат, хусусий сектор (банклар)** ҳамда фуқаролик жамияти билан биргаликда коррупцияни олдини олиш бўйича меёrlар ва стандартларни яратади ва уларни такомиллаштириш бўйича ишлар олиб боради.

Ўтказган тадқиқот натижаларимиз шуни кўрсатадики, Биринчи навбатда Жаҳон банки томонидан ажратиладиган грантлар ва ссудалар ҳар қандай ривожланаётган давлатларнинг иқтисодиёти учун зарур бўлиб, ушбу асосдан келиб чиқиб, Жаҳон Банки мамлакатларда коррупцияни олдини олишга оид сиёsatи ва дастури доирасида у мамлакатларни баҳолашда нималарга асосий эътиборини қаратиши ва керакли тавсиялари қуидагилардан иборат: 1) турли-хил семинарлар орқали аҳолини коррупция ҳақидаги билимларини ошириш; 2) давлат хизматчиларини коррупция ҳақидаги билимларини турли – хил семинарлар, тарғибот-ташвиқот усуслари орқали ривожлантириш; 3) коррупцияга қарши курашишда одоб-ахлоқ меъёрларини ўрнатиш; 4) давлат хизматчиларини

⁵⁵ Жаҳон Банки гуруҳи 1944 йил 1–22-июл Бреттон-Вудс халқаро шартномаси.

ойлик иш ҳақининг миқдорини ошириш; 5) иш ҳақининг тушиб кетишини камайтириш, яъни ўртача яшаш стандартларидан пастга тушиб кетишини олдини олиш; 6) адолатли фуқаролик жамияти яратиш; 7) асосий индикатор сифатида аҳолининг фикрларини инобатга олиш; 8) очик молиявий ҳисоботларни шакллантириш; 9) коррупцияга қарши парламент назорати; 10) давлат хизматини камайтириш, хусусий секторда бандликни ошириш; 11) давлат хизматчиларининг ҳисобдорлигини ошириш; 12) бюрократик тўсиқларни бартараф этиш; 13) иқтисодий сиёсатни реформа қилиш; 14) оммавий-ахборот воситаларининг эркилигини таъминлаш; 15) ва охирида қонун устуворлигини таъминлаш жудаям мухим ҳисобланади⁵⁶.

Бундан ташқари, ажратилган ссудалар ва грантлар доирасида Жаҳон Банкининг таркибий қисми ҳисобланган IBRD⁵⁷ ссудалари ва Халқаро ривожланиш ассоциациясининг кредитлари ва грантлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларда фирибгарлик ва коррупциянинг олдини олиш, уларга қарши курашиш бўйича йўриқномада кўрсатилган тавсияларни бажарашимиз лозим.

Биз ушбу тавсияларнинг фақат **банкларга тегишли бўлган қисмини** ёритамиз, қарз олевчи томоннинг коррупцияни олдини олиш бўйича харакатлари қўйидагилардан иборат:

- 1) Пул маблағлари йўналтирилиши мумкин бўлган соҳада фирибгарлик ва коррупцияни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим, хусусан, қарз олевчи томоннинг берувчига нисбатан маълум бир харакатларни қилиш бўйича мажбуриятлари, қарз олевчи ва банк ўртасида маъмурий тартиблар белгиланиши лозим;
- 2) Коррупцияга қарши кўрсатмалар лойиҳа ходимлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари, молиявий воситачилар ва бошқа

⁵⁶ Jeff Huther, Anti-Corruption Policies and Program, A Framework for Evaluation, The World Bank Operations Evaluation Department Country Evaluation and Regional Relations Division, December – 2000.

⁵⁷ The International Bank for Reconstruction and Development (IBRD) is an international financial institution, established in 1944 and headquartered in Washington, D.C., United States, that is the lending arm of World Bank Group. The IBRD offers loans to middle-income developing countries.

иштирок этувчи ташкилотлар, уларнинг лойиҳада ишлаётган ходимлари учун тақдим этилишини таъминлаш орқали хабардорликни ошириш каби қарз олувчи томон бажариши мажбурият сифатида белгиланади⁵⁸.

Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти (OECD)⁵⁹.

Ушбу ташкилотнинг мақсади - ҳамма учун тэнглик ва фаровонликни таъминлайдиган сиёсатни шакллантиришdir.

OECD ҳукуматлар, сиёсатчилар ва фуқаролар билан биргаликда ишончли далилларга асосланган халқаро стандартларни яратиш ва бир қатор ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларга ечим топиш билан шуғулланади. Иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш ва иш ўринларини яратишдан кучли таълимни ривожлантириш ҳамда солиқ тўлашдан бўйин товлаш билан курашишгача маълумотлар йифиб, таҳлил қиласи ва давлатнинг асосий сиёсат йўналишларини ишлаб чиқиб тавсиялар беради.

Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти (OECD) нинг 4-раунд “Истанбул ҳаракатлар режаси” доирасида мамлакатимиз томонидан амалга оширилиши шарт бўлган бир қатор тавсиялар берилган бўлиб, улар орасида банклар томонидан амалга оширилиши зарур бўлган бир қатор режалар ҳам бор.

Эътиборли жиҳат шуки, 3-раунд доирасида қилиниши керак бўлган тавсиялардан Давлат молиявий назорати ва аудит қисми умуман бажарилмаган⁶⁰, бундан ташқари фуқаролар ўртасида олиб борилган сўров натижаларига кўра, банк соҳаси коррупция ва порахўрликка мойил болган ташкилотлар ўртасида 13,5% билан юқори ўринларда турибди.

4-раунд доирасида банклар томонидан қилиниши лозим бўлган ҳаракатлар режаси куйидагилардан иборат:

⁵⁸ The World Bank’s Anti – corruption Guidelines and Sanctions Reform (Actions for Borrowers & Other Recipients of loans to help prevent and combat corruption in bank financed Projects).

⁵⁹ 1961 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти тўғрисидаги конвенсия билан Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилотига айлантирилди ва аъзолар Европа давлатларидан бошка давлатлар томон силжиди. ОЕСДнинг штаб-квартираси Париждаги, Chatyeau dye la Muyettye шаҳрида жойлашган.

⁶⁰ OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-ENG.

- 1) 39-тавсиянинг 2-қисмида, тергов ташкилотларига бенефициар мулкдорни аниқлаш учун банк мижозларининг ҳисоб қайдномасига тўлиқ кириш имкониятини яратиш зарурлиги тўғрисида;
- 2) 14-тавсияга кўра, Давлат амалдорлари активлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш тизимини жорий этиш зарурлиги ҳақида боради, Янги тизим барча давлат хизматчиларига, шу жумладан юқори лавозимли мансабдор шахсларга (Президент, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, Парламент аъзолари, ижро этувчи ҳокимият раҳбарлари), судялар, прокурорлар, хуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари ва ходимларига, шунингдек, Марказий банк, Ҳисоб палатаси, тижорат банкларининг ходимлари учун ҳам татбиқ этилиши тавсия этилади. Ушбу янги тизим электрон ошкор қилиш тарзида босқичма-босқич олиб борилишини кўзда тутади;
- 3) Комплаенс назорат тизимини ўрнатиш орқали коррупцияга қарши самарали курашиш;
- 4) Ноқонуний даромадларни легаллаштиришга оид маълумотлар жиноят иши қўзғатилган шахс доирасидагина суриштирув ва тергов органларига берилади, шундан келиб чиқиб, “Банк сири тўғрисида” ги қонунга ўзгартириш киритиш зарур деб кўрсатилган;
- 5) Банк ҳисоб қайдномаларини тергов ва суриштирув органлари кўриб чиқа оладиган тарзда марказий маълумот олиш тизимини яратиш каби тавсиялар бевосита OECD томонидан 4-раунд доирасида қилиниши лозим бўлган тавсияларни алоҳида Ўзбекистон учун ишлаб чиқсан⁶¹.

Банк назорати бўйича Базель назорат қўмитаси (BCBS)⁶² банкларни пруденсиал тартибга солиш бўйича бирламчи глобал стандартни ўрнатувчи

⁶¹ OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-ENG.

⁶² Банк назорати бўйича Базел қўмитаси (Basel committe on Banking Supervision) 1974 йилда, 10 мамлакатнинг марказий банк бошқарувчилари томонидан тузилган. Унинг аъзолар сони 2019 йилга нисабатан 45 кишини ташкил қилувчи марказий банклар ва банк назоратчиларидан иборат.

ташкилотдир. Банк назорати масалалари бўйича доимий ҳамкорлик қилиш учун алоқалар яратади.

Банк назорати бўйича Базель қўмитаси (BCBS) асосий вазифаси - марказий банкларда пул ва молиявий барқарорликни таъминлаш йўлида хизмат қилиш, ушбу соҳаларда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш⁶³.

BIS (Bank for International Settlements)⁶⁴ Банк назорати бўйича халқаро молия муассаса бўлиб, 1930 йилда ташкил этилган дунё давлатларининг 63 та Марказий банкларига тегишли бўлиб, улар биргаликда жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 95 фоизини ташкил қиласди. Унинг бош офиси Швейцариянинг Базель шаҳрида жойлашган бўлиб, унинг иккита Гонконг ва Мехико шаҳарларида жойлашган ваколатхонаси мавжуд.

Банк назорати бўйича Базель қўмитаси ўзининг вазифаларини қуидаги амалга оширади:

Марказий банклар ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш ва ҳамкорлик қилишга кўмаклашиш;

молиявий барқарорликни таъминлаш учун масъул бўлган бошқа органлар билан ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш;

пул-кредит ва молиявий барқарорлик учун долзарб масалалар бўйича тадқиқотлар ўtkазиш ва сиёsat белгилаб бериш;

молиявий операцияларда марказий банклар учун асосий контрагент сифатида ҳаракат қилиш;

халқаро молиявий операциялар билан боғлиқ вазиятларда агент ёки ишончли воситачи сифатида хизмат қилиш;

Пул-кредит ва молиявий барқарорлик соҳасидаги ишларнинг бир қисми сифатида сиёsat, илмий тадқиқотлар ва жамоатчилик мунозараларини қўллаб-қувватловчи тегишли таҳлилларни ва халқаро банк ва молиявий статистик маълумотларни мунтазам равишда нашр этиб бориш.

⁶³ [Электрон манба]. URL: <https://www.bis.org/bcbs/>

⁶⁴ [Электрон манба]. URL: У12133 <https://www.bis.org/about/index.htm?l=2&m=1%257C1>

Банк назорати бўйича Базель қўмитаси фаолиятига келсак, ташкилотнинг мижозлари марказий банклар ва халқаро ташкилотлардир. Банк назорати бўйича Базель қўмитаси жисмоний ва юридик шахсларнинг депозитларини қабул қилмайди ёки уларга молиявий хизмат кўрсатмайди⁶⁵.

Банк назорати бўйича Базель қўмитаси банкларда коррупция ва порахўрликни олдини олишга оид бир қанча кўрсатмаларни кўрсатиб ўтади. Уларни шартли равишда қуидаги 4 асосий катта гурӯхга бўлиб оламиз: 1) ички (одоб – ахлоқ қоидалари, юқори мансабдор шахслар учун одоб-ахлоқ масалалари, назорат қилувчи субъектларнинг одоб-ахлоқ масалалари, сўз эркинлиги ва коррупция тўғрисида хабар бериш), 2) ташқи (Due diligence принципида ҳалоллик, Non-compliant jurisdiction policy, яъни ён бермайдиган мутлақ сиёsat, AML/CTF сиёsatини ишлаб чиқиш, яъни Сизнинг AML/CTF дастури банкнинг дуч келиши мумкин бўлган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш бўйича хатарларни қандай ҳал қилишни кўрсатиши керак. Ушбу хатарларни аниқлаш, камайтириш ва бошқариш учун фойдаланадиган сиёsat, процедура ва бошқарув воситаларини ишлаб чиқиш ва хужжатлаштиришни ҳам ўз ичига олади, сўз эркинлиги ва коррупция тўғрисида хабар бериш), 3) текшириш (тергов ва ижро этиш сиёsatи, юқори мансабдор шахслар учун одоб-ахлоқ масалаларида бетарафлик қисми алохида кўрсатиб ўтилиши лозим), 4) IFI-стандартларини ўз ичига олади (Фирибгарлик ва коррупциянинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш учун ягона тизим).

Юқорида таъкидлаб ўтган кўрсатмаларнинг ўзи ҳам майда гурӯхларга бўлиниб, банкларнинг фаолиятида коррупцияни олдини олишда жуда муҳим аҳамият касб этади⁶⁶. Мисол учун, Комплаенс назорат ва ҳалоллик тоғрисида умумий принциплар - Комплаенс назорат–бозорнинг тегишли

⁶⁵ [Электрон манба]. URL: <https://www.bis.org/about/index.htm?m=1%7C1>

⁶⁶ Compliance_Integrity_and_Anti-corruption_Policy%20of%20Bazel.pdf.

хулқ–атвор стандартларига риоя қилиш, манфаатлар түқнашувини бошқариш, “пул ювиш”, тероризмни молиялаштириш ва коррупцияга қарши самарали кураш учу тегишли қонун, қонуности хужжатлар, ўзини–ўзи тартибга солувчи ташкилот стандартлари билан белгиланади ва.х.к⁶⁷.

Financial Action Task Force (FATF)⁶⁸ Молиявий ҳаракатлар бўйича маҳсус Халқаро нодавлат ташкилоти-жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро ташкилотдир. Ҳукуматлараро ташкилот ҳисобланган FATF ушбу ноқонуний хатти-ҳаракатларни ва уларнинг жамиятга етказадиган заарларини олдини олишга қаратилган халқаро стандартларни белгилайди. FATF юқорида кўрсатиб ўтилган жиноятларни олдини олишга қаратилган сиёsat ишлаб чиқарувчи ташкилот ҳисобланади. FATF 200дан ортиқ мамлакатларга ўз таъсир кучини ўtkаза оладиган катта кучга эга бўлган ташкилотлардан биридир. FATF тавсиялари уюшган жиноятчилик, коррупция ва терроризм, ноқонуний пулларни легаллаштиришни олдини олишга қаратилган.

FATF жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш усулларини кўриб чиқади ва крипто-валюталар оммалашиб бориши билан тарқалиб кетган виртуал активларни тартибга солиш каби янги хатарларни бартараф этиш учун ўз стандартларини доимий равишда янгилаб боради. FATF мамлакатларни ушбу стандартларини тўлиқ ва самарали татбиқ этилишини назорат қиласи ва ушбу меъёрларни бажармаган давлатларни жавобгарликка тортади.

Молиявий ҳаракатлар бўйича маҳсус Халқаро нодавлат ташкилоти бўлган (FATF) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро ташкилот бўлиб, унинг кўрсатмалари мажбурий аҳамият касб этади. FATF

⁶⁷[Электрон манба]. URL: <https://www.bis.org/The role of bank supervisors in the fight against corruption>.

⁶⁸ ФАТФ 1989 йилда Парижда бўлиб ўтган Г7 саммитида тобора ортиб бораётган пул ювиш муаммосига қарши курашиш мақсадида ташкил етилган.

кўрсатмалари асосан банкларнинг **ташқи** фаолияти билан боғлиқдир, шунингдек, мамлакат активларини ноқонуний равишда олиб чиқилишини олдини олишга оид ўзининг тавсияларини беради. Биз биламизки, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш бевосита банклар орқали амалга оширилади, банкларда ушбу ноқонуний ҳаракатларни олдини олишга оид бир қанча стандартлар FATF томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, улар қуидагилар: 1) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид жиноятлар доирасини белгилаш, 2) ушбу жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик масаласини ҳал этиш лозим, 3) вақтинчалик чоралар, мусодара қилиш, 4) мамлакатлар молиявий институтларнинг махфийлик тўғрисидаги қонунлари FATF тавсияларининг бажарилишига тўскىнлик қилмаслигини таъминлаши керак, 5) мижозлар билан ишлашда *due diligence* принципи ва ҳисобга олиш, 6) молия институтлари сиёсий таъсир кўрсатадиган шахсларга нисбатан нормал текширув чораларини кўриши зарур, 7) молия институтлари анонимликни маъқуллайдиган янги ёки ривожланаётган технологиялардан келиб чиқадиган ҳар қандай легаллаштириш таҳдидларига алоҳида эътибор беришлари ва агар керак бўлса, уларни пул ювиш схемаларида ишлатилишига йўл қўймаслик чораларини кўришлари керак, 8) молия институтлари ваколатли органларнинг маълумот сўровларини тезкорлик билан бажаришлари учун камида беш йил давомида ички ёки ҳалқаро операциялар бўйича барча керакли ёзувларни сақлаб туришлари керак. Бундай ёзувлар, агар керак бўлса, жиноий фаолиятни таъқиб қилиш учун далилларни тақдим этиш учун индивидуал операцияларни (агар мавжуд бўлса, жалб қилинган валюта миқдори ва турларини ўз ичига олган ҳолда) қайта тиклашга рухсат бериш учун етарли бўлиши керак, 9) молиявий институтлар ҳеч қандай аниқ иқтисодий ёки кўринадиган қонуний мақсадга эга бўлмаган барча мураккаб, ғайриоддий иирик операцияларга ва барча ноодатий операцияларга алоҳида эътибор

беришлари керак. Бундай битимларнинг келиб чиқиши ва мақсади иложи борича текширилиши, ёзма равишда аниқланган хулосалари ва ваколатли органлар ва аудиторларга ёрдам берадиган бўлиши керак, 10) молия институтлари шубҳали операциялар ҳақида ҳисобот беришлари керак⁶⁹ ва.х.к.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва коррупцияга қарши қурашувчи яна бир халқаро ташкилотларидан бири – бу Wolfsberg Гурӯҳи бўлиб, (Wolfsberg Group) – 13 та йирик банклар (Banco Santander, Bank of America, Bank of Tokyo-Mitsubishi UFJ, Barclays, Citigroup, Credit Suisse, Deutsche Bank, Goldman Sachs, HSBC, JP Morgan Chase, Société Générale, Standard Chartered va UBS) нинг нодавлат ташкилотидир. Унинг мақсади жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши қураш (AML) бўйича банклар учун молиявий – иқтисодий стандартларини ишлаб чиқиш, мижоз билан ишлаш (KYC⁷⁰) ва терроризмни молиялаштиришга қарши қураш сиёсати (CTF)ларни ўз ичига олади. Ушбу ташкилотнинг фаолияти FATFга ўхшаб кетади, аммо ўзининг фаолият йўналишини айни бир ҳукумат доирасида ташкил қилиб боради. Wolfsberg Гурӯҳи AML фаолиятидан ташқари **коррупцияга қарши қурашиш** бўйича жамоавий ҳаракат гурӯҳи сифатида ҳам хизмат қилади. Гурӯҳ ўз фаолиятини матбуот орқали ёритмасдан ёпиқ тарзда олиб боришни афзал кўради⁷¹.

Wolfsberg Гурӯҳи томонидан ишлаб чиқилган “Порахўрлик ва коррупцияга қарши қураш” (ABC – ANTI-BRIBERY AND CORRUPTION PROGRAM) дастурига риоя қилиш бўйича кўрсатмалари доирасида қўйидаги ишларни бажаришни тавсия этади: 1) яхши бошқарувни ташкил қилиш-ушбу дастур доирасида биринчи навбатда ваколат, тажриба ва

⁶⁹ "International Standards on Combating Money Laundering and the Financing of Terrorism & Proliferation" (PDF). fatf-gafi.org. October 2018.

⁷⁰ "Know Your Customer (KYC) Guidelines-Anti-MoneyLaunderingStandards"

⁷¹ wolfsberg-principles.com.

кўникмаларга эга бўлган шахс бошқарадиган юқори менежмент назоратини ташкил қилиш, 2) хатарларни баҳолаш, яъни ҳар бир банк вақти-вақти билан вужудга келадиган порахўрлик ва коррупция билан боғлиқ хатарларнинг моҳияти, ҳажмини ва ўзига хос хусусиятларини баҳолаб бориши, 3) коррупцияга қарши ўқитиш тизимини такомиллаштириш ва ушбу хукуқбузарликлар ҳақида хабардорликни ошириш, 4) комплаенс назорат тизимини яратиш, 5) банк мижозлари билан вужудга келиши мумкин бўлган коррупциявий хавфларни баҳолаш, 6) роллар ва жавобгарлик масаласини ҳал қилиш, яъни банк бошқарувини амалга оширувчи субъектлар учун бошқарувда назорат жавобгарлигига эга бўлиши, кичик мансабдаги ходимлар учун ўзларининг фаолият йўналишларидан келиб чиқсан ҳолда жавобгарлик масаласи ҳал этилиши лозим, 7) коррупция ҳақида ички ва ташқи хабар бериш тизимини мустаҳкамлаш, 8) хукуқбузарликлар ҳақида тергов органларига хабар бериш тизимини яхшилаш ва маълмотлар очиқланишини олдини олиш, 9) Учинчи томон провайдерлари (воситачилар, пудратчилар, сотувчилар ёки етказиб берувчилар) билан муносабатларни баҳолаб бориш, 10) совгалар ва бизнес меҳмондўстликларини тартибга солиш, 11) харид қилиш тартибларини шаффофлаштириш, 12) хайрия қилиш тизимини тартибга солиш, 13) ташкилотларга пул ажратиладиган ҳолларда тиҷорий мақсадлар кўзанмаслиги учун ушбу тадбирлар назорат қилиниши керақ, 14) маркетинг ҳомийликни тартиблаштириш зарур, 15) пора олиш билан боғлиқ жараёнларни легаллаштиришни олдини олиш⁷² каби тавсиялар Ўзбекистон Республикасида коррупция ва порахўрликни олдини олишда катта рол ўйнайди.

Transparency International (TI)⁷³ халқаро нодавлат-нотижорат ташкилотининг асосий мақсади – бу глобал равишда фуқаролик

⁷² Wolfsberg Anti-Bribery and Corruption (ABC) Compliance Programme Guidance (The Wolfsberg Group 2017).

⁷³ 1993 йилда Германияда ташкил топган Халқаро нодавлат–нотижорат цхкилотидир.

жамиятининг коррупцияга қарши чоралар кўришда ёрдам бериш ва коррупциявий жиноятларни олдини олишдир. Унинг энг қўзга кўринган нашрлари Глобал Коррупция Барометри ва Коррупцияни Идрок этиш Индекслари киради. 2020 йил ҳолатига кўра, 180 та мамлакатлар аъзо ҳисобланади. 1995 йилда ташкил этилганидан буён *Transparency International*нинг асосий тадқиқот натижаси бўлган Коррупцияни Идрок қилиш Индекси (CPI) мамлакатларнинг давлат секторидаги коррупцияни кўрсатиб берувчи етакчи глобал кўрсаткичига айланди. Индекс ҳар йили бутун дунёдаги мамлакатларни саралаш бўйича коррупциянинг нисбий даражаси ҳақида йиллик маълумотларни тақдим этади. 2012 йилда *Transparency International* балларни бир йилдан кейинги йилга таққослаш учун индексни тузишда қўлланилган методологияни қайта кўриб чиқди. ТІ Банкларда юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарларни шартли қуидаги гуруҳларга бўлади: 1) мижозлар билан боғлиқ хатарлар, масалан, коррупция тушумини банк орқали ювмоқчи бўлган мижозлар ва ўзаро таъсиридан келиб чиқадиган тўғридан тўғри хатарлар, 2) банклар ва давлат мадорлари ўртасидаги **лоббичилик** фаолияти билан боғлиқ хавф-хатарлар. Шундан келиб чиқиб, *Transparency International* банкларни бешта асосий мавзу бўйича тавсияларни бирлаштириб, комплаенс назорат бўйича амалиётни такомиллаштиришга чақирди: ички рағбатлантириш тизимлари орқали шаффоффлик маданиятини яратиш; манфаатлар тўқнашувини яхшироқ бошқариш; жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши қатъий сиёsat ва процедураларни қўллаш; ҳисобдорликни таъминлаш учун янада самарали мониторинг; молиявий ва молиявий бўлмаган маълумотлар тўғрисида ҳисбот беришда ошкораликни таъминлаш⁷⁴.

⁷⁴ Short_brief_on_Anti-corruption_mechanisms_in_the_banking_sector_2015.pdf.

Хулоса ўрнида, юқорида назарда тутилган ташкилотларнинг фаолият йўналиши ва ўзига хос хусусиятига кўра келиб чиқиб уларни банкларнинг ташқи ва ички фаолиятида коррупциявий ҳолатларни олдини олишга қаратилган **тавсиялари** ва **йўриқномаларга** бўламиз.

Биринчидан, Банкларнинг ташқи фаолиятида коррупцияни олдини олишга қаратилган стандартлар, йўриқномалар, тавсиялар қўйидагилардан иборат: FATF тавсиялари; Жаҳон Банки гурухининг йўриқномалари; Банк назорати бўйича Базель стандартлари киради.

Иккинчидан, Банкларнинг ички фаолиятида коррупцияни олдини олишга қаратилган стандартлар, йўриқномалар, тавсиялар қўйидгилардан иборат: Жаҳон Банки гурухининг йўриқномалари; Банк назорати бўйича Базель стандартлари; Transparency International халқаро нодавлат–нотижорат ташкилотининг кўрсатмалари; Wolfsberg Гурухининг банкларда коррупция ва порахўрликни олдини лишга қаратилган кўрсатмаларини ўз ичига олади.

2.2. Банк-молия соҳасида коррупцияни олдини олишга қаратилган Франция, Германия, Буюк Британия ва Грузия давлатларининг тажрибаси

Илғор хорижий давлатлар тажрибаларини умумийлаштириб банк секторида кўриб чиқилиши керак бўлган коррупцияга қарши курашиш воситалари қўйидагилардан иборат: порахўрликка қарши кучли қоидаларга эга бўлиш, жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича ташкилий – ҳуқуқий асослар, банк мижозлари сифатида сиёсий таъсир кўрсатадиган шахслар билан боғлиқ хатарларни бошқариш ва банк сирларига қарши кураш воситалари, коррупцияга қарши самарали курашиш ва ҳалолликни тарғиб қилиш учун ушбу қоидаларга асосланган ёндашувлар банклар ва молия институтларида ҳалоллик маданиятини шакллантириш бўйича чоралар билан тўлдирилиши кераклиги, улар орасида одоб-ахлоқ қоидалари, ходимлар томонидан қабул қилинган қасамёдлар, иш ҳақи саватчаларини мустаҳкамлаш учун рағбатлантириш чоралари ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, бошқариш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим. Бундан ташқари, юқорида таъкидлаб ўтилган қоидаларни четлаб ўтганлик учун жазо тайинлаш қисмини мустаҳкамлаш каби амалий хатти-ҳаракатлар доирасини келтириб ўтганлар.

Банк соҳасидаги коррупциянинг олдини олишда ижобий натижаларга эришган давлатлардан бири Франциядир. Мазкур давлатда банк соҳасидаги коррупцияга қарши курашиш тизимига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз.

Банклар Франция молиявий иқтисодиётида жуда катта ўринга эга. Франция банки (*Banque de France*) 1800 йилда пойтахт Париж шаҳрида ташкил қилинган бўлиб, у давлат қарзларини бошқариш ва ноталарни чиқариш учун хусусий муассаса сифатида иш бошлаган. Ҳозирги кунга келиб унинг вазифалари қўйидагиларга бўлинади: давлат пул стратегиясини ишлаб чикиш ва бошқариш, молиявий барқарорликни таъминлаш, уй

хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес корхоналарига хизмат кўрсатишидир⁷⁵. Франция банки ходимларининг энг юқори маоши 44 000 доллар миқдорини ташкил этади⁷⁶. Франция банки томонидан ходимлар учун рағбатлантириш чоралари хам кўрилган бўлиб, ушбу рағбатлантиришнинг энг қуий миқдори 1000 доллардан бошланади. Ҳолбуки, Франция давлатининг энг қиммат шаҳарларидан бири ҳисобланган Париж шаҳрида нормал ҳаёт кечириш учун бир кишига бир ойда ижара ҳақисиз \$1,158,71 (€ 974,57) ни ташкил қилади, Тўрт кишидан иборат бўлган оиласа ҳар ойда ижара ҳақисиз 4180,94 АҚШ долларини (€ 3,516,50) ташкил этади⁷⁷. Ушбу рақамлар банк ходимлари томонидан коррупциявий ҳаракатларни содир этилишини олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, банкларда коррупциянинг содир этилишини асосий омилларидан бири бу – ходимларнинг қай даражада ойлик маоши билан таъминланганлигига боғлиқ.

Франция Республикасининг 2020 йил 14 сентябрдаги **БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси қоидаларини жорий қилиши масалаларига оид ҳисоботида** келтирилишича, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва молия соҳасида коррупцияга қарши курашишга оид хуқуқий асослар Молия ва пул-кредит тўғрисидаги кодекс, Европа Иттифоқининг тегишли кўрсатмаларидан иборат. Юқоридаги кодекснинг L.612-1-моддасида банк ва суғурта соҳасини лицензиялаш ва назорат қилиш пруденсиал назорат идораси “The Prudential Supervision and Resolution Authority (ACPR)” томонидан амалга оширилади. **Ваколати-маъмурӣ** бошқарув, тергов қилишда иштирок этиш, қоидаларда кўрсатилган талаблар бажарилмагани учун **интизомий** жазолар қўллаш хуқуқига эга органдир.

⁷⁵ [Электрон манба].URL:<https://riskmagazine.nl/article/2019-10-29-french-banking-system-organized-and-reliable>

⁷⁶[Электронманба].URL:<https://www.emolument.com/salary-reports/companies/banque-de-france/9441#:~:text=Top%20Banque%20de%20France%20Salaries%20%2D%20By%20Title&text=The%20highest%20paid%20Banque%20de,are%20Junior%20Managers%20at%20%2443%2C000.>

⁷⁷[Электрон манба]. URL: <https://www.numbeo.com/cost-of-living/in/Paris>

Коррупцияни олдини олишда муҳим норматив асослардан бири-бу Франция Жиноят кодексининг 121-2 бандига биноан юридик шахс жавобгарлик субъекти ҳисобланади. Унга кўра:

1) юридик шахслар тижорат ёки тижоратчи бўлмаган ташкилот бўлишидан қатъи назар, жавобгарликка тортилиши;

2) ушбу қоидалар давлат сингари юридик шахсга нисбатан татбиқ этилмайди, чунки биринчидан, давлатдан давлат бюджети ҳисобига жарима ундириб бўлмайди; иккинчидан, давлат нуфузининг пасайишига олиб келиши мумкин;

3) маҳаллий тузилмалар ва уларнинг бирлашмалари фақатгина хусусий шахсларга ўтказилган ваколатлар ижро этилишидан келиб чиқадиган қилмиш учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Хусусий шахсга ўтказилиши мумкин бўлган ваколатларга, Франция Кассация суди қуидагиларни қўрсатиб ўтади:

-маҳаллий тузилмаларнинг ваколатлари фақатгина қонунда тақиқланмаган ҳолларда бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин;

- ўтказилган ваколатларга ҳақ тўлаш уларни ижро этиш натижасидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади-деб қўрсатилган.

Молия ва пул-кредит тўғрисидаги кодексига кўра, барча ҳисобдор томонлар, яъни молия фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар, хусусан, банклар ички AML/CTF тизими (жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш ва терроризмни молиялаштиришга қаратилган пулларнинг ишлатилишининг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган процедуралар тўпламидир. Мисол учун, ташкилот маблағларнинг қонуний келиб чиқишига шубҳа қилганда, мижоздан балансни тўлдириш учун ишлатилган пул жиноий йўл билан олинмаганлигини тасдиқлашни талаб қилишга ҳақлидир⁷⁸)га эга бўлишлари

⁷⁸ [Электрон манба]. URL: <https://solarcoin.ru/news/tech/aml-i-ctf-chto-prineset-dlya-industrii-blokchejn-i-kriptovalyut>.

керак. **AML/CTF тизимининг ўзига хос хусусиятларидан бири** - бу кирувчи ва чиқувчи активларни рўйхатга олувчи ягона декларация тизимиға эга, унга кўра 10000 евродан ошадиган ҳар қандай актив мухокама қилиниши кераклиги кўрсатилган. Шунингдек, Францияда банк ҳисобварақлари ва сейфларини кузатишни осонлаштирадиган, марказлаштирилган банк реестри (FICOBA) мавжуд⁷⁹.

Бундан ташқари, **AML/CTF, АБ compliance** (Wolfsberg Гуруҳининг порахўрлик ва коррупцияга қарши дастури мавжуд бўлиб, комплаенс назорат офицерлари томонидан бажарилиши назорат қилинади⁸⁰) тадбирларининг самарали бажарилишини назорат қилиш вазифаси ҳам ACPR (The Prudential Supervision and Resolution Authority)га юклатилган бўлиб, у юқоридаги вазифалардан ташқари, банк ва молия ташкилотлари томонидан ўзларининг мижозлари, фаолияти ва иш жойларини ҳисобга олган ҳолда таваккалчиликка асосланган ёндашувга мувофиқ AML/CTF (хатарларни баҳолаш ва тегишли ички AML/CTF тизимини ташкил этиш, мижозларни идентификациялаш ва асосли маълумотларни ўз ичига олган профилактика чоралари, таваккалчиликка асосланган доимий текширувни амалга ошириш, одатий бўлмаган операцияларни аниқлаш ва шубҳали операциялар тўғрисида Tracfin (Traitement du renseignement et astion contre les Sirsuits financiers slandestins)га маҳсус ҳисбот бериш, CTF миллий ва чет эл активларини, тизимларнинг (коррупцияга қарши курашувчи) яроқлилиги, жойларда ички механизмлар ва процедураларнинг самарадорлигини текширади, шубҳали операциялар Tracfinга ошкор қилиш тўғрисида ҳисбот тайёрлайди⁸¹.

Франция давлати 2010 йилда G20 давлатларининг Коррупцияга қарши курашиш дастурини қабул қилганлиги банк ва молия ташкилотлари учун

⁷⁹ Overview of the legal and institutional framework of France in the context of implementation of the United Nations Convention against Corruption.

⁸⁰ Practical Guide to Implementing an Anti-Bribery and Corruption (ABC) Program.

⁸¹ [Электрон манба]. URL: <https://acpr.banque-france.fr/en/acpr/assignments/strengthening-customer-protection-and-stability-and-integrity-financial-sector>

мажбуриятлар доирасини белгилаб берди, ҳаракатлар режаси аниқ шакллантириб чиқилди ва унда кўрсатилган қоидалар банк ва молия ташкилотлари учун мажбурий аҳамият касб этди⁸².

Францияда жойлашган чет эл банклари. Францияда Аха Banque, Barclays, Citibank, Deutsche Bank, HSBC, JP Morgan ва бошқа қўплаб хорижий банкларнинг филиаллари фаолият юритади. Мамлакат да фаолият юритувчи барча банклар порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш сиёсатини Франция жиноят кодекси, Молия ва пул-кредит кодекси, “Коррупция ва порахўрликка қарши курашиш тўғрисида” ги қонунга асосланган ҳолда ишлаб чиқади ва унга оғишмай амал қиласади.

Тижорат банклари (халқаро банклар, интернет банклардан тортиб, мобил банкларгача ўз ичига олади) уларга қуйдаги банклар киради: BNP Paribas SA 1848 йилда ташкил этилган BNP Paribas халқаро даражада фаолият юритадиган банк бўлиб, 75 мамлакатда ўз филиалларига эга. Банк молия бозорида уч хил шакл орқали ишлайди: ички бозорлар, халқаро молиявий хизматлар ва корпоратив-институционал банклар. Тахминан 192,000 кишидан иборат ҳодимларига эга. Илгари у Banque Nationale de Paris номи билан танилган ва 2000 йил май ойида ўз номини BNP Paribas SA деб ўзгартирган.

BNP Paribas ҳар қандай шаклда порахўрликка нисбатан тоқат қилмаслик сиёсатини олиб боради. Бу шуни англатадики, ҳар қандай пора кўринишларига муросасиз кураш олиб боради, хоҳ у мамлакат нинг ичидаги ёки ташқарисида бўладими, хоҳ у хусусий сектор ёки давлат секторидаги фаолияти бўладими⁸³.

BNP Paribas банки молиявий жиноятлар, шу жумладан порахўрлик ва коррупцияни аниқлаш ва олдини олиш учун ишлаб чиқилган қатъий тартиб-таомиллар, мустаҳкам тизим ва бошқарувга эга бўлиб, унинг комплаенс

⁸² [Электрон манба]. URL: https://www.banque-france.fr/sites/default/files/media/2016/10/21/seoul-annexe3_2010-11.pdf.

⁸³[Электрон манба]. URL: <https://group.bnpparibas/en/group/governance-compliance>

назорат офицерлари молиявий жиноятлар хавфини аниқлаш ва баҳолаш бўйича билимларга эга, шунингдек, улар мижозлар ва битимлар бўйича батафсил текширувларни амалга оширади.

Текширувлар икки қисмга: 1–порахўрлик, коррупциявий жиноятлар содир этилганлик юзасидан текширув ҳамда 2–“пул ювиш” ҳолатлари юзасидан текширув. Текширувларда асосий эътибор хорижий, миллий давлат амалдорлари, таништирувчилар, дистрибуторлар ва брокерлар каби воситачилар, IT таъминотчиларга алоҳида эътибор қаратилади. Шартномаларда порахўрлик ва коррупцияга қарши нормаларни киритиш талаб қилиши мумкин.

BNP Paribas энг юқори даражадаги ҳалоллик стандартларида ишлайди ва бизнес шерикларидан барча ишларда бир хил стандартларга риоя қилишларини талаб қиласди⁸⁴.

Банк ички фаолиятида коррупциянинг олдини олишда Ходимларнинг “Одоб-ахлок” қоидалари⁸⁵ ишлаб чиқилган. Қоидаларнинг ноқонуний даромадларни легаллаштириш, тероризмни молиялаштириш, коррупцияга қарши қурашиб бўлимида ходимлардан қўйидагилар талаб қилинади: вазият ва манфаатдор томонлардан қатъи назар, ҳар қандай иқтисодий жиноятлар, жумладан фирибгарлик, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва тероризмни молиялаштириш, коррупциявий ҳолатлар тўғрисида огоҳ бўлиш ва уларга қарши қурашишда ўз ҳиссасини қўшиш, мижозларнинг активлари юзасидан текширувлар ўтказилганига ишонч ҳосил қилиш, мижозларнинг операциялари порахўрлик ёки коррупция билан боғлиқ эмаслигига эҳтиёт бўлиш, ҳар қандай шубҳали операция тўғрисида юқори менежерга ёки комплаенс офицерига хабар бериш.

⁸⁴ [Электрон манба]. URL: <https://group.bnpparibas/en/group/governance-compliance>.

⁸⁵[Электрон манба]. URL: <https://cdn-pays.bnpparibas.com/wp-content/blogs.dir/119/files/2019/12/France-CODE-OF-CONDUCT>.

Юқорида қайд этилган қоидалар мамлакат худудида ва ташқарисида молиявий фаолиятни амалга оширувчи барча банк-молия ташкилотларга таалтуқли ҳисобланади.

Бундан ташқари, “Порахўрлик ва коррупцияга қарши чоралар кўриш⁸⁶” қисмида, “BNP Paribas банки учун коррупция, унинг шакли ва шароитидан қатъи назар, қабул қилиниши мумкин эмас. Банк ва барча ходимлар порахўрлик ва коррупцияга нисбатан ҳеч қандай тоқат қилмайдилар ва уларга қарши фаол кураш олиб бориш керак” - деган қоидалар мавжуд бўлиб, унга кўра:

- ҳеч қачон тўғридан тўғри ёки билвосита ноқонуний комиссия (kickback⁸⁷), яъни маълум ҳақ эвазига таклифларни қабул қиласли;
- бенефициардан талаб қилинадиган хужжатларни камайтиришга бўлган ноқонуний фойдани қабул қиласли;
- ходимлар банкнинг ҳар бир филиалларида ўрнатилган тақиқлар ва чекловларга риоя қилишлари шарт;
- совғалар ёки “хизматларни” олиш ёки таклиф қилиш қонуний эканлигига ишонч ҳосил қилиш;
- комплаенс назорат қоидаларига тўла риоя қилиш;
- мижозларга нисбатан гурухнинг ички назорати, сиёсати ва тартиб-таомилларига риоя қилиш⁸⁸.

Санаб ўтилган қоидалар банкнинг мувафақиятли молиявий фаолият юритишини таъминламоқда ҳамда миллий ва жаҳон молиявий бозорида банкнинг обрўсини кўтаришга хизмат қилмоқда.

Banque Populaire and Caisse d'Epargne (Groupe BPCE) қароргоҳи Парижда жойлашган бўлиб, 1818 йилда ташкил этилган қадимий банклардан бири. BPCE жамгарма ва инвестиция лойиҳалари, пул

⁸⁶ [Электрон манба]. URL: <https://cdn-pays.bnpparibas.com/wp-content/blogs.dir/119/files/2019/12/France-CODE-OF-CONDUCT>.

⁸⁷ [Электрон манба]. URL: [https://en.wikipedia.org/wiki/Kickback_\(bribery\)](https://en.wikipedia.org/wiki/Kickback_(bribery)).


⁸⁸ <https://cdn-pays.bnpparibas.com/wp-content/blogs.dir/119/files/2019/12/France-CODE-OF-CONDUCT>.

маблағларини бошқариш бўйича хизматлар, молиялаштириш лойиҳалари, сугурта ва улгуржи банк хизматларини ўз ичига олган молиявий хизматларни амалга оширади.

Банк ўзининг ички тизимида коррупцияни олдини олиб адолатли бошқарув тизимини яратишга эришди. Бир сўз билан айтганда иқтисодий ривожланиш самарали бошқарувни ташкил этиш билан чамбарчас боғлиқдир. Ўз навбатида ҳар қандай ташкилотлар самарали бошқарув эвазига барқарор иқтисодий ўсишни қайд етади. ВРСЕ гуруҳи ҳам 2020 йил ҳисобига кўра, соф банк даромадлари 22,5миллион евро⁸⁹ни ташкил етди. Ушбу натижалар албатта қониқарли, чунки ҳаммамизга маълум 2020 йилнинг иккинчи чораги пандемия даврини ўз ичига олиб, ушбу даврда қўплаб ташкилотлар банкротлик ёқасига келиб қолди ёки аксинча батамом таназзулга юз тутди. ВРСЕ гуруҳининг коррупцияни олдини олишдаги сай-ҳаракатларнинг туб илдизи унинг “одоб-ахлоқ” кодексига бориб тақалади. Мазкур қоидалар ходимларнинг кундалик хатти-ҳаракатларни бошқаришга қаратилган 12 тамойилни ўз ичига олади. Профессионал ахлоқ қоидалари комплаенс тизимимизнинг ажralmas қисмини ташкил этиб, асосий тамойиллар ВРСЕ банкнинг марказий аппарати томонидан белгиланади ва кейинчалик ҳар бир гуруҳ аъзолари томонидан уни амалга ошириш чоралари қўрилади. Ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш ҳар бир ташкилотга ўз фаолиятини ҳалол, адолатли ва профессионал тарзда олиб бориш ва мижозларининг манфаатлари учун хизмат қилиш имкониятини беради. Бундан ташқари, банқда профессионал сертификатлаш тизими ҳам мавжуд бўлиб, унда ходимларнинг коррупцияга мойиллик даражасини ўрганиб чиқишига доир мезонлар хусусан, ходимларнинг коррупцияга қарши мойилликларни баҳолашда ИТ платформалари ҳам кэнг қўлланилиб келингяпти, мисол учун, ходимга ишга

⁸⁹ <https://www.globenewswire.com/news-release/2021/02/11/2174401/0/en/Bpce-Q4-20-and-2020-results-of-Groupe-BPCE.html>.

қабул қилиниш даврида ҳамда иш даврида қуйидагича онлайн тестлар үтказилади.



Банқда манфаатлар тўқнашувини юзага келтириши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш ва бошқариш, бозорни сунстеъмол қилишнинг олдини олиш, рақобат, коррупцияга қарши курашни тартибга солувчи қонунларга нисбатан ходимларнинг юриш-туришларини назорат қилувчи конплаенс назорат тизимлари ҳам мавжуд⁹¹. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маҳфий ва имтиёзли маълумотларни ошкор қилишни кузатиш ва бошқариш механизмлари банқда ўрнатилган. Бу каби тадбирлар шахснинг молиявий операцияларини бошқа шахсларнинг фойдасига, маълум бир моддий ёки номоддий қимматлик эвазига ошкор қилинишини олдини олади.

12 қоидадан ташкил топган “одоб-ахлоқ” кодексининг 7-тамойили (компаниянинг барча тармоқларида коррупцияга қарши курашиш) бевосита коррупция масалаларига бағишлиланган. Унга кўра, ҳеч қачон тўғридан тўғри ёки билвосита ноқонуний комиссия, моддий ва номоддий қийматдаги нарсалар, хизматларни таклиф этмаслик, қабул қилмаслик, бироннинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий ҳаракатларни содир этмаслик, молиявий операцияларни амалга оширишда доимо хушёр бўлиш, ҳар

⁹⁰ [Электрон манба]. URL: <https://groupebpce.com>.

⁹¹ [Электрон манба]. URL: <https://groupebpce.com/en/all-the-latest-news/news/2019/a-code-of-conduct-and-ethics-for-groupe-bpce-staff>.

қандай шубҳали ҳолат ҳақида хабар бериш⁹² мажбурияти юклатилган. Ўз ўрнида банкнинг “одоб-ахлоқ” кодексида ўрнатилган қоидаларга бўйсунмаслик ёки хизматга совуққонлик билан қараш интизомий жавобгарликка олиб келиши мумкин. Барча учун умумэътироф этилган қонунларга бўйсунмаслик маъмурий, жиноий жавобгарликларни ва норматив-хуқуқий хужжатларнинг ўзида акс эттирилган жавобгарлик турларини келтириб чиқаради.

Юқорида санаб ўтилган қоидалар банкнинг мувафақиятли молиявий фаолият юритишини таъминлайди ҳамда миллий ва жаҳон молиявий бозорида банкнинг имжини юксакларга кўтаришини амалиёт исботлаб келмоқда.

Буюк Британия. Англия банки (**Bank of England**) Буюк Британия ва Шимолий Ирландия иттифоқининг марказий банки ҳисобланади ва банк бугунги кунга келиб ўзининг кўринишини замонавий банк модели ҳолатига келтирган. Банк 1694 йилда ташкил этилганидан бошлаб ҳанузгача Буюк Британия ҳукуматининг дунёдаги энг қадимий саккизта банкдан бири сифатида фаолиятини юритиб келмоқда. Банк Буюк Британияда банкноталар чиқариш ҳуқуқига эга бўлган саккизта банклардан биридир, Англия ва Уелсда банкноталарни чиқаришда монополияга эга ва Шотландия ва Шимолий Ирландиядаги тижорат банклари томонидан банкноталар чиқарилишини тартибга солади⁹³. Бундан ташқари, банкнинг энг асосий вазифаларидан бири – бу мамлакатда пул-кредит сиёсати юритилишини таъминлайди⁹⁴.

Маълумот ўрнида, Буюк Британиянинг 2010 йилда қабул қилинган “Порахўрлик тўғрисидаги” қонуни мамлакат худудида барча барча банклар учун бирдек амал қиласиган олий юридик кучга эга бўлган норматив-хуқуқий хужжат бўлиб ҳисобланади. Ушбу қонунга биноан банк

⁹² Code de conduite et d'éthique du Groupe BPCE.

⁹³ "The Bank of England's Role in Regulating the Issue of Scottish and Northern Ireland Banknotes"

⁹⁴ "Act of Parliament gives devolved responsibility to the MPC with reserve powers for the Treasury"

ходимининг бошқа шахсга пора бериши, таклиф қилиши, вада қилиши ёки қабул қилиши, порани олишга розилик билдириши жиноят ҳисобланиши ва жавобгарликка тортилиши мумкин.

Англия банки ходимларининг ойлик маоши 28000 фунт стерлингдан бошланиб, 49000 гача етади⁹⁵, бошқа томондан бир ойга тўғри келадиган яшаш харажатлари Битта одам учун ойига 2,249 фунтни, Тўрт кишилик оила учун ойига 3,803 фунтни ташкил этади⁹⁶. Бундан кўриниб турибдикি, асли давлатга қарашли бўлган банк тизимида ходимларнинг молиявий таъминотига юқори эътибор қаратилган.

Банк мамлакат ҳудудида пруденциал назоратни амалга оширувчи марказий ташкилот сифатида коррупцияни олдини олишга қаратилган бир неча хужжатларни қабул қилган бўлиб, улардан “Совға ва кўнгил очиш тадбирларини”⁹⁷ тартибга солувчи қоидалар ҳақида назарий маълумотларни тақдим этамиз.

Банкнинг Буюк Британиянинг марказий банки сифатидаги роли ташқи томонлар билан алоқаларни ривожлантиришни талаб қиласди. Бу кўпинча меҳмондўстлик қўрсатишни ва қабул қилишни ўз ичига олади ва вақти-вақти билан банк ходимларига совғалар таклиф қилиниши мумкин. Банкнинг давлат органи сифатида тутган позицияси шуни англатадики, холислик ва тижорат холислигини сақлаб қолиш ва ҳар қандай ноўринлик “таклиф” дан ҳимоя қилиш учун ахлоқий хатти-харакатларнинг юқори стандартларини қўллаши керак – деган холосага боради. “Совға ва кўнгил очиш тадбирларини”⁹⁸ тартибга солувчи қоидаларга кўра, ушбу нормалар иккига бўлинади:

- 1) **Қоидалар:** Кўнгил очиш тадбирлари,
- 2) **Қоидалар:** Совғалар.

⁹⁵ [Электрон манба]. URL: https://www.payscale.com/research/UK/Employer=Bank_of_England/Salary

⁹⁶[Электрон манба]. URL: <https://blog.revolut.com/a/cost-of-living-uk/>

⁹⁷ [Электрон манба]. URL: <https://www.bankofengland.co.uk/>

⁹⁸[Электрон манба]. URL: <https://www.bankofengland.co.uk/>

1) Қоидалар: Кўнгил очиш тадбирлари: ...Таклиф берувчининг мажбуриятини ўз зиммасига олиш, сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилишда таъсир ўтказиш таклифи, шубҳали ёки банк номини обрўсизлантиришга олиб эладиган ўйин-кулги таклифидан воз кечишингиз керак. Бундай таклифлар сирасига: “Ҳаддан ташқари” ўйин-кулгига вақтни талаб қиласидиган, тез-тез учраб турадиган таклифлар киради (маълум бир ташкилот томонидан бир жойга номақбул кўринадиган таклифномаларнинг бир кўриниши) ёки дабдабали, қимматбаҳо, эксклюзив спорт, маданий тадбирларга таклифномалар рад этилиши керак, банк томонидан назорат қилинадиган фирмалардан Ижрочи директор ёки банк бошқарувчисининг олдиндан келишувисиз FCA ёки касбдошларнинг таклифномаларини рад этинг (бу ҳолатлар ўрнига умумий таклифлар бўлиши мумкин)...

2) Қоидалар: Совғалар: ...Совғалар берилишини иложи борича тўхтатишингиз керак. Аммо, агар рад этиш хафалик ёки хижолат келтириб чиқарадиган бўлса ва қиймати кам бўлса, совға қабул қилиниши мумкин. Баъзида совғалар сиз банк фаолиятида бўлганингизда, корпоратив ташкилот томонидан тақдим этиладиган “совринлар” шаклида бўлади, сиз нақд пул ёки чакана ваучерларни (эсдалик тангалари / банкноталар) ёки электрон мосламаларни (хавфсизлик сабабли) қабул қилмаслигингиз керак... Ушбу ўрнатилган қоидалар фақатгина банкнинг ички ходимлари учун амал қиласиди. Ушбу норматив-ҳуқуқий хужжатга кўра, **умумий талаблар** ўрнатилган бўлиб, улар: ...Менежерингиз, иш бошқарувчининг рухсатисиз расмий лавозимингизда бўлган давр мобайнида бирон бир ҳақ, совға, меҳмондўстлик ёки кўнгил очиш тадбирларини қабул қилмаслик, менежерингиз ёки иш бошқарувчининг рухсатисиз расмий лавозимингизда бўлган давр мобайнида бирон бир ҳақ, совға, меҳмондўстлик ёки кўнгил очиш тадбирларини таклиф қилмаслик, ўзингиз учун ёки бошқа бирон бир шахс манфаатлари учун мижозларидан совға сўраманг (бу хайрия

тадбирлари учун активларни жалб қилишни ўз ичига олади)⁹⁹. Бундан ташқари банк фаолиятида шаффофликни таъминлашга оид бир қанча қоидаларни ўз ичига оловчи “Шаффофликни таъминлаш”, “Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш (шахсий муносабатлар, молиявий муносабатлар, шахсий - молиявий операциялар, раҳбар билан алоқалар, жамоат ва хайрия роллари, сиёсий фаолият)”, “Мол-мулк ва харажатлар декларацияси”, “Махфийлик тўғрисидаги декларация”, “Ички ва ташқи хабар бериш”, “Ахборот эркинлиги”, “Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш сиёсати”, “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш, ва молиявий санкцияларга риоя қилиш сиёсати”, “Харид қилиш сиёсати”, “Саёҳат ва харажатлар сиёсати: (COVID-19) учун алоҳида ишлаб чиқилган” ва.х.клардан таркиб топган кодекс¹⁰⁰ига эга.

Мамлакатнинг энг қудратли хусусий тижорат банклари ҳам мавжуд бўлиб, улар нафақат мамлакат балки бутун дунё иқтисодиётида алоҳида ўринга эга бўлиб ҳисобланади. Улар қўйидагилар: HSBC Holdings Plc Буюк Британиядаги энг йирик банқdir. Дунё миқиёсида 7-йирик банк ҳисобланади. У 1865 йилда Британиянинг Гонкон¹⁰¹ шаҳрида ташкил этилган. Банк глобал бизнес, глобал хусусий банклар, тижорат банклари ва чакана банкларни ўз ичига олган тўртта йирик бизнес йўналишларини бошқаради. Ҳозирда улар 3900 та офис билан дунёнинг олтмиш еттита турли мамлакатларида филиалларига эга.

The Lloyds Banking Group Буюк Британиядаги яна бир йирик банк бўлиб, *HSBC Holdings Plc*дан сўнг иккинчи ўринда туради. У 2009 йилда HBOS ва Lloyds TBS қўшилишидан ташкил топган. Lloyds банк гурухининг бош офиси Лондонда жойлашган. Банк Европанинг бир қатор бошқа

⁹⁹[Электрон манба]. URL: <https://www.bankofengland.co.uk-/media/boe/files/about/human%20resources/ourcode>

¹⁰⁰[Электрон манба]. URL: <https://www.bankofengland.co.uk-/media/boe/files/about/human%20resources/ourcode>.

¹⁰¹ Hong Kong Special Administrative Region of the People's Republic of China (HKSAR).

мамлакатларида ва ҳаттоки Осиё, Яқин Шарқ ва АҚШ каби бошқа қитъаларда ҳам фаолиятини юритади ва 75000га яқин ходимиға эга. Банк чакана савдо, тижорат банклари, сұғурта ва истеъмолчиларни молиялаштириш бүйича үз фаолиятини амалға оширади.

The Royal Bank of Scotland Group Буюк Британияда машхур учинчи банқдир. Одатда RBS Group деб номланади. Банкнинг бош қароргохи Шотландиянинг Эдинбург шаҳрида жойлашган бўлиб, унинг бошқа ваколатхоналари Эвропа, Осиё ва Шимолий Америкагача етиб борган. Банк хусусий бизнес, сұғурта ва корпоратив молия каби бир нечта турли хил банк хизматларини тақдим этади, шунингдек, Шимолий Ирландия ва Шотландияда банкноталарни муомалага чиқаради. Юқорида санаб ўтилган банкларнинг барчаси үзининг ички фаолиятида коррупцияни олдини олишга оид сиёсатларига эга.

Шулардан энг кўзга кўринганларидан бири бу - HSBC Group (HSBC) сиёсати ҳисобаланади. Банк олий ахлоқий хатти-харакатларга содиқлгини эълон қилган ва порахўрлик ва коррупцияга нисбатан тоқат қилмайди. HSBC фаолият кўрсатаётган барча бозорлар ва юрисдикциялардаги порахўрлик ва коррупцияга қарши барча қонунларга риоя қилишни талаб қилади. Ушбу қонунларга Буюк Британиянинг “Порахўрлик тўғрисида”ги қонуни, АҚШнинг “Хорижий коррупция амалиёти тўғрисида”ги қонуни ва HSBC кэнгашининг “Порахўрликнинг олдини олиш тўғрисида”ги фармойиши каби қоидаларни үз ичига олади. HSBCнинг порахўрлик ва коррупцияга қарши кураш (AB&C) **дастури ва сиёсати** HSBC Holdings plc кэнгashi томонидан назорат қилинади. Сиёсат мунтазам равишда хатарларни баҳолаш натижаларини үз ичига олади¹⁰².

HSBC Global AB&C дастури қўйидаги асосий тамойилларни үз ичига олади:

¹⁰² [Электрон манба]. URL: <https://www.hsbc.com/who-we-are/esg-and-responsible-business/fighting-financial-crime/financial-crime-risk>.

Банк томонидан амалга ошириладиган барча фаолият: Порахўрлик ва коррупцияни мақсад қилмасдан олиб борилиши керак; фаолият оқилона ва шаффоф бўлиши керак; касбий муносабатларда адолатли бўлиши керак; амалга оширилган барча молиявий операциялар хужжатлаштирилган бўлиши ва тегишли мавқе даражасида ваколатли бўлиши керак.

Бундан ташқари, бошқаларга пора бериш ёки коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этиш ноқонуний, ахлоқсиз хатти-ҳаракат бўлиб, HSBC тамойилларига зидлигини компаниянинг веб саҳифасида ҳам кўришимиз мумкин. Шу ўринда: Тўғридан тўғри ёки билвосита, бирон бир томонга ёки бирон бир мансабдор шахсга таъсир ўтказиш учун бошқаларга порани таклиф қилиш, ваъда бериш, рози бўлиш ёки бирон бир шахсдан тўғридан тўғри ёки билвосита қимматбаҳо нарсаларни сўраш, олиш ёки хизматни тўлашни таклиф қилиш ёки тақдим этиш (ходимнинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки эркинлиги хавф остида бўлган ҳолатларда истисноларга йўл қўйилиши мумкин) ушбу хатти-ҳаракатлар жиноят ҳисобланиб, жазога тортилиши белгиланиб қўйилган¹⁰³.

AB&C дастури юқоридаги принципларга асосланиб, тўртта хавф-хатар асосида талабларини қўяди: 1. Ҳодимлар хавфи. 2. Учинчи томон хавфи. 3. Стратегик хавф-хатарлар. 4. Мижоз хавфи. Шулардан келиб чиқиб банк ўзининг коррупциявий хавф-хатар келиб чиқиш сабабларини ўрганади ва уларни олдини олиш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқади¹⁰⁴.

Германия Федератив Республикаси. Франция ва Буюк Британиядан банк соҳасида коррупцияни олдини олишда қолишмайдиган яна бир Европа давлати бу Германия Федератив Республикаси ҳисобланади. Банк-молия соҳасида коррупциявий ҳолатлар немис банкларида камдан-кам учраб

¹⁰³ [Электрон манба]. URL: <https://www.hsbc.com/who-we-are/esg-and-responsible-business/fighting-financial-crime/financial-crime-risk>

policies#:~:text=HSBC%20Holdings%20plc%20and%20the,jurisdictions%20in%20which%20it%20operates.

¹⁰⁴ [Электрон манба]. URL: <https://www.hsbc.com/who-we-are/esg-and-responsible-business/fighting-financial-crime/financial-crime-risk>

policies#:~:text=HSBC%20Holdings%20plc%20and%20the,jurisdictions%20in%20which%20it%20operates.

турадиган “янгиликлар” дандир. Германия давлатининг коррупция ва порахўрликини олдини олиш борасидаги ёндашуви юқорида қайд этиб ўтилган давлатлардан бирмунча фарқли хусусиятларга эга. Германия Федератив Республикасида Банк тизими тузилиш шаклига кўра қўйидаги кўринишга эга: Марказий давлат банки бу - Bundesbank ҳисобланиб, федерал штатларнинг банклари ва мамлакат худудида фаолият юритаётган чет эл давлат банкларидан иборат. Ташкилий-хуқуқий шаклига кўра, Германия банк тизими учта устунни ўз ичига олади-хусусий тижорат банклари, давлат банклари ва коператив банкларга бўлинади¹⁰⁵.

Deutsche Bundesbank (Федерал давлат банки) 1870 йилда ташкил этилган нафақат Германиядаги энг йирик балки Европа, Америка, Осиё-Тинч океани минтақасида ва қўплаб ривожланаётган мамлакатларда кэнг иштироки билан дунёдаги энг йирик банк ва молиявий хизмат қўрсатувчи компаниялардан биридир. Банкнинг асосий фаолияти - инвестиция шунингдек, савдо, тадқиқотлар, қарз ва капиталнинг айланмаси, M&A ва рискларни бошқариш соҳаларида хизматларни тақдим этади.

Бош қароргоҳи Франкфурт шаҳрида жойлашган бўлиб, умумий сони 100000га яқин ходим ишлайди.¹⁰⁶

Deutsche Bundesbank ходимларининг ойлик иш ҳаққилари таҳминан 20000 еврода 38 мин еврога¹⁰⁷ ча бўлиб, яшаш харажатлари ойига ҳар бир шахс учун ижара ҳақисиз \$916.23 (€770.62)ни, 4 кишидан иборат оила учун эса ижара ҳақисиз \$3,143.17 (€2,643.65)ни ташкил этади.¹⁰⁸ Ушбу рақамлар Германия давлат банки ўз ходимларининг молиявий таъминотига катта эътибор берганлигидан далолат беради.

¹⁰⁵[Электрон манба]. URL: <https://www.ebf.eu/germany/>

¹⁰⁶[Электрон манба]. URL: <https://corporatefinanceinstitute.com/resources/careers/companies/top-banks-in-germany/#:~:text=Founded%20in%201870%2C%20Deutsche%20Bank,core%20business%20is%20investment%20banking>.

¹⁰⁷[Электрон манба]. URL: https://www.glassdoor.com/Salary/Deutsche-Bundesbank-Frankfurt-Salaries-EI_IE934800.0,19_IL20,29_IM1021.htm

¹⁰⁸[Электрон манба]. URL: https://www.numbeo.com/cost-of-living/country_result.jsp?country=Germany

Commerzbank – Германиянинг энг қадимги банкларидан бири бўлиб 1870 йилда ташкил этилган. Commerzbank чакана савдо ва тижорат битимларни молиялаштириш хизматлари, инвестициявий банк хизматлари, активларни бошқариш ва хусусий банк хизматларини тақдим этади.

Бош қароргоҳ Франкфурт шаҳрида жойлашган. Банкда умумий сони 49000га яқин ходим ишлайди ва 50 мамлакатда 17,5 миллионга яқин мижозга хизмат кўрсатади.¹⁰⁹

KFW Bankgruppe – 1948 йилда ташкил этилган KFW Bankgruppe хукуматга тегишли банкдир. Банк Германия ва Европа компанияларининг инвестициялари, лойиҳалари ҳамда ривожланаётган мамлакатларни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан таъминлайди.

Германия банкларининг ҳар бирида ички-тартиб қоидаларни, коррупция ва порахўрликка қарши самарали курашиш учун ўзининг одоб-ахлоқ қоидаларига эгадир. Бундан ташқари *Германия банк ходимлари томонидан содир этилган хатти-ҳаракатлар шахс, жамият, давлат манфаатларига жуда катта зиён етказадиган бўлса юридик шахс жавобгарлиги масаласи ҳам кўриб чиқлади*¹¹⁰.

Deutsche Bundesbankнинг “Одоб - ахлоқ” кодексида келтирилган нормалар ҳозирги кунда банк ички тизимида коррупция ва порахўрлик кўринишларини бартараф этиш *самарали* хизмат қилиб келяпти. Кодекснинг “Молиявий жиноятчиликни аниқлаш ва уни олдини олиш” бўлимида порахўрлик ва коррупцияга қарши курашишнинг умумий қоидалари келтирилган. Жумладан, бизнинг банк порахўрлик ва коррупцияга қарши қўлланиладиган барча қонун ва қоидаларга риоя қилишга содикдир. Банк ҳар қандай ноқонуний устунлик ёки ходимлар ва тегишли учинчи шахслар томонидан шубҳали хатти-ҳаракатлар пайдо

¹⁰⁹[Электрон манба]. URL: <https://corporatefinanceinstitute.com/resources/careers/companies/top-banks-in-germany/#:~:text=Founded%20in%201870%2C%20Deutsche%20Bank,core%20business%20is%20investment%20banking>.

¹¹⁰ Banking regulation in Germany: overview by Hendrik Haag and Jan Letto Steffen, Hengeler Mueller.

бўлишига йўл қўймаслик учун барча тижорат муомалаларида шаффофлик ва ҳалоллик фаолиятини амалга оширади. **Куйидаги ноконуний хатти-харакатлар ҳуқуқбузарликлар деб аталиб жазосиз қолмайди**: совғалар (олиш, бериш) ва кўнгил очиш тадбирлари, давлат амалдорлари билан ўзаро алоқалар, учинчи шахслардан фойдаланиш, товар ва хизматлар кўрсатиш, ёллаш амалиёти ҳамда сотиб олиш. Бундан ташқари, ходимларнинг мажбурияти сифатида, банк фаолияти билан боғлиқ порахўрлик ва бошқа коррупциянинг кўринишларини олдини олиш, аниқлаш ва хабар бериш учун жавобгарсиз¹¹¹ - деган қоидалар мустаҳкамланган.

Deutsche Bundesbank бундан ташқари, Германия “Жиноят кодекси” ва OECD томонидан қабул қилинган “Халқаро бизнес фаолиятида хорижий давлат амалдорларининг пора олишига қарши кураш тўғрисида”ги конвенциясига тўла амал қилишини ўзига мажбурият сифатида белгилаб олган¹¹².

Commerzbank ҳам порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш учун ўзининг умумхулқатвор қоидалар топъламига эга. Банкнинг “Глобал манфаатлар тўқнашуви сиёсати” дастурида бир қатор қоидалар келтириб ўтилган. Улар: пора олиш, бериш, воситачилик қилиш, совға ва кўнгил очиш тадбирлари, имтиёзлар бериш, олиш каби масалалар ушбу хужжат¹¹³ да ўз аксини топган.

Банк-молия соҳасида коррупцияни бартараф этишда Совет Иттифоқ мамлакатларидан Грузия ўзига хос амалиёт ва тажриба эга. Грузиянинг банк тизими икки поғонали бўлиб, Грузия Миллий банки ва тижорат банкларидан иборат. Грузияда банк активлари тез суръатлар билан ўсиб бораётга бўлиб, аксарият бошқа мамлакатларнинг капитал ўсишидан устун¹¹⁴.

¹¹¹ Code of Conduct_August 2018_Deutsche Bundesbank.

¹¹² [Электрон манба]. URL: <https://responsibility.db.com/non-financial-report/2017/conduct-and-risk/anti-financial-crime/anti-bribery-and-corruption.html>

¹¹³ Global Conflicts of Interest Policy | Valid: 01.05.2019 | Version 1.1/ <https://www.commerzbank.com/>

¹¹⁴ Щенин Р.К. Банковские системы стран мира [Текст] / Р.К. Щенин. – М.: КНОРУС, 2015. – 398 с.

Грузия миллий банки (NBG) 1991 йилда марказий банк функциясини бажариш учун ташкил этилган. Грузия миллий банкининг мақоми мамлакат Конституцияси билан белгиланган. Миллий банкнинг асосий мақсади нархларнинг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Грузиянинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлари аъзолари Миллий банк фаолиятига аралашишга ҳақли эмас. Миллий банк Грузия Парламенти томонидан белгиланган пул-кредит ва валюта сиёсатининг асосий йўналишларига мувофиқ амалга оширади. У мамлакатнинг халқаро ташқи захираларини сақлайди ва тасарруф этади. У тартибга солиш ва пул-кредит хужжатлари орқали қонунда белгиланган асосий функциялар ва мақсадларнинг бажарилишини таъминлаш учун жавобгар¹¹⁵.

Миллий банк ходими соатига \$16.75 атрофида (атрофида ойлик маош олади¹¹⁶. Бу уй-жой, транспорт ва бошқа имтиёзларни ўз ичига олган ўртacha ойлик иш ҳақи ҳисобланиб, иш ҳақи ҳар хил банк фаолиятида кескин фарқ қиласди.

Кўриниб турибдики, Грузия банк тизими 4 миллионга яқин¹¹⁷ аҳолиси бор мамлакатда банк ходимларининг молиявий таъминоти яхши даражада ташкил этилган.

Давлатда молиявий фаолиятини амалга ошириб келаётган TBC, Liberty банк, Basis банк энг йирик тижорат банклари ҳисобланади¹¹⁸.

Охирги вақтларда жаҳон молиявий бозорида алоҳида ўрин эгаллаётган TBC (Tbilisi Business Centre) банкининг ўз ходимлари учун яратиб берган шарт-шароитларини йиллик иш ҳақи мисолида оладиган бўлсак, бу миқдор 160000 долларгача этиши мумкин.

¹¹⁵ [Электрон манба]. URL: <https://www.nbg.gov.ge/index.php?m=130>.

¹¹⁶ [Электрон манба]. URL: <https://www.indeed.com/career/banker/salaries/GA>.

¹¹⁷ Worldometer elaboration of the latest United Nations data.

¹¹⁸ [Электрон манба]. URL: <https://www.swiftbic.com/banks-in-GEORGIA.html>.

Грузияда банк ва молия соҳасида коррупция ва порахўрликка қарши курашиш бошқа давлатлардан фарқланиб, асосий қоидалар Миллий банк томонидан ўрнатилиди ва назоратни ҳам айнан Миллий банк олиб боради.

Грузия Миллий банки томонидан 2020 йил, 26 сентябрда ишлаб чиқилган “Порахўрлик ва коррупцияга қарши сиёсат” ининг **биринчи бўлимида** мажбуриятлар доираси белгилаб олинган. Унда Грузия Миллий банки ва унинг филиаллари бизнесда ҳалолликда содиқлиги, банк сиёсати ҳеч қачон пора таклиф қиласлиқ, бермаслиқ, сўрамаслиқ, пора олиш ёки пора беришнинг ҳар қандай таклифи ёки тўлашга кўмаклашиш ва шунга ўхшаш сўровларни рад этиш белгиланган.

Сиёсатнинг **иккинчи бўлимида** ушбу ҳужжат порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги барча қонунларга мувофиқ банкнинг порахўрлик ва коррупцияни олдини олиш бўйича сиёсатини белгилашини назарда тутган.

Учинчи бўлимида порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш тартиблари ҳақидаги қоидалар ўрнатилган бўлиб, ушбу қоидалар мамлакат худудидаги барча банклар томонидан амалга оширилиши мажбурий хисобланади.

Хусусан, пора бериш ёки коррупция билан боғлиқ ҳар қандай хавфни камайтириш учун банк қўйидаги қоидаларни амалга ошириш тартиблари ўрнатган:

- порахўрлик ва коррупцияга олиб келувчи қарорларни қабул қилишга йўл қўймаслик;
- коррупция ҳавф-хатарларини баҳолаш тартиб-таомиллари;
- сиёсат қоидаларини тегишли ходимларга етказиш;
- комплаенс назорат ходимларини ўқитиш;
- операцияларнинг очиқлиги ва маълумотларнинг ошкор этилиши;

- мавжуд ва бўлажак воситачилар ва тегишли шахсларнинг текшируви;
- молиявий ва тижорат назорати, масалан, тегишли бухгалтерия хисоби, аудит ва харажатларни тасдиқлаш;
- ваколатли процедуralарни топшириш, функцияларни ажратиш каби қарорларни қабул қилиш;
- манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик;
- порахўрлик тўғрисида хабар бериш механизmlари¹¹⁹ ва бошқалар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Франция, Буюк Британия, Германия ва Грузия давлатларидағи илғор тажрибаларини умумийлаштириб, банк секторида қўриб чиқилиши керак бўлган коррупцияга қарши курашиш воситаларига қўйидагиларни киртиш жоиз:

Биринчидан, порахўрликка қарши самарали қоидаларга эга бўлиш;

Иккинчидан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича ташкилий-хуқуқий асослар;

Учинчидан, банк мижозлари сифатида сиёсий таъсир кўрсатадиган шахслар билан боғлиқ хатарларни бошқариш;

Тўртинчидан, банк сирларини асоссиз ошкор этишга қарши кураш воситалари;

Бешинчидан, коррупцияга қарши самарали курашиш ва ҳалолликни тарғиб қилиш учун ушбу қоидаларга асосланган ёндашувлар банклар-молия институтларида ҳалоллик маданиятини шакллантириш бўйича чоралар билан тўлдирилиши кераклиги;

Олтинчидан, банк ходимлари орасида одоб-ахлоқ қоидаларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш ва улар ўртасида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш;

¹¹⁹ Anti-Bribery and Anti-Corruption Policy/ Bank of Georgia PLC.

Еттинчидан, ходимларнинг моддий манфаатдорлигини мустаҳкамлаш;

Саккизинчидан, самарали бошқариш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга ошириш;

Тўққизинчидан, коидаларни четлаб ўтганлик учун жазо тайинлаш тартибини мустаҳкамлаш, хусусан, коррупциявий ҳаракатлар содир этилганлиги натижасида бошқа шахслар, жамият, давлатнинг манфаатларига кўп миқдорда зиён етказганлик учун ўша банкнинг ўзини жавобгарлик (юридик шахс жавобгарлиги) масаласини ҳал этиш ва.х.к.

III.БОБ. БАНК-МОЛИЯ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ХОЛАТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Ўзбекистон Республикасида банк-молия соҳасида коррупциянинг олдини олишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз иқтисодиёти ва кредит-молия тизимида ички ва ташқи омиллар сабаб бўлган салбий инқироз тенденциялари сақлаб қолинмоқда.

Коррупция иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатадиган энг кучли омиллардан биридир. Бу ерда банк тизими ҳам истисно эмас. Банк ва молия, кредит соҳаларидағи коррупцияга қарши курашиш воситалари турлича бўлиши мумкин. Ушбу механизмда кредит ташкилотларининг ички хавфсизлик хизматлари ва хатарларни бошқариш, уларнинг мансаб ваколатларини суиистеъмол қиласидаги ходимлар томонидан коррупция ҳолатларини зудлик билан очиб бериш қобилиятлари, шу жумладан, энг юқори даражадаги аниқликка асосланган банк бошқаруви муҳим рол ўйнайди. Афсуски, банк тизимида коррупцияга қарши курашишда ҳуқуқий тартибга солиш асослари етарли даражада ривожланган эмас. Бундан ташқари, ушбу соҳадаги коррупцияга қарши воситалар асосан коррупция ҳолатларини йўқ қилишга эмас, балки уларнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган.

Охирги йиллардаги коррупциявий жиноятларнинг статистик маълумотлари шуни кўрсатадики, ўтган икки йил мобайнида банкларнинг 166 нафар мансабдор шахслари коррупциявий жиноятлари учун жавобгарликка тортилган. Жумладан, «Халқ банки» ва «Микрокредитбанк» да бошқарув раиси лавозимларида ишлаб келган Э. ўз мансабидан фойдаланиб, қатор коррупциявий жиноятларга қўл урган. Хусусан, муқаддам қатор жиноятларни содир этиб, АҚШда яшириниб юрган X. билан тил бириктириб, Сирдарё вилоятида 4 та сохта фирма ташкил қилган. Бу фирмаларни амалда бошқариш учун 18 нафар шахслардан иборат уюшган

гурух фаолиятини йўлга қўйишган. Уюшган гурух 2019 йил сўнгги 9 ойида қарийб 732 миллиард сўмни қонунга хилоф тарзда нақдлаштириб, 7 миллиард сўмга яқин бюджет маблағини талон-торож қилган. 215 миллиард сўм турли пластик карталарга молиявий ёрдам кўринишида ўтказилиб, 22,5 миллион доллар нақд пулга айлантирилиб, хорижга олиб чиқиб кетилган. Уюшган гурух раҳнамолик қилган фирмалар 101 миллиард сўм солиқ тўловларидан ҳам бўйин товлаган. Бундан ташқари, Э. «Халқ банки» бошқаруви раиси лавозимига тайинлангач, банк биноси қурилишини олиб бораётган пудратчиларни ўзига таниш пудратчиларга алмаштириб, объект қурилишида 5,5 миллиард сўмлик банк маблағини талон-торож қилган. «Микрокредитбанк» ка раҳбар этиб тайинланганда эса, ўз раҳнамолигидаги фирмалар орқали биргина хизмат кабинети учун 100 миллион сўмлик мебел жиҳозларини 273 миллион сўмга, банкнинг Сирдарё филиали учун 700 миллион сўмлик бинони 4 миллиард 700 миллион сўмга сотиб олиб, маблағларни ўмарган¹²⁰.

Биргина Самарқанд вилоятида 246 нафар мансабдор коррупция жинояти учун жавобгарликка тортилган бўлиб, Бундай жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарар миқдори 25,3 миллиард сўмдан ошади. Мазкур жиноятлар соҳалар бўйича таҳлил қилинганда, жиноятларнинг: **19 таси банк**, 17 таси олий таълим, 15 таси халқ таълими, 33 таси соғлиқни сақлаш, 20 таси мактабгача таълим, 4 таси солиқ, 21 таси ички ишлар, 8 таси бюро, 3 таси суд соҳаси, 58 таси бошқа корхона, ташкилот ходимлари томонидан содир этилган. Масалан, вилоят Миллий банкда ишлаган Б. банк омонатчиларнинг ҳисоб рақамидан 90 та ҳолатда 7,7 миллиард сўм, 607000 АҚШ доллари ва 1 461 евро, яъни жуда кўп миқдордаги омонат пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган. “Агробанк” Челак филиали ходими А кредит ажратиши сўраб банкка мурожаат

¹²⁰[Электрон манба]. URL: <https://kun.uz/news/2021/02/15/2020-yilda-aybdorlardan-11-trln-som-iqdoridagi-zarar-undirilgan-bosh-prokuratura>.

қилмаган фуқаролар номига 30 миллион сўм миқдорда микроқарз кредити ажратиб, пластик карточкасига тушириб ўзлаштириб юборган. Аҳолининг иқтисодий фаоллигини қўллаб-куватлаш учун турли ижтимоий лойиҳаларга бюджет маблағлари банк орқали ажратилмоқда. Лекин бундай маблағлар ҳақиқий эгаларига етиб бормасдан, айрим банк мансабдор шахсларининг “ўлжа” сига айланмоқда. Масалан, “Ипотека банк” нинг Кўксарой филиали “Жума” мини-банки мудири Чориев банкнинг бошқа мансабдор шахслари билан жиноий тил бириттириб, Давлат дастури асосида балиқчилик ва аҳоли тадбиркорлиги учун ажратилган 6 миллиард 995 миллион сўм кредит маблағларини талон-торож қилган¹²¹. Ушбу ҳолатлар юртимизда банк тизими етарли даражада коррупцияга қарши муросасиз курашиш тизимининг заифлигини кўрсатади. Юқоридаги банк соҳасидаги мансабдорлик жиноятлари уларнинг фаолият кўрсатиш йўналиши, турлари, шакллари ва ўзига хусусиятларига қўра бир-биридан тамомила фарқланади.

Юқорида қайд этиб ўтилган ҳолатлар прокуратура томонидан ўз вақтида қилинган ҳаракатлар натижасида аниқланган бўлиб, бу ва бунга ўхшаш ҳолатлар мамлакат иқтисодиётига ўнглаб бўлмас зарар келтиради ва Ўзбекистон Республикаси банк-молия соҳасида коррупцияни олдини олишга доир ташкилий-хуқуқий асослар етарли даражада ташкил қилинмаганлигидан далолат беради. Банк-молия соҳасида коррупцияни олдини олишга қаратилган ресурсларни аниқ йўналтириш мақсадида муаммоларни икки турга бўлиб олиш мақсадга мувофиқдир. Улар: **назарий-хуқуқий ҳамда ташкилий** муаммолардир.

Назарий-хуқуқий муаммолар қўйидагилардан иборат:

Биринчидан, банк-молия секторида коррупцияга қарши курашища давлатнинг асосий фаолият йўналишларини белгилаб берувчи **Сиёсатнинг**

¹²¹[Электрон манба]. URL: <http://zarnews.uz/post/>

йўқлиги ушбу соҳада кўплаб муаммоларнинг келиб чиқишига асосий сабаблардан биридир,

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида банкларнинг фаолияти учун дастуриламал бўлиб хизмат қилаётган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги (янги таҳрир) қонуннинг 37-моддасида коррупциянинг олдини олиш чоралари, банк ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилмаслиги кўрсатилган бўлиб, унда ушбу нормалар–банклар банкнинг сайланадиган органлари аъзолари ва ходимлари томонидан риоя этилиши мажбурий бўлган: коррупциянинг олдини олиш бўйича чораларни; одоб-ахлоқ қоидаларини; манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш *сиёсатини* ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириши, банкка ёки банкнинг назорати остидаги юридик шахсга алоқадор бўлган шубҳали фаолият, фирибгарлик ёхуд суиистеъмолликлар тўғрисида *хабар қилган* банк кузатув кэнгashi, бошқаруви аъзосининг ёки ходимининг **шахси ошкор қилинмаслиги кераклиги**, Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банки тўғрисида”ги қонуни 7-моддасида, Марказий банк манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бошқаришга оид сиёсатни, шунингдек коррупциянинг олдини олиш юзасидан Марказий банкнинг ҳамда унинг тасарруфидаги ташкилотларнинг барча ходимлари томонидан риоя этилиши мажбурий бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади деб кўрсатилган. Аммо, банк соҳасида коррупция ва коррупциявий хавф-хатар тушунчалари, коррупцияни олдини олиш чоралари нималардан иборат эканлиги, ушбу соҳада манфаатлар тўқнашувининг ўзи нима? унинг турлари, бартараф этиш усуллари ва тартиблари батафсил ёритилмаган.

Учинчидан, Коррупцияга қарши курашувчи органлар ўз фаолиятини амалга оширишда жисмоний ва юридик шахсларнинг банк операциялари бўйича маълумотларини олиш керак бўлмоқда. Бироқ, барча ҳолатларда

банклар томонидан “Банк сири тўғрисида” ги Қонун талабларига зидлиги ҳақида важлар билан сўровлари рад этилмоқда,

Амалдаги “Банк сири тўғрисида” ги қонунда банк сири тўғрисидаги маълумотлар фақат Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига тақдим этилиши белгиланган. Ваҳоланки, маълумотлар фақат жиноят иши қўзғатилган шахсга нисбатан маълумотлар берилади¹²², бошқа томондан коррупциявий жиноятлар асосан занжир бўлиб, унинг бир учи бориб жиноят иши қўзғатилмаган шахсга ҳам бориб тақалаши мумкин. Ушбу қонуннинг 9-моддасида кўрсатилган равишда тезкор-қидирав ҳаракатлари билан жиноят иши қўзғатилгунига қадар ёки кўрсатилган прокурор санкциясини олгунча активлар мамлакат ҳудудидан чиқариб юборилиши, жиноят изи яширилиши мумкин. Бундан ташқари, коррупцияга қарши курашувчи органлар фақатгина юқорида таъкидлаб ўтилган икки органдан иборат эмас, шунингдек, банк сирини ташкил қилувчи маълумотлар доираси аниқ қилиб белгилаб қўйилмаган. Ва банк сирини ғаразли ниятда ошкор қилган шахсларга нисбатан келиб чиқсан зарарнинг миқидорига пропорсионал равишда маъмурий, жиноий жавобгарлик масаласи кўрсатилмаган,

Тўртинчидан, на Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги (янги таҳрир) қонуни, “Марказий банки тўғрисида” ги қонуни ва на Банк ходимининг касб “одоб-аҳлоқи” кодексида коррупциявий жиноят содир этган шахсларнинг қайта бошқарувчилик лавозимларига келишини чеклаб қўювчи нормалар кўрсатилмаган,

Бешинчидан, банк тизимида манфаатлар тўқнашувини олдини олишга қаратилган ҳамда банк-молия хизматчиларининг мол-мулк ва даромадларининг декларацияси тўғрисидаги норматив-хуқуқий

¹²² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, Тошкент ш., 2003 йил 30 август, 530-II-сон.

қоидаларнинг этишмаслиги мамлакатимиз банкларида кўплаб ижтимоий адолат принципларини бузиб келмоқда,

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикасида кредит фоизи ставкаларининг юқорилиги, кредит ажратишда бюроқратик тўсиқларнинг мавжудлиги банкнинг кредит ажратиш каби молиявий фаолиятида коррупциявий ҳолатларни келиб чиқиши учун омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Еттинчидан, Тижорат-корпоратив ва хусусий банклар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа банклар билан ўзаро муносабатларини *шартнома* асосида кўрадилар. Ҳар бир банкнинг вазифалари банклар томонидан ишлаб чиқиладиган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рўйхатидан ўтказиладиган ўз уставлари билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси банкларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсати билан бошқа Республикаларда кредит муассасалари, банк филиаллари очиш ҳуқуки берилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси худудида чет эл банкларининг филиаллари ва ваколатхоналари, шунингдек чет эл капитали иштирокидаги банклар очишга рухсат бериш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари ўзининг устав капиталларини норезидент хисобидан кўпайтиришлари ёки акциядорлар томонидан акцияларнинг норезидентларга сотилиши учун белгиланган тартибда Марказий банкнинг олдиндан розилигини олишлари керак. Ҳолбуки, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги қонуннинг 8-моддаси, биринчи қисми - Банклар молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда мустақиллар-деган жумлалар билан бойитилган. Мана шу талабга риоя этилмай тузилган битимлар ҳақиқий эмас деб топилади ва банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензия бекор қилинади.

Саккизинчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 11 ноябрдаги 22-сонли баённомаси билан тасдикланган “Банкни рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш тартиби” нинг 16.5-бандига мувофик қуидаги холатлар лицензия бериш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризанинг рад этилишига асос бўлади-деб кўрсатилган, аммо ушбу талабларнинг биринчи қисмида - Марказий банкнинг талабларини бажарилмаслиги-деган жумла билан бошланган, аммо ушбу талабларнинг аниқ кўриниши келтирилмаган.

Тўққизинчидан, банк-молия ташкилотларининг устидан молиявий контрол (маълумот ўрнида, Молиявий контрол давлат контролининг бир тури бўлиб, давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳсус ваколатли органлар (ушбу органлар ҳам шартли равища иккига: умумий давлат контролини амалга оширувчи, маҳсус ваколатли органларга бўлинади. Улардан Молия вазирлиги, Марказий банк, Савдо саноат палатаси, Солиқ қўмитаси ва.х.к.) томонидан олиб борилади))¹²³ни амалга оширувчи ташкилотлар сони кўплиги ҳамда ушбу соҳада банкларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган нормаларнинг йўқлигини кўришимиз мумкин. Масалан, аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳокимларнинг йўналтирилган буйруқлари асосида муаммоли кредитлар сонининг кўпайиб кетиши натижасида банкларни банкротлик ёқасига келтириб кўйиши. Маълумот ўрнида 2020-2021 йиллар мобайнида Халқ банки томонидан ажратилган 2 триллион сўмга яқин муаммоли кредитларнинг юзага келишини келтиришимиз мумкин¹²⁴.

Ташкилий муаммолар қуидагилар:

Биринчидан, ундирилиши муаммога айланиб бораётган кредитларни ўз вақтида қайтариш банкларда ва бошқа кредит ташкилотларида бир қанча

¹²³ Йўлдашев.М. Турсунов. Й. Молия ҳуқуки.-Т.: Мехнат, 48-б.

¹²⁴[Электрон манба]. URL: <https://t.me/bankir> kundaligi.

муаммоларни вужуга келтирияпти. Бу эса банк активларининг иқтисодий айланиши циклига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Иккинчидан, банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизимини (комплаенс назорат) амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни фаоллаштириш, комплаенс назоратни амалга оширувчи ходимларининг **хуқуқий ҳолати** билан боғлиқ масалаларни ташкил этиш ва малакали кадрлар билан таъминлаш, ушбу кадрларни тайёрлаш механизмлари йўлга қўйилмаганлиги, бундан ташқари, комплаенс назорат тизими йўлга қўйилган аксарият банклар(СҚБ ва коррупцияга қарши курашиш агентлиги ўртасида 2020 йил 4 декабрда имзоланган меморандум асосида тузилган), аммо бошқа банклар томонидан йўлга қўйилган коррупцияга қарши комплаенс назорат тизимлари ўзининг асл моҳиятига эга бўлмай, ички аудит назорат шаклининг бир тури сифатида фаолият юритаётгани, ушбу бўлимдаги соҳа мутахассислари асосан аудит инспекторлари эканлиги, уларнинг коррупция тўғрисидаги билим ва кўникмалари комплаенс хизматига тўгри келмаслиги кўплаб қийинчиликларни туғдиряпти.

Учинчидан, соҳасида коррупция, порахўрлик ҳамда ноқонуний даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда асосий омил бўлиб хизмат қилаётган blockchain қузатувларни амалга оширишда IT платформаларининг етарли эмаслиги, AML/CTF дастурларидан тортиб ушбу соҳада етарли малакага эга бўлган малакали кадрларнинг йўқлиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро даражадаги обрўига салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Тўртинчидан, банк-молия ходимларини ишга қабул қилишда ҳамда уларнинг коррупцияга қарши малакасини ошириш чоралари етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Бешинчидан, коррупция ҳақида хабар бериш тизими тўғри йўлга қўйилмаганлиги банк мижозлари, ходимлар томонидан келиб тушаётган

аризаларни кўриб чиқишида сустеъмолчиликларга йўл қўйилмоқда ёки умуман кўриб чиқилмаяпти.

Олтинчидан, соҳада коррупциявий хавфларни баҳолаш ишлари тўғри йўлга қўйилмаган. Чунки, Ўзбекистон Республикасида хоҳлаган банкнинг веб-саҳифасида банкнинг ички фаолиятида учраши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатлардан тортиб коррупцияга қарши қандай курашиш масалалари аниқ баён этилмаган.

Еттинчидан, банк-молия соҳасида ўз иш фаолиятини амалга ошираётган ходимларнинг коррупция ҳақида билимларининг этишмаслиги ҳам жойларда коррупция ва бюрократик тўсиқларнинг вужудга келишига асосий омиллардан бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Саккизинчидан, Республиkaning турли вилоятидаги шахслар ўзининг ҳудудидан хизмат, ўқиш, бизнес ва бошқа мақсадларида қўшни вилоятга чиққанларида кредит олиш масаласида тижорат банкларида ягона реестр шакллантирилмагани боис ўзининг яшаш жойидан бориб олиш кераклиги тушунтирилади. Бу каби бюрократик тўсиқлар банкларга бўлган ишончнинг пасайиши, ҳар хил йўллардан фойдаланиб манфаатлар тўқнашувининг содир этилишига олиб келади, чунки шахс эҳтиёжи учун керак бўлган масалалар қонуний ечимини топмаса қонунни четлаб ўтишга мажбур қиласди.


Тўққизинчидан, Ўзбекистон Республикасида бирорта банкининг ижтимоий тармоқдаги сахифаларида коррупцияга қарши курашиш масалалари кўрсатилмаган, хусусан, шахс агар коррупциявий ҳолат билан тўқнашса кимга мурожаат қилиши кераклиги, унинг мурожаатлари қанча муддатда, ким томонидан кўриб чиқилиши, агарда мурожаатидан норози бўлса кимга шикоят билан чиқиши кераклиги, бевосита аризасининг тақдири нима бўлиши, мурожаатчининг шахси сир тутилиши, уларнинг кафолатлари, мурожаат билан ким шуғулланаётгани ва охирида ушбу ташкилотда неча киши коррупциявий ҳукуқбузарликлари учун қай

тартибдаги жазо чоралари қўлланилганлиги юртимиз аҳолиси учун ёпиқдир. Бу каби ҳолатлар банк-молия ташкилотларининг шаффофлигига катта таъсир этади.

Ўнинчидан, Амалиётда кредит ажратиш билан боғлиқ икки хил муаммони кўришимиз мумкин. Уларнинг биринчиси – бу банклар томонидан ажратилаётган кредитлар “мақсадли сарфланиш мақсадида” таъминотчига ўтказиб берилади, ҳолбуки, бу каби бюрократик тўсиқлар энди фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган мижознинг иқтисодига ўнглаб бўлмас зарар етказиши мумкин. Заарларни қаердан кўришимиз мумкин, кредит таъминотчига ўтказиб берилганда ушбу кредит ҳисобидан камида 4 фоизлик ҚҚС ундирилади, бундан ташқари, агарда шахсга нақд пул керак бўладиган бўлса таъминотчининг улуши ҳам камида 4 фоиз бўлади. Бундан кўриниб турибдики, тахминан, чиқиши мумкин бўлган 30 миллион сўм 28 миллион бўлиб чиқади. Бошқа томондан таъминотчига ўтказиб бериладиган кредит эвазига етиб келиши мумкин бўлган товар ва хизматлар бозорга нисбатан сифати ва нархи анча паст бўлишини кўришимиз мумкин. Иккинчи тури – бу тадбиркорлик субъекти банкдан кредит олиб уни мақсадсиз сарфланиши юзасидан ҳукуқни қўллаш амалиётида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиши одат тусига кириб қолган. Ваҳоланки, бу каби муносабатларда жиноят таркибий элементлари мавжуд бўлмай, шартномавий-ҳукуқий муносбат ҳисобланади. Судга таалуқлилигига кўра, иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилиши керак бўлган масала ҳисобланади.

Юқоридаги келтириб ўтган мавжуд муаммолар жаҳон ҳамжамияти олдида банкларимизнинг обрўсига ўнглаб бўлмас салбий тасдирларни кўрсатишини қўйида келтирилган индексларда ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, Базель тадқиқотлар институти 2020 йил июлда чиқарилган 9-чи

жамоатчилик учун чиқарилган нашрда Ўзбекистон Республикаси 5.71 балл билан 43-ўрин¹²⁵да.



Энг юқори хавф – бу 1дан бошланиб, 141-давлат энг яхши кўрсатгичга эга эканлигини билдиради. Ушбу индексда FATFнинг қора рўйхатига киритилган давлатлар чиқариб ташланган ва шунинг натижасида 141 давлат ўрганиб чиқилиб таҳлил қилинган.

Базель AML индекси мамлакат хавфини баҳолашга қаратилган 16 кўрсаткичга асосланган композицион методологиядан фойдаланади ва таҳлилий маълумотлар шакллантирилади. Маълумотлар қуйидаги ташкилотлардан олинган ахборотлар асосида шакллантирилади ва таҳлил қилинади: AML/CTFга нисбатан асос сифатида (FATF, FSI¹²⁶, АҚШ Давлат департаменти Халқаро гиёҳванд моддаларни назорат қилиш стратегияси ҳисоботи, АҚШ Давлат департаменти одам савдоси (TIP) ҳисоботи), Коррупцияга нисбатан асос сифатида (Тінинг коррупцияни идрок қилиш индекси, порахўрлик бўйича Track Matrix ҳисботлари) ва бошқа ташкилотларнинг ахборотларидан кэнг фойдаланади. Ушбу кўрсатгичдан ташқари Жаҳон банкининг корпоратив бошқарувда шаффофлик даражаси бўйича 6 баллик кўрсатгич билан Марказий Осиёда Ўзбекистон, Қозоғистон

¹²⁵ [Электрон манба]. URL: <https://baselgovernance.org/basel-aml-index/public-edition-map>.

¹²⁶ [Электрон манба]. URL: <https://fsi.taxjustice.net/en/>

ва Қирғизистондан кейинги ўринларда туради. Пора олиш матрицаси Track Matrixга кўра, 60 балл билан 194 давлатдан 150-ўрин¹²⁷да ҳисобланади.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб қуидагича хulosса қилишимиз мумкин:

Биринчидан, сўнги икки йил ичида банк-молия соҳасидаги жиноятлар олдинги йилларга қараганда икки баробар ошганини кўришимиз мумкин;

Иккинчидан, соҳада мавжуд муаммолар иккига бўлинади булар: назарий-хуқуқий ва ташкилий;

Учинчидан, халқаро ташкилотлар томонидан олиб бориладиган йиллик кўрсатгичларда ҳанузгача Ўзбекистон Республикаси пастки поғоналардан жой олиб келмоқда. Ваҳоланки, кўрсатгичларнинг юқори ўриндагиларга нисбатан Ўзбекистон анча юқори ресурс ва имкониятларга эга.

¹²⁷ [Электрон манба]. URL: <http://www.traceinternational.org/trace-matrix>.

3.2. Банк-молия соҳасида коррупция хатарларини бартараф этишнинг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари

Ўзбекистон Республикасида банк секторини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири этиб молия бозорида тэнг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банк хизмати кўрсатиши модернизация қилиш, банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш ва фаолиятини автоматлаштириш, шунингдек, банклар фаолиятига хос бўлмаган функцияларни босқичма-босқич бекор қилиш орқали банк тизимининг самарадорлигини ошириш вазифаси белгиланди. Бундан шундай хулоса чиқадики, агарда биз банк-молия соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш чораларини кўрадиган бўлсак, молиявий хизматлар кўрсатиш сифати яхшиланади ва иш самарадорлиги ошади.

Коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-хуқуқий механизмларини такомиллаштириш, коррупцияга қарши кураш чоратадбирлари самарадорлигини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ўртасида самарали ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш ҳам 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон ривожланиш стратегиясининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган.

2017 йил 3 январ куни Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниб, унда коррупцияга қарши курашнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги ПФ-5729-сон Фармони

билин 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури тасдиқланди.

Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, шу жумладан ҳалқаро ташкилотларнинг маблағларини жалб қилган ҳолда, 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими («комплаенс-назорат»)ни босқичма-босқич жорий этиш чораларини кўриш ҳам устувор вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Кўриб турганимиздек, жамият ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида коррупцияга қарши ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу банк секторида ҳам ўз аксини топмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизимида 32 та тижорат банки мавжуд. Бундан ташқари, мамлакат имизда хорижий банкларнинг 8 та аккредитация қилинган ваколатхонаси — Покистон Миллий банки, Коммерцбанк, Landesbank Berlin (Германия), JP Morgan Cheyz Bank (АҚШ), Экспорт-импорт банки ва Шинхан банк (Корея) фаолият кўрсатмоқда¹²⁸.

2019 йилнинг июлидан бошлаб “Halykbank” (Қозогистон) нинг шўба корхонаси Тэнге Банк ўз фаолиятини бошлади. 2019 йилнинг апрел ойидан бошлаб TBC Bank (Грузия) ишга тушди. Moody’s агентлиги маълумотларига кўра, Ўзбекистон банкларининг операцион даромадлари даражаси МДҲ мамлакатларидаги банклар орасида энг юқори кўрсаткичлардан бирини қайд этади.

Банк секторини қайта қуриш, банк назорати бўйича Базель қўмитаси стандартларини, ҳалқаро молиявий ҳисобот стандартларини ва бошқаларни жорий этиш билан ҳуқукий базани такомиллаштириш масалалари билан бир қаторда, банк секторида коррупцияга қарши кураш чораларини

¹²⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 08.01.2021 йил ҳолатига кўра маълмуоти.

мустаҳкамлаш мухим аҳамиятга эга. Банк секторида коррупциянинг етакчилик қилиши қўйидаги салбий оқибатларга олиб келади: банк хисобларидан маблағ ўзлаштирилиши ва банкротлик; иқтисодий турғунликни юзага келтирувчи банк-молия секторидаги инқирозли вазиятлар; тадбиркорлик субъектлари, банк мижозлари ва жамоатчилик учун оғир ижтимоий-иқтисодий оқибатлар; жиноий маблағларнинг қонунийлаштирилиши, мамлакат банк тизими имиджининг тегишли обрўсизланиши; банк секторига давлат ва мижозлар ишончини йўқотиш, норасмий молия бозорини ривожлантириш; банк секторининг самарадорлиги ва жозибадорлигини камайтириш, банкларнинг банкротлиги ва бошқалар.

Банк секторидаги коррупция иқтисодий жиноятчиликнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, дунёда ҳар йили икки триллион долларга яқин ноқонуний олинган маблағлар ювилмоқда¹²⁹. Улар орасида «Ландроматлар схемаси» («Тройка-ландромат», «Молдавский», «Азербайджанский» ландромат ва бошқалар) энг машҳурлари ҳисобланади. 2013 йилда OCCRP лойиҳаси ва Медуза нашри Россиядан ноқонуний активларни ювиш бўйича кэнг кўламли схема ҳақида материалларни эълон қилди. 2006 йилдан 2012 йилгача “Тройка-ландромат” схемаси бўйича 3,5 миллиард евродан ортиқ маблағ олиб қўйилгани тахмин қилинмоқда. 2014 йилда OECD журналистлари ва Berlingske нашри жамоаси томонидан 2011 йилдан 2014 йилгача Россиядан Молдова орқали 21 миллиард доллар олиб чиқилганлиги аниқланди. 2017 сентябр ойида Берлингске Дания Миллий газетаси журналистлари ва OECD қатор информацион ҳамкорлар – The Guardian (Буюк Британия), Süddeutsche Zeitung (Германия), Le Monde (Франция), Tages-Anzeigerand Tribune de Genève (Швейцария), De Tijd (Белгия), Новая Газета (Россия), Dossier

¹²⁹ Schneider F., Ernst D. Shadow economies: Size, causes, and consequences // Journal of Economic Literature. 2000. Ed. XXXVIII. P. 84

(Австрия), Atlatszo. Hu (Вэнгрия), Delo (Словения), RISE Project (Руминия), Бивол (Болгария), Aripaev (Эстония), Чехия журналистик изланишлар маркази (Чехия) ҳамда Barron (АҚШ) күмагида Озарбайжондан 2012 йилдан 2014 йилгача олиб чиқилган 2.9 миллиард долларлик схемани аниқлашга муваффақ бўлди¹³⁰.

Мамлакатимизда банк соҳасини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилиб келинмоқда, буни юқоридаги статистик маълумотлардан ҳам кўришимиз мумкин. Аммо, Бош прокуратура департаментининг маълумотларига кўра, ушбу соҳада коррупциявий жиноятларнинг сони ошганлигидан далолат беради. Маълумот ўрнида, 2019-2020 йиллар ҳисобига нисбатан, Марказий банк ва тижорат банкларида жами коррупциявий жиноятларда айбланган шахслар 389 нафарни ташкил қиласди. Уларнинг 49 таси Андижон вилоятига, Бухоро банк тизимида 16 та, Навоий банк тизими 23та, Наманган вилоятига 31та, Сирдарё банк тизимида 24 та, Сурхондарё банк тизимида 21та, Қашқадарё вилоятига 42та, 28таси Қорақалпағистон Республикаси банк тизимида, қолган қисми Самарқанд, Жizzах, Фарғона, Тошкент вилояти ҳамда шаҳрига тўғри келади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу жиноятлар фақатгина жиноят кодексида мавжуд 167, 210, 211, 205-моддаларга тўғри келади, ваҳоланки, ҳали жиноят кодексига манфаатлар тўқнашувини тартибга соловчи, *trading in influence*, хорижий мансабдор шахслар билан муносабатлар порахўрликнинг айрим жихатлари ва.ҳ.клар киритилмаган.

Юқоридаги каби коррупциявий муаммоларни олдини олиш мақсадида қўйида келтирилган амали ва назарий аҳамиятга эга бўлган чораларни амалга оширишимиз мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Хусусан, банк-молия тизимида **назарий** муаммоларни олдини олишга қаратилган чоралар қўйидагилар:

¹³⁰ Доклад Парламентской ассамблеи Совета Европы (ПАСЕ) «Ландромат: отвечая на новые вызовы в международной борьбе против организованной преступности, коррупции и отмывания денег» 2017/07/12/57d1.

Биринчидан, банк-молия секторида коррупцияга қарши курашища давлатнинг асосий фаолият йўналишларини белгилаб берувчи **Сиёсат** Марказий банк томонидан ишлаб чиқилиши лозим, бу борада Грузия ва Туркия давлатларининг, Bank of Georgia ва AKBANK T.A.Ş банклари томонидан ишлаб чиқилган сиёсатлардан даструламал сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ушбу сиёсат ихтиёрийлик хусусиятига эга бўлиб уни амалга ошириш чораларини кўрган тижорат банкларига Марказий банк томонидан рағбатлантириш чоралари кўрилиши лозим.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида банкларнинг фаолияти учун асос бўлиб хизмат қилаётган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги (янги таҳрир) қонунга алоҳида “Банк соҳасида коррупция” деб номланган боб киритилиши лозим. Хусусан, унда банк-молия соҳасида коррупция, коррупциявий хавф-хатар тушунчалари, турлари, тавсифи, ўзига хос хусусиятлари, манфаатлар тўқнашуви, уни олдини олиш масалалари, мансаб обрўйидан фойдаланишнинг олдини олиш масалалари, совға ва ҳадяларнинг миқдори, ушбу соҳада порахўрлик ҳолатларини бартараф этиш масалалари ва банк тизимида комплаенс назорат хизматининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлар доираси, банк соҳасида коррупция ҳолатлари ҳакида хабар берувчи шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида бир қатор қоидалар билан тўлдирилиши лозим.

Учинчидан, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 40-моддасида, конвенцияга аъзо давлатлар учун коррупцияга қарши курашиш фаолиятида банк сири билан боғлиқ норматив-хуқуқий ҳужжатларни қўллаш бўйича юзага келадиган тўсиқларни бартараф этиш механизмларини яратиши лозимлиги, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг 4-раунд Истанбул ҳаракатлари доирасида берилган 39-тавсиянинг 2-қисмида, тергов ташкилотларига бенефициар мулкдорни аниқлаш учун банк мижозларининг ҳисоб қайдномасига тўлиқ **кириш** имкониятини яратиш зарурлиги тўғрисида қоидалар белгиланган. Амалдаги

“Банк сири тўғрисида” ги қонунда банк сири тўғрисидаги маълумотлар фақат Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаментига тақдим этилиши белгиланган. Ваҳоланки, маълумотлар фақат жиноят иши қўзғатилган шахсга нисбатан маълумотлар берилади¹³¹, бошқа томондан коррупциявий жиноятлар асосан занжир бўлиб, унинг бир учи бориб жиноят иши қўзғатилмаган шахсга ҳам бориб тақалаши мумкин. Ушбу қонуннинг 9-моддасида қўрсатилган равишда тезкор-қидирав ҳаракатлари билан жиноят иши қўзғатилгунига қадар ёки қўрсатилган прокурор санкциясини олгунча активлар мамлакат ҳудудидан чиқариб юборилиши, жиноят изи яширилиши мумкин. Бу каби мавжуд бюрократик тўсиқларни олдини олиш ҳамда халқаро тавсияларни бажариш мақсадида коррупцияга қарши курашувчи органларга жисмоний ва юридик шахсларнинг банк операциялари бўйича маълумотларига кириш имкониятлари қайта кўриб чиқилиши, банк сирини ташкил қилувчи ҳолатларнинг аниқ кўринишлари қайд қилиниши лозим.

Тўртинчидан, банк фаолиятида коррупциявий жиноят содир этган шахсларнинг қайта бошқарувчилик лавозимларига келишини чеклаб қўювчи қоидалар “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги (янги таҳрир) қонуни, банк ходимининг касб “одоб-аҳлоқи” кодексларига киритилиши лозим.

Бешинчидан, Иқтисодий ҳамкорлик ва Таракқиёт ташкилотининг 4-раунд Истанбул ҳаракатлар режасининг 14-тавсиясига кўра, Давлат амалдорлари активлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш тизимини жорий этиш зарурлиги ҳақида боради, Янги тизим барча давлат хизматчиларига, шу жумладан юқори лавозимли мансабдор шахсларга (Президент, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, Парламент аъзолари, ижро

¹³¹Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлар маълумотлари миллий базаси, Тошкент ш., 2003 йил 30 август, 530-II-сон.

этувчи ҳокимият раҳбарлари), судялар, прокурорлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари ва ходимларига, шунингдек, **Марказий банк**, Ҳисоб палатаси, **тижорат банкларининг** ходимлари учун ҳам татбиқ этилиши тавсия этилади.

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикасида кредит фоизи ставкаларининг юқорилигини олдини олиш мақсадида “Марказий банки тўғрисида” ги қонуннинг 20-моддаси биринчи қисмидаги банкнинг фоиз ставкаларини белгилаш ҳуқуқи чиқарib ташланиши, кредит ажратишда бюрократик тўсиқларни олдини олиш мақсадида кредит ажратишнинг барча жараёнлари автоматлаштирилиши лозим. Бу борада редит соринг платформасини қўллаш кераклигини жорий йил 4 апрель куни Марказий банк раси Мамаризо Нурмуродов ҳам таъкидлайди, лекин ушбу платформа юқорида таъкидлаб ўтилган банкларимиз (BNP Paribas, TBC bank, Groupe BPCE, The Lloyds Banking Group, HSBC Holdings Plc ва.х.к)да анча йил олдин ишга туширилган. Бундан ташқари, ажратиладиган кредит тўғридан тўғри мижоз (банк ҳисоб рақамига) га берилиши лозим. Буюк Британияда жисмоний шахсларга нақд пул шаклида £100 дан £3,500гача 2ойдан 36 ойгача бўлган муддатда ажратиб берилиши мумкин¹³².

Еттинчидан, Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари ўзининг устав капиталларини норезидент хисобидан кўпайтиришлари ёки акциядорлар томонидан акцияларнинг норезидентларга сотилиши учун белгиланган тартибда Марказий банкнинг олдиндан розилигини олишлари керак. Ҳолбуки, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги қонуннинг 8-моддаси, биринчи қисми - Банклар молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда мустақилдир-деган жумлалар билан бойитилган. Бундан ташқари, хозирги пайтда банк соҳасида муаммолардан бири тижорат банкларга хос булмаган

¹³² [Электрон манба]. URL: <https://www.getmyloans.co.uk/>.

функцияларни юклатилишидир. Тижорат банки учун асосий функциялар бўлиб омонатларни қабул қилиш, хисоб-китобларни амалга ошириш ва кредитлаш хисобланади. Банк соҳасидаги мутахассисларнинг фикрича, банкларга шу учта функциядан ташқари вазифаларни юклатиш уларнинг маблағларини, вақт ва ходимларининг меҳнатини банклар учун керак бўлмаган фаолиятга жалб этишини ва шу йўл билан тижорат банклар фаолиятига салбий таъсир кўрсатишини таъкидлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистан Республикаси Ҳукумати биргаликда тижорат банкларига кредитлаш, омонатларни қабул қилиш ва тўловларни амалга ошириш билан боғлик бўлмаган турли вазифаларни юклатишга қарши керакли меъёрий хужжатлар қабул килишлари керак. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар хажмини камайтириши ва соддалаштириши бўйича чораларни қўриши керак. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳокимиятлар, солиқ ва бошқа органлар томонидан тижорат банклардан қоунунда кўрсатилмаган турли ҳисоботлар ва маълумотларни талаб қилишга чек қўйишлари керак. Чунки, мижоз қачонки банкда ўзининг хавфсизлиги таъминланган тақдирдагина унга ишончи пайдо бўлади ва бу банк билан доимий ишлашга рози бўлади.

Банк қонунчилиги тижорат банклари учун назоратнинг фақат икки турини-валюта назорати ва касса назорати функцияларини юклатади, чунки бу икки назорат тури тижорат банклар томонидан омонатларни қабул қилиш, кредитлаш ва тўловларни амалга ошириш операциялари билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларга мижозлар устидан бошқа, Ўзбекистон қонунчилигига курсатилмаган **назорат турларини** амалга оширишни талаб килади. Тижорат банклар ўз мижозларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари устидан назоратни олиб борадилар ва керакли холларда белгиланган

чораларни кўришлари керак. Аслида бундай назорат давлат солиқ назорати органларига юклатилиши керак. Тижорат банки ўз иқтисодий мақомига кўра мижозларига ёрдам бериши, уларнинг муаммоларини ечишда кўмаклашиши керак. Бундан ташкари, бундай назорат тижорат банклар учун қўшимча харажатлар, ходимларни банкка хос бўлмаган ишларни бажаришга жалб этилишини талаб қиласди.

Тижорат банклари томонидан қонунчиликда кўрсатилмаган функцияларига турли ҳисоботларни тақдим этиш мажбуриятини бажариш ҳам киради. Тижорат банклар фақат банк операциялари билан боғлиқ булган ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига, солиқ масалалари бўйича солиқ органларига ва статистика органларига ҳисобот беришлари керак. Амалиётда эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклар мижозларига тегишли жуда кўп ҳисоботлар, умумлаштириш ва хулосалар бўйича хужжатлар, туман ҳокимиятларига ва солиқ органларига қонунчиликда кўрсатилмаган ҳисобот ва маълумотларни тақдим этадилар.

Буларни олдини олиш мақсадида “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги қонунга тақдим этилиши мумкин ва мумкин бўлмаган маълумотлар доираси аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

Саккизинчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 11-ноябрдаги 22-сонли баённомаси билан тасдикланган “Банкни рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш тартиби” нинг 16.5-бандига мувофик қуидаги холатлар лицензия бериш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризанинг рад этилишига асос бўлади-деб кўрсатилган, аммо ушбу талабларнинг биринчи қисмида – Марказий банкинг талабларини бажарилмаслиги – деган жумла билан бошланган, аммо ушбу талабларнинг аниқ кўриниши келтирилимаган. Қонунчиликдаги бўшлиқни олдини олиш мақсадида айнан қайси талаблар бажарилмаганлиги учун чоралар кўрилиши тўлиқ кўрсатилиши мақсадга мувофик ҳисобланади.

Тўққизинчидан, банк-молия ташкилотларининг устидан молиявий контрол (маълумот ўрнида, Молиявий контрол давлат контролининг бир тури бўлиб, давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳсус ваколатли органлар (ушбу органлар ҳам шартли равишда иккига: умумий давлат контролини амалга оширувчи, маҳсус ваколатли органларга бўлинади. Улардан Молия вазирлиги, Марказий банк, Савдо саноат палатаси, Солиқ қўмитаси ва.ҳ.к.) томонидан олиб борилади))¹³³ни амалга оширувчи ташкилотлар сони қўплиги ҳамда ушбу соҳада банкларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган нормаларнинг йўқлиги кўплаб манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Уни олдини олиш мақсадида “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги қонунга банкларнинг фаолиятига қонунда кўрсатилмаган ҳолда аралашганлик учун жиноий жавобгарлик масаласи кўриб чиқилиши каби моддалар билан бойитилиши лозим.

Ташкилий муаммоларни олдини олишига қаратилган ечимлар қуидагилар:

Биринчидан, ундирилиши муаммога айланиб бораётган кредитларни ўз вақтида қайтариш банкларда ва бошқа кредит ташкилотларида бир қанча муаммоларни вужуга келтиряпти. Бу эса банк активларининг иқтисодий айланиши циклига салбий таъсир кўрсатмоқда. Буларни олдини олиш мақсадида коллекторлик хизматини жорий қилиш лозим. Бу каби хизматлар-ундирилиши муаммога айланаётган кредитларни тижорат банкидан сотиб олади ёки *тижорат банклари қошида (таъсисчилигига) ташкил этилади* (Суғурта ташкилотларига ўхшаб). Ушбу структура тижорат банкига муаммоли активларни ундиришда ёрдам кўрсатади. Россияда ушбу механизм шу даражада ривожланганки, ҳатто қарздорлар ўз қарздорлигини сотиб олади. Ҳа тўғри ўқидингиз, коллекторга топширилган

¹³³ Йўлдашев.М. Турсунов. Й. Молия хуқуки.-Т.: Мехнат, 48-6.

муаммоли қарздор, коллекторлардан қутулиш мақсадида, ўзи ўша кредитини коллектордан устига қўйилган хизмат ҳақи билан бирга сотиб олишади. Ушбу хизмат банклар хузурида ташкил этилганидан сўнг, юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатларни олдини олиш мақсадида комплаенс назорат тартибларини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизимини (комплаенс назорат) амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни фаоллаштириш, комплаенс назоратни амалга оширувчи ходимларининг **хуқуқий ҳолати** билан боғлик масалаларни ташкил этиш ва малакали кадрлар билан таъминлаш, ушбу кадрларни тайёрлаш механизмлари йўлга қўйилмаганлиги, бундан ташқари, комплаенс назорат тизими йўлга қўйилган аксарият банклар(СҚБ ва коррупцияга қарши курашиш агентлиги ўртасида 2020 йил 4 декабрда имзоланган меморандум асосида тузилган), аммо бошқа банклар томонидан йўлга қўйилган коррупцияга қарши комплаенс назорат тизимлари ўзининг асл моҳиятига эга бўлмай, ички аудит назорат шаклининг бир тури сифатида фаолият юритаётгани, ушбу бўлимдаги соҳа мутахассислари асосан аудит инспекторлари эканлиги, уларнинг коррупция тўғрисидаги билим ва кўникмалари комплаенс хизматига тўғри келмаслиги, ноқонуний даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда асосий омил бўлиб хизмат қилаётган blockchain кузатувларни амалга оширишда IT платформаларининг етарли эмаслиги, AML/CTF дастурларидан тортиб ушбу соҳада етарли малакага эга бўлган малакали кадрларнинг йўқлиги кўплаб қийинчиликларни туғдиряпти. Бу каби муаммоларни олдини олиш мақсадида Бош прокуратура Академияси билан биргалиқда банкларда комплаенс назорат ҳамда AML офицерларини тайёрлашни, IT платформалари орқали blockchain кузатувларини ўргатишни кўзда тутадиган ўқув курсларини жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Сабаби, Бош прокуратура Академияси бу борада узоқ йиллик тажрибага эга эканлиги, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш соҳасида

Республиканинг етук олимларига эга эканлиги билан бошқа илмий масканлардан жуда катта фарқ қиласи.

Учинчидан, банк-молия ходимларини ишга қабул қилишда ҳамда уларнинг коррупцияга қарши малакасини ошириш чоралари етарли даражада йўлга қўйилмаган, уларни олдини олиш мақсадида HireVue, BCG Pymetrics Test, HiredScore¹³⁴ каби платформалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, коррупция ҳақида хабар бериш тизими тўғри йўлга қўйилмаганлиги банк мижозлари, ходимлар томонидан келиб тушаётган аризаларни кўриб чиқишида сусистеъмолчиликларга йўл қўйилмоқда ёки умуман кўриб чиқилмаётгалигини кўришимиз мумкин. Бу каби муаммоларни олдини олиш борасида чет эл давлатлар тажрибасидан, хусусан, crowdsourcing платформаларидан Жанубий Кореянинг “OPEN” дастурини олишимиз мумкин. Ушбу платформанинг афзаллик жиҳатлари коррупция ҳақида хабар берувчи шахслар учун алоҳида электрон саватча яратилиб, унинг шахси хавфсизлиги таъминланади, хабар берувчи шахс ўзининг аризаси қандай натижа билан яқунланишини онлайн кузатиб туриш имкониятига эга бўлади, хусусан, ариза неча кун муддатда, ким томонидан ҳал қилиниши, жавобдан норози бўладиган бўлса юқори ташкилотга мурожаат қила олиш имкониятининг мавжудлиги, аризанинг рад этилиш асослари билан танишиб чиқиш имконияти ва.ҳ.клар таъминланган.

Бешинчидан, соҳада коррупциявий хавфларни баҳолаш ишлари тўғри йўлга қўйилмаганлиги боис, давлат ресурслари бир неча йиллардан буён “ҳавога” сарфланишини кўршимиз мумкин. Бу каби ҳолатларни олдини олиш мақсадида мамлакат худудидаги барча банклар “risk management” сиёсатини юритиш механизмларини яратиши ҳамда коррупцияга қарши амалга оширилган барча чоралар кэнг жамоатчиликка

¹³⁴ [Электрон манба]. URL: <https://www.hirevue.com/platform/assessment-software>.

ошкор қилиниш мақсадида онлайн веб-саҳифаларида улар ҳақида маълумот бериб боришилари тавсия қилинади.

Олтинчидан, Коррупцияга қарши самарали стандартлаштирилган мезонлардан ИСО 37301:2021¹³⁵ни банкларда жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Сабаби, Ушбу ҳужжат ташкилот ичида самарали мувофиқликни бошқариш тизимини яратиш, ривожлантириш, амалга ошириш, баҳолаш, сақлаш ва такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар беради ва талабларни белгилайди. ушбу ҳужжатни белгилаш банк хизматларининг самарадорлигини оширади, бошқарувда шаффофликни таъминлайди, халқаро стандартларни бажарилишини таъминлаб, халқаро банклардан имтиёзли (узоқ муддатга, кам фоизли) кредитлар олинишини таъминлайди.

Ўнинчидан, Банк ҳодимларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш зарур, бугунги кундаги таъминот мавжуд яшаш стандартларига мос келмаслигини жуда яхши биламиз (Маълумот ўрнида, Ўзбекистондаги Банк иши соҳасида ишлаётган инсонларнинг ойлик маоши одатда 1,059,121 UZS (минимум иш ҳақи) дан 6,082,724 UZS гача (ўртачанинг энг юқориси, ҳақиқий максимум иш ҳақи бундан юқори бўлиши мумкин¹³⁶). Бу каби омил банк ҳодимининг олдида икита йўлни кўндаланг қилиб қўяди: улардан биринчиси – бу коррупцияга қўл уриш, иккинчиси – ушбу банкдан кетиш. Буларнинг икаласи ҳам банкларга зарар етказади. Ушбу ҳолатлардан шундай хулоса чиқадики ҳодимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришса ҳар қандай соҳа ривож топиб олдига қўйган мақсадларига эришишда бошқалардан бир қадам олдинда бўлади.

¹³⁵ [Электрон манба]. URL: <https://www.iso.org/standard/75080.html>

¹³⁶ [Электрон манба]. URL: <https://www.ishhaqi.uz/>

Хулоса

Тадқиқот ишини амалга ошириш натижасига кўра илгари суриладиган таклифларни қўйидаги уч гурухга бўламиз:

I. Ташкилий таклифлар

1. Ундирилиши муаммога айланиб бораётган кредитларни ўз вақтида қайтариш мақсадида коллекторлик хизматини жорий қилиш лозим. Ушбу хизмат банклар ҳузурида ташкил этилганидан сўнг, юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатларни олдини олиш мақсадида комплаенс назорат тартибларини киритиш мақсадга мувофиқдир.

2. Банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизимини (комплаенс назорат) амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни фаоллаштириш, комплаенс назоратни амалга оширувчи ходимларининг **хуқуқий ҳолати** билан боғлиқ масалаларни ташкил этиш ва малакали кадрлар билан таъминлаш, ушбу кадрларни тайёрлаш механизмлари йўлга қўйиш мақсадида Бош прокуратура Академияси билан биргаликда банкларда комплаенс назорат ҳамда AML офицерларини тайёрлашни, IT платформалари орқали blockchain кузатувларини ўргатишни кўзда тутадиган ўқув курсларини жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Сабаби, Бош прокуратура Академияси бу борада узоқ йиллик тажрибага эга эканлиги, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш соҳасида РеспубликаНИНГ етук олимларига эга эканлиги билан бошқа илмий масканлардан жуда катта фарқ қиласи.

3. Банк-молия ходимларини ишга қабул қилишда ҳамда уларнинг коррупцияга қарши малакасини ошириш чоралари етарли даражада йўлга қўйилмаган, уларни олдини олиш мақсадида HireVue, BCG Pyometrics Test, HiredScore каби платформалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

4. Коррупция ҳақида хабар бериш тизими тўғри йўлга қўйиш мақсадида маҳсус платформа яратиш.

5. Соҳада коррупциявий хавфларни баҳолаш ишлари тўғри йўлга қўйилмаганлиги боис, давлат ресурслари бир неча йиллардан буён “хавога” сарфланишини кўршимиз мумкин. Бу каби ҳолатларни олдини олиш мақсадида мамлакат ҳудудидаги барча банклар “risk management” сиёсатини юритиш механизмларини яратиши ҳамда коррупцияга қарши амалга оширилган барча чоралар кэнг жамоатчиликка ошкор қилиниш мақсадида онлайн веб-саҳифаларида улар ҳақида маълумот бериб боришлиари тавсия қилинади.

6. Банк ҳодимларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳодимларининг ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришса ҳар қандай соҳа ривож топиб олдига қўйган мақсадларига эришишда бошқалардан бир қадам олдинда бўлади.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар хажмини камайтириши ва соддалаштириши бўйича чораларни кўриши керак. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳокимиятлар, солиқ ва бошқа органлар томонидан тижорат банклардан қоунунда кўрсатилмаган турли ҳисоботлар ва маълумотларни талаб қилишга чек қўйишлари керак. Чунки, мижоз қачонки банқда ўзининг хавфсизлиги таъминланган тақдирдагина унга ишончи пайдо бўлади ва бу банк билан доимий ишлашга рози бўлади.

8. Банк-молия соҳасида коррупцияни олдини олишнинг энг яхши усууларидан бир – бу рағбатлантириш йўлидир. Шу муносбат билан Марказий банк томонидан мамлакат ҳудудидаги тижорат банклари ўзларининг ички фаолиятларида коррупцияни олдини олиш кўрсатгичлари бўйича индекс ишлаб чиқилиши тавсия этилади. Ушбу индексда юқори ўринга эга бўлган банкларга Марказий Банк томонидан турли-хил имтиёзлар берилиши мақсадга мувофиқ. Мисол учун, Марказий Банк томонидан тижорат банкларига ауксион орқали паст миқдорда кредитлар бериш ва.х.к.

9. Тижорат банкларида ходимларни баҳолаш индекси ишлаб чиқилиши ҳамда баҳолаш асосларининг бир қисми сифатида ходимнинг коррупцияга қарши ҳаракатларини ҳам ўз ичига олиши кераклиги ва энг юқори ўринларга эга бўлган ходимлар пул мукофотлари ва эсдалик совғалар билан таъминлаш масаласини қайта қўриб чиқишимиз лозим.

10. Коррупцияга қарши самарали стандартлаштирилган мезонлардан ИСО 37301:2021ни жорий қилиш мезонларни ишлаб чиқиш лозим.

II. Назарий таклифлар

1. Банк-молия соҳасида коррупция деганда – Банклар томонидан амалга ошириладиган молиявий операциялар¹³⁷(пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб етиш, тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварагларини очмасдан амалга ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварагларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварагларини очиш ҳамда юритиш, кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб етилган маблағлар ҳисобидан бериш, чет ел валютаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операциялар, жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича мол-мулкни ишончли бошқариш...) фаолиятида юзага келадиган, банк ходимларининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равища фойдаланиши, мансаб лавозимини сустеъмол қилиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равища тақдим етиш, ўтказиш ҳисобланади.

2. Банк-молия соҳасидаги коррупциявий хавф-хатарлар банк-молия ташкилотларининг ходимлари фаолият жараёнида юзага келадиган,

¹³⁷ Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги 216-І-сонли Қонуни, 5-модда.

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этиш имкониятини яратадиган сабаблар, шароитлар, ҳолатлар, омиллар ва ҳаракатлар.

3. Банк-молия секторида коррупцияга қарши курашишда давлатнинг асосий фаолият йўналишларини белгилаб берувчи **Сиёсат** Марказий банк томонидан ишлаб чиқилиши лозим.

4. Иқтисодий ҳамкорлик ва Тараққиёт ташкилотининг 4-раунд Истанбул ҳаракатлар режасининг 14-тавсиясига кўра, Давлат амалдорлари активлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш тизимини жорий этиш зарур.

5. Кредит ажратишда бюрократик тўсиқларни олдини олиш мақсадида кредит ажратишнинг барча жараёнлари автоматлаштирилиши лозим. Ажратиладиган кредит тўғридан тўғри мижоз (банк ҳисоб рақамига) га берилиши лозим. Буюк Британияда жисмоний шахсларга нақд пул шаклида £100 дан £3,500гача 2ойдан 36 ойгача бўлган муддатда ажратиб берилиши мумкин¹³⁸.

III. Қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар

1. Ўзбекистон Республикасида банкларнинг фаолияти учун асос бўлиб хизмат қилаётган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги (янги таҳрир) қонунга алоҳида “Банк соҳасида коррупция” деб номланган боб киритилиши лозим. Хусусан, унда банк-молия соҳасида коррупциянинг олдини олиш масалалари, манфаатлар тўқнашуви, уни олдини олиш масалалари, мансаб обрўйидан фойдаланишнинг олдини олиш масалалари, совға ва ҳадяларнинг миқдори, ушбу соҳада порахўрлик ҳолатларини бартараф этиш масалалари ва банк тизимида комплаенс назорат хизматининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлар доираси, банк соҳасида коррупция ҳолатлари ҳақида хабар берувчи шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида бир қатор қоидалар билан тўлдирилиши лозим.

¹³⁸ [Электрон манба]. URL: <https://www.getmyloans.co.uk/>.

2. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 40-моддасида, конвенцияга аъзо давлатлар учун коррупцияга қарши курашиш фаолиятида банк сири билан боғлиқ норматив-хукуқий ҳужжатларни қўллаш бўйича юзага келадиган тўсиқларни бартараф этиш механизмларини яратиши лозимлиги, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг 4-раунд Истанбул ҳаракатлари доирасида берилган 39-тавсиянинг 2-қисмида, тергов ташкилотларига бенефициар мулкдорни аниқлаш учун банк мижозларининг хисоб қайдномасига тўлиқ **кириш** имкониятини яратиш зарурлиги тўғрисида қоидалар белгиланган. Амалдаги “Банк сири тўғрисида” ги қонунда банк сири тўғрисидаги маълумотлар фақат Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига тақдим этилиши белгиланган. Ваҳоланки, маълумотлар фақат жиноят иши қўзғатилган шахсга нисбатан маълумотлар берилади¹³⁹, бошқа томондан коррупциявий жиноятлар асосан занжир бўлиб, унинг бир учи бориб жиноят иши қўзғатилмаган шахсга ҳам бориб тақалаши мумкин. Ушбу қонуннинг 9-моддасида кўрсатилган равишда тезкор-қидирав ҳаракатлари билан жиноят иши қўзғатилгунига қадар ёки кўрсатилган прокурор санкциясини олгунча активлар мамлакат ҳудудидан чиқариб юборилиши, жиноят изи яширилиши мумкин. Бу каби мавжуд бюрократик тўсиқларни олдини олиш ҳамда халқаро тавсияларни бажариш мақсадида коррупцияга қарши курашувчи органларга жисмоний ва юридик шахсларнинг банк операциялари бўйича маълумотларига кириш имкониятлари қайта кўриб чиқилиши, банк сирини ташкил қилувчи ҳолатларнинг аниқ кўринишлари қайд қилиниши лозим.

3. Банк фаолиятида коррупциявий жиноят содир этган шахсларнинг қайта бошқарувчилик лавозимларига келишини чеклаб қўювчи қоидалар

¹³⁹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, Тошкент ш., 2003 йил 30 август, 530-II-сон.

“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги (янги таҳрир) қонуни, банк ходимининг касб “одоб-аҳлоқи” кодексларига киритилиши лозим.

4. Ўзбекистон Республикасида кредит фоизи ставкаларининг юқорилигини олдини олиш мақсадида “Марказий банки тўғрисида” ги қонуннинг 20-моддаси биринчи қисмидаги банкнинг фоиз ставкаларини белгилаш ҳуқуқи чиқариб ташланиши лозим.

5. Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари ўзининг устав капиталларини норезидент хисобидан қўпайтиришлари ёки акциядорлар томонидан акцияларнинг норезидентларга сотилиши учун белгиланган тартибда Марказий банкнинг олдиндан розилигини олишлари керак. Ҳолбуки, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги қонуннинг 8-моддаси, биринчи қисми - Банклар молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда мустақилдир - деган жумлалар билан бойитилган. Шундан келиб чиқиб тижорат банклари ўзининг устав капиталларини норезидент хисобидан қўпайтиришлари ёки акциядорлар томонидан акцияларнинг норезидентларга сотилиши учун белгиланган тартибда Марказий банкнинг олдиндан розилигини олишини тақиқловчи нормалар киритилиши лозим.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати биргаликда тижорат банкларига кредитлаш, омонатларни қабул қилиш ва тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган турли вазифаларни юклатишга қарши керакли меъёрий хужжатлар қабул қилишлари керак.

7. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги қонунга Тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига, солиқ масалалари бўйича солиқ органларига ва статистика органларига, айрим ҳолатлар бўйича туман ҳокимиятларига тақдим этилиши мумкин ва мумкин бўлмаган маълумотлар доираси аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 11 ноябрдаги 22-сонли баённомаси билан тасдиқланган “Банкни рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш тартиби” нинг 16.5-бандига мувофик қуидаги холатлар лицензия бериш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризанинг рад этилишига асос бўлади-деб кўрсатилган. Ушбу талабларнинг биринчи қисмида - Марказий банкнинг талабларини бажарилмаслиги - деган жумла билан бошланган, аммо ушбу талабларнинг аниқ кўриниши келтирилмаган. Қонунчиликдаги бўшлиқни олдини олиш мақсадида айнан қайси талаблар бажарилмаганлиги учун чоралар кўрилиши тўлиқ кўрсатилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

9. Банк-молия ташкилотларининг устидан молиявий контрол (маълумот ўрнида, молиявий контрол давлат контролининг бир тури бўлиб, давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳсус ваколатли органлар (ушбу органлар ҳам шартли равишда иккига: умумий давлат контролини амалга оширувчи, маҳсус ваколатли органларга бўлинади. Улардан Молия вазирлиги, Марказий банк, Савдо саноат палатаси, Солик қўмитаси ва.х.к.) томонидан олиб борилади))¹⁴⁰ни амалга оширувчи ташкилотлар сони кўплиги ҳамда ушбу соҳада банкларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган нормаларнинг йўқлиги кўплаб манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Уни олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига банкларнинг фаолиятига қонунда кўрсатилмаган ҳолда аралашганлик учун жиноий жавобгарлик масаласи кўриб чиқилиши каби моддалар билан бойитилиши лозим.

¹⁴⁰ Йўлдашев. М. Турсунов. Й. Молия ҳукуки.-Т.: Мехнат, 48-б.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

I. Рахбарий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил.: “Халқ сўзи”. [Электрон манбааа].
[URL: http://xs.uz/uz/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-irziyoevningolij-mazhlisga-murozhaatnomasi](http://xs.uz/uz/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-irziyoevningolij-mazhlisga-murozhaatnomasi).

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Банкларининг трансформация жараёнини жадаллаштириш бўйича йиғилиши”//06.07.2020. [Электрон манбааа]. URL: <https://review.uz/uz/post/shavkat-mirziyoyev-banklarining-transformaciya-jarayonini-jadallashtirish-boyicha-yigilish-otkazdi>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.М.Мирзиёевнинг “Банк тизимини ислоҳ қилиш ва банкларнинг инвестициявий фаолигини ошириш борасидаги устувор вазифаларга бағишлиланган йиғилиши”// 25.10.2019 йил. [Электрон манбааа]. URL: <https://qalampir.uz/uz/news/shavkat-mirziyeev-banklar-faoliyatiga-oid-yigilish-utkazdi-10095>

II. Халқаро-ҳуқуқий хужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 07.07.2008 йилдаги “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида” ги Қонуни // [Электрон манбааа]. URL: <https://lex.uz/docs/1369505>.

2. Convention on Combating Bribery of Foreign Public Officials in International Business Transactions and related documents. [Электрон манбааа]. URL: www.oecd.org/daf/anti-bribery/ConvCombatBribery_ENG.pdf.

3. Commentaries on the Convention on Combating Bribery of Foreign Public Officials In International Business Transactions. [Электрон манбааа]. URL: www.oecd.org/daf/anti-bribery/_ENG.pdf.

4. “ISO 37301:2021 Compliance management systems - Guidelines”// [Электрон манбаяа]. URL: <https://www.iso.org/standard/75080.html>
5. Anti-Corruption Policies and Program, A Framework for Evaluation, The World Bank Operations Evaluation Department Country Evaluation and Regional Relations Division, December – 2000.
6. The World Bank`s Anti – corruption Guidelines and Sanctions Reform (Actions for Borrowers & Other Recipients of loans to help prevent and combat corruption in bank financed Projects).
7. OECD, ACN Uzbekistan 4th Round Monitoring Report 2019. [Электрон манбаяа].URL:<https://www.oecd.org/corruption/acn/istanbulactionplancountryreports.html/pdf>.
8. Compliance, Integrity and Anti-Corruption Policy, Basel.pdf.
9. Базельский комитет по банковскому надзору//Руководство Принципы корпоративного управления для банков// [Электрон манбаяа].URL:
https://www.cbr.ru/Content/Document/File/36687/Basel_cgpb.pdf.
10. The role of bank supervisors in the fight against corruption. [Электрон манбаяа]. URL: <https://www.bis.org/>
11. Short brief on Anti-corruption mechanisms in the banking sector, 2015.pdf. [Электрон манбаяа]. URL: <https://knowledgehub.transparency.org/helpdesk/anti-corruption-mechanisms-in-the-banking-sector>.
12. “International Standards on Combating Money Laundering and the Financing of Terrorism & Proliferation” (PDF). October 2018. [Электрон манбаяа]. URL: fatf-gafi.org.
13. “Know Your Customer (KYC) Guidelines-Anti-Money-Laundering-Standards” [Электрон манбаяа]. URL: https://www.googleadservices.com/pagead/aclk?sa=L&ai=DChcSEwiMmZ_uuLfxAhUP1rIKHRt9BcgYABAAGgJscg&ae=2&ohost=www.google.com&cid=

[CAESQOD23Psk_C7IXeZteMJzZvHQ_nQtuXyy1TJDO9NQHwjFfb5NuQXWfu8e2og7zl4OHDPUras2gFRw2wagyOAY&sig=AOD64_3PT36i](https://www.wolfsberg-principles.com/sites/default/files/wb/pdfs/wolfsberg-standards/3.%20Wolfsberg-Group-ABC-Guidance-June-2017.pdf)

14. Wolfsberg Anti-Bribery and Corruption (ABC) Compliance Programme Guidance (The Wolfsberg Group 2017). [Электрон манбааа]. URL: <https://www.wolfsberg-principles.com/sites/default/files/wb/pdfs/wolfsberg-standards/3.%20Wolfsberg-Group-ABC-Guidance-June-2017.pdf>

III. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни// [Электрон манбааа]. URL: <https://lex.uz/docs/3088008>.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги 216-I-сонли Қонуни// [Электрон манбааа]. URL: <https://www.lex.uz/docs/4581969>.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” ги 154-I-сонли Қонуни// [Электрон манбааа]. URL: <https://lex.uz/ru/docs/-4590452>.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида” ги Қонуни// [Электрон манбааа]. URL: <https://lex.uz/docs/41760>.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ2752-сонли Қарори // [Электрон манбааа]. URL: <https://lex.uz/docs/3105125>.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.05.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони // [Электрон манбааа]. URL: <https://lex.uz/docs/4355387>.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармони// [Электрон манбааа].URL: <https://lex.uz/pdfs/4875784>.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017 — 2021 йилларда ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Ёшлини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ги ПФ-6155-сонли Фармони// [Электрон манбааа].URL: <https://lex.uz/docs/5260791>.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган ўзбекистон республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ги ПФ-5992-сонли Фармони// [Электрон манбааа].URL: <https://lex.uz/ru/docs/4811025>.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитлари ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”56-сон Қарори// [Электрон манбааа].URL: <https://lex.uz/docs/5266510>.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.02.2020 йилдаги 72-Ф-сонли Фармойиши//[Электрон манбааа].URL: <https://lex.uz/docs3308867>.

12. The Dodd–Frank Wall Street Reform and Consumer Protection Act 2010// As Amended Through P.L.115-61, Enacted 2010 [Электрон манбааа]. URL:<https://www.govinfo.gov>.

13. UK, Bribery Act of 2010// [Электрон манбааа]. URL: <http://www.legislation.gov.uk>.

14. France, Penal code of 2020// [Электрон манбaaa]. URL: https://www.legislationline.org/download/id/8546/file/France_CC_am012020_fr.pdf.

15. France, Monetary and Financial code of 2020// [Электрон манбaaa]. URL:

<https://www.antimoneylaundering.org/Document/Default.aspx?DocumentUid=695614ED-8F0E-426E-8B38-17ECBC19B9C0>.

IV. Монография, илмий мақола ва түпламлар:

1. The evolution of Banking over time Reviewed by Khadija Khartit// [Электрон манбaaa]. URL:

<https://www.investopedia.com/articles/07/banking.asp>.

2. Laura Vasilov, French Banking System: Organized and Reliable/Financial Insights// [Электрон манбaaa]. URL: <https://riskmagazine.nl/article/2019-10-29-french-banking-system-organized-and-reliable>.

3. Dr. Nguyen Duc Hanh, “Corruption in the banking sector: experiences, challenges, trends, solutions and recommendations”// [Электрон манбaaa]. URL: https://www.unafei.or.jp/publications/pdf/GG12/32_GG12_Appendix_SR_VietNam2.pdf.

4. Emil Moschella and Donna Boehme “The Private Sector as a Model for Government Compliance and Ethics Programs” 12 October 2010// [Электрон манбaaa]. URL: <http://compliancestrategists.com>.

5. Ашавский.Б, Международный кодекс поведения государственных должностных лиц// Чистые руки. 1999. №2.

6. Балыков.П.Н и другие “Организация психологической работы Антикоррупционной направленности в таможенных органах Российской Федерации” методические рекомендации. - СПБ, 2010.

7. Глазье.С.Ю, в О стратегии развития российской экономики/Научный доклад, -М.: ЦЕМИ РАН, 2001.

8. Дементьев.А.С, Проблемы борьбы с экономической преступностью и коррупцией. Н.Новгород, 1997.

9. Thorsten Beck, Asli Demirguc-Kunt, and Vojislav Maksimovic. The journal of finance. Financial and Legal Constraints to Growth: Does Firm Size Matter? february 2005.

10. Dinc, S, Politicians and banks: political influences on government-owned banks in emerging markets. Journal of Financial Economics 77, 453–479.

11. Freixas, X., Rochet Ch, J, Microeconomics of Banking. MIT Press.

12. Tom Tyler “Compliance with the Law in Slovenia: The Role of Procedural Justice and Police Legitimacy” June 2014; [Электрон манбааа].URL: <https://www.researchgate.net>.

V. Диссертация ва авторефератлар:

1. Баранов.В.М, Теневое право. Н. Новгород, 2002.

2. Ильин.О.С, Хроника прохождения законопроекта «О борьбе с коррупцией». // Коррупция и борьба с ней. М, 2000.

3. Wheelock, D. Deposit insurance and bank failures: new evidence from the 1920s. Economic Inquiry 30, 530–543.

4. M.I. Azim, R. Kluvers Resisting corruption in Grameen Bank J. Bus. Ethics, 156 (3) (2019), pp. 591-604// [Электрон манбааа]. URL: <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1544612319311730#bbib0008>

5. P. Bagus, D. Howden The legitimacy of loan maturity mismatching: a risky, but not fraudulent, undertaking J. Bus. Ethics, 90 (3) (2009), pp. 399-406// [Электрон манбааа]. URL: <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1544612319311730#bbib0009>

6. T. Beck, A. Demirguc-Kunt, R. Levine Bank supervision and corruption in lending J.Monetary Econ., 53 (8) (2006), pp. 2131-2163// [Электрон манбааа].

URL:<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1544612319311730#bbib0015>

7. A. Boudriga, N.B. Taktak, S. Jellouli Banking supervision and nonperforming loans: a cross-country analysis J.Financ. Econ. Policy, 1 (4) (2009), pp. 286-318 [Электрон манбаяа]. URL: <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1544612319311730#bbib001>

8. M. Chen, B.N. Jeon, R. Wang, J. Wu Corruption and bank risk-taking: evidence from emerging economies Emerg. Markets Rev., 24 (2015), pp. 122-148// [Электрон манбаяа]. URL: <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1544612319311730#bbib002>

VI. Фойдаланилган бошқа адабиётлар:

1. French banking system, [Электрон манбаяа]. URL: <https://riskmagazine.nl/article/2019-10-29-french-banking-system-organized-and-reliable>.

2. Overview of the legal and institutional framework of France in the context of implementation of the United Nations Convention against Corruption.

3. Practical Guide to Implementing an Anti-Bribery and Corruption (ABC) Program.

4. BPCE Group, Code of conduct, [Электрон манбаяа]. URL: <https://cdn-pays.bnpparibas.com/wp-content/blogs.dir/119/files/2019/12/France-CODE-OF-CONDUCT>.

5. Code de conduite et d'éthique du Groupe BPCE. [Электрон манбаяа]. URL: <https://groupebpce.com/en/all-the-latest-news/news/2019/a-code-of-conduct-and-ethics-for-groupe-bpce-staff>.

6. Banking regulation in Germany: overview by Hendrik Haag and Jan Letto Steffen, Hengeler Mueller. Code of Conduct_ August 2018_ Deutsche Bundesbank.

VII. Интернет манбаалари:

1. <https://www.unodc.org/>
2. <https://baselgovernance.org/>
3. <https://www.bis.org/bcbs/publ/d328.htm>
4. <https://www.fatf-gafi.org/>
5. <https://www.transparency.org/en>
6. <https://www.oecd.org/>
7. <https://www.wolfsberg-principles.com/>
8. <https://www.traceinternational.org/trace-matrix>
9. <https://www.state.gov/2020-international-narcotics-control-strategy-report/>
10. <https://www.worldbank.org/en/home>

Иловалар

1-Илова

Намунавий лойиҳа (1)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИН
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ
БЕЛГИЛАШ ТҮҒРИСИДА**

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил сана__, ой
рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами__]**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки
тўғрисида”ги ҳамда, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикасининг тиҷорат банкларида коррупцияга қарши давлат
сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш тўғрисида қарор иловага мувофиқ
тасдиқлансан.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан
ўтказилган кундан ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

Марказий банк раиси М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13-декабр,
/ -сон

Ўзбекистон Республикаси Марказий
банки Бошқарувининг 2021 йил __-
/ -сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Ўзбекистон Республикасининг банк тизимида коррупцияга қарши

СИЁСАТИ

Ушбу Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси банк тизимида коррупцияга қарши сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб беради.

I. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Сиёсат асосий Ўзбекистон Республикасининг банк тизимида (кейинги ўринларда банк тизимида) коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсадларини, вазифаларини ва принципларни белгилайди

1.2. Сиёсат комплаенс назорат тизимининг бир қисми бўлиб, банкларда коррупциянинг (коррупциявий хавф-хатарларни) олдини олиш учун бошқарув ва ташкилий асосларни яратади ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг оқибатларини камайтиришга ёки йўқ қилиш чораларини кўришда асос бўлиб хизмат қиласди.

1.3. Сиёсат Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик тизими қоидалари, халқаро қонунчилик талаблари ва илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

1.4. Сиёсат, банк ходимларидан, уларнинг банкдаги мавқеидан қатъи назар, ушбу сиёсатда белгиланган талабларга, ахлоқий тамойилларга, шу жумладан, банк ходимининг касб одоб-ахлоқи кодексида белгиланган қоидаларга риоя этилишини талаб қиласди.

1.5. Сиёсат Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички қоидаларни ишлаб чиқиш учун асосдир.

II. Коррупцияга қарши кураш тизимининг мақсад ва вазифалари

2.1. Ушбу Сиёсат Банк ходимларининг ноқонуний, ахлоқсиз, қонунга хилоф хатти-харакатларини аниқлаш, олдини олиш ва камайтириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қоидалар миллий қонунчилик ва халқаро талаблардан келиб чиқиб, банкнинг барча ходимлари ва менежерлари орасида коррупциявий ҳаракатларнинг моҳияти, уларнинг шакллари ва намоён бўлиши тўғрисида ягона тушунчани шакллантиришга қаратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси банк тизимида коррупциявий хавфларни олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

2.2. Банкдаги коррупцияга қарши кураш тизимининг асосий вазифалари:

- банкда коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва қоидаларини белгилаш;
- коррупцияга қарши курашувчи банк ходимларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, шунингдек, коррупцияни олдини олишга қаратилган самарали механизмлар, процедуралар, назорат ва бошқа чораларни яратиш;
- коррупциянинг барча кўринишларига, шу жумладан банк ходимлари, учинчи шахслар ўртасида коррупцияга қарши хатти-харакатларнинг ягона стандартига нисбатан ахлоқий хатти-харакатлар маданиятини шакллантириш;

- коррупцияга қарши кураш тамойилларини банк фаолиятининг барча даражаларида стратегик ва тезкор бошқарув асосларига киритиш;
- банк ходимлари, мижозлар, контрагентлар, акциядорлар, инвесторлар ва бошқа шахслар ўртасида ушбу Сиёсат тамойиллари тўғрисида умумий тушунчани шакллантириш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ва коррупцияга қарши курашиш бўйича кўрилган чоралар тўғрисида банк бошқарув органлари ва жамоатчиликни хабардор қилиш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларини қўллаш.

III. Асосий тушунчалар

Ушбу Сиёсатда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

мижоз - банк томонидан хизмат кўрсатиладиган жисмоний ёки юридик шахс.

контрагент - банк билан тузилган шартномавий ҳуқуқий муносабат тарафи.

банк ходими - банк билан меҳнат муносабатларига кирган ҳар қандай жисмоний шахс.

коррупция - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равища фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равища тақдим этиш.

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик - коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун хужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

манфаатлар тўқнашуви - шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва конуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият¹⁴¹.

банк-молия соҳасида коррупция – Банклар томонидан амалга ошириладиган молиявий операциялар¹⁴²(пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш, тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобваракларини очмасдан амалга ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобваракларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобваракларини очиш ҳамда юритиш, кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан бериш, чет ел валютаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операциялар, жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича мол-мулкни ишончли бошқариш..,) фаолиятида юзага келадиган, банк ходимларининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга

¹⁴¹[Электрон манба]. URL: <https://www.lex.uz/docs/-3088008?otherlang=1>

¹⁴² Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги 216-I-сонли Конуни, 5-модда.

хилоф равища фойдаланиши, мансаб лавозимини сустеъмол қилиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равища тақдим этиш, ўтказиш хисобланади.

банк-молия соҳасидаги коррупциявий ҳавф-хатарлар – банк-молия ташкилотларининг ходимлари фаолият жараёнида юзага келадиган, коррупцияга оид ҳукуқбузарликни содир этиш имкониятини яратадиган сабаблар, шароитлар, ҳолатлар, омиллар ва ҳаракатлар.

коррупцияга оид ҳукуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашган шахслар - фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг ёхуд давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчиси.

коррупцияга қарши курашишда фаол иштирок этиш - тайёргарлик кўрилаётган, содир этилаётган ёки содир этилган коррупцияга оид ҳукуқбузарлик ҳақида хабар бериш ёхуд коррупцияга оид жиноятларни содир этганлиги учун қонун хужжатларига мувофиқ қидирав эълон қилинган шахсларни топишида ёрдам кўрсатиш.

коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашиш - коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш ва уни фош этишда аҳамиятга эга бўлган далиллар ҳақида ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш ёки бундай тоифадаги жиноятларни тергов қилиш ёхуд тезкор-қидирав тадбирларини ўтказишида бевосита қўмаклашиш.

IV. Коррупциявий ҳаракатлар

4.1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва халқаро стандартларга асосан, банкка нисбатан, банк номидан ёки унинг манфаатлари учун учинчи шахсларга нисбатан, шу жумладан давлат ташкилотлари ва органларига, банк ходимлари, бошқа юридик ташкилотлар ёки уларнинг вакиллари;

тўғридан тўғри ёки билвосита;

шахсан ёки учинчи шахсларнинг воситачилигида;

мақсадидан қатъи назар, хусусан, маъмурий, бюрократик ва бошқа расмиятчиликларни соддалаштириш мақсадида афзалликлар билан таъминлаш шу билан бирга, пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар, бошқа мол-мулк ёки мулкий хусусиятга эга бўлган буюмлар, хизматларни, бошқа мулкий ҳукуқларни олиш, тақдим этиш ёки олиш беришда воситачилик қилиш коррупциявий ҳаракатлар деб баҳоланади.

4.2. 4.1-бандда кўрсатилган қоидалар банк ходимлари томонидан ҳар қандай шаклда амалга ошириш қатъиян ман этилади.

V. Банк тизимида коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари

5.1. Коррупцияга қарши курашишда банк ва банк ходимларининг асосий фаолият йўналишлари қўйидагиларда ифодаланади:

- коррупциянинг ҳар қандай шаклига тоқат қилмаслик;
- коррупцияга қарши курашиш соҳасида корпоратив ва ижтимоий жавобгарликни шакллантириш;
- коррупцияга оид ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш;
- коррупцияга қарши курашиш - коррупцияга оид ҳукуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш, фош этиш ва комплаенс назорат ходимларига топшириш;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни камайтириш ёки йўқ қилиш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш.

5.2. Коррупция хавфини самарали аниқлаш, баҳолаш ва камайтириш учун банк қуйидаги асосий чораларни амалга ошириши лозим:

- банк ҳодимларининг мол-мулк ва даромадлар декларациясининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиш;
- банк мансабдор шахслари ва бошқарув лавозимларига номзодлар учун қонуний равища белгиланган ёки меҳнат шартномалари талабларини очиқлаш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этилиши билан бўғлиқ ҳар қандай маълумотларни баҳолаш ва қайта ишлаш;
- совғалар ва кўнгилочар тадбирлар билан ишлаш қоидаларини белгилаш;
- манфаатлар тўқнашуви, шу жумладан потенциал зиддиятларнинг олдини олиш мақсадида маълумотларни ошкор қилиш ва уларни баҳолаш тартибини белгилаш;
- банк томонидан амалга ошириладиган барча тўловларни тўлиқ ва ишончли ҳисобга олиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш;
- банкнинг контрагентларини баҳолаш, таҳлил қилиш ва танлаш тартибларини ҳамда улар билан ўзаро ҳамкорлик қоидаларини белгилаш;
- банкнинг ички меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий-маъмурий ҳужжатлари ва режалаштирилган шартномалар бўйича коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш;
- банкнинг барча ҳодимларига ушбу Сиёсатда белгиланган қоидалар ва талабларини ўтказиш;
- ҳодимлардан коррупцияга қарши мажбурий кўриклар ўтказиш ҳамда коррупцияга қарши кураш сиёсатининг асосий қоидаларини билиш ва тушуниш билан боғлиқ синовдан ўтказиш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш;
- банк фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини (банк сири билан боғлиқ маълумотларни тарқатиш билан боғлиқ чекловлар ҳисобга олинган ҳолда) таъминлаш;
- банк ҳодими томонидан коррупцияга қарши курашишда кўрсатилган ҳар қандай ҳаракатлар банк бошқаруви томонидан мукофотлаш ва рағбатлантириш чораларини кўриш;
- ҳодимларнинг лавозимларини оширишда ёки бир мансабдан иккинчи мансабга тайинлашда комплаенс назорат тизимининг қоидалари, ахлоқий меъёрларга содиклиги, ўз вазифаларини узоқ муддатли, бенуқсон, самарали амалга оширганлигини ҳисобга олиш лозим.

VI. Якунловчи қоидалар

6.1. Ушбу Сиёсат Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ёки амалдаги халқаро қонунчиликда ўзгаришлар юз берган тақдирда, ўзgartириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

6.2. Агар ушбу Сиёсатнинг айрим қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги қоидалари қўлланилади.

6.3. Банклар ўзларининг расмий веб-саҳифаларида ушбу Сиёсат қоидаларини жойлаштириш орқали, коррупцияга қарши тоқатсиз муносабатда эканликларини кўрсатишлари лозим.

6.4. Банклар ушбу Сиёсат тамойиллари ва талабларини барча ходимлари томонидан риоя этилишини таъминлайди ва рафбатлантириш чораларини кўради ва шу орқали контрагентлар, банк ходимлари ва бошқа учинчи шахслар ўргасида коррупцияга қарши хукуқий маданият даражасининг ошишига кўмаклашади.

6.5. Банк ўзаро келишув принципи асосида коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат ва назорат органлари, шунингдек, банк аъзоси бўлган жамият ва уюшмалар билан кўйидаги мақсадларда ҳамкорлик қиласди:

- коррупциявий хукуқбузарликларни содир этганлиқда гумон қилинаётган (айбланувчи) шахсларни аниқлаш, уларнинг турган жойи, шунингдек коррупцияга оид хукуқбузарликларга алоқадор бошқа шахсларнинг яшаш жойлари;
- коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этиш натижасида олинган ёки уларни содир этиш воситаси сифатида хизмат қилган мол-мулкни аниқлаш;
- коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича маълумот алмашиш;
- коррупциянинг олдини олиш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича тадбирларни мувофиқлаштириш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАНК ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ СИЁСАТИНИНГ ТЕЗИС ШАКЛИДАГИ КОНЦЕПЦИЯСИ

УШБУ НАМУНАВИЙ СИЁСАТНИНГ ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИДАН МАҚСАД
банк соҳасида коррупцияни олдини олишга қаратилган давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб олиш ҳамда соҳада коррупцияга қарши самарали курашишдан иборат.

СИЁСАТДАН КУТИЛАЁТГАН НАТИЖА

ушбу хужжат тавсиявий характерга эга бўлиб, хужжатда келтирилган вазифаларни амалга ошириш, банкларнинг иш самарадорлигини оширишга, ахолининг банкка ишончини қайтаришига, маблағлар тўғри сарфланишига ҳамда халқаро банклардан узоқ йиллик, кам фоизлик кредитлар, ссудалар олинишини кафолатлади.

АСОСЛАНТИРИШ

Бу каби сиёсатлар Грузия давлатининг Bank of Georgia банки, Туркия давлатининг АКБАНК Т.А.Ş банклари, Россиянинг Сбербанки, Франция давлатларининг BNP Paribas каби банклари томонидан қабул қилинган бўлиб, тижорат ва ҳудудий тармоқлар учун коррупцияга қарши курашишда даструламал бўлиб хизмат қиляпти.

2-Илова
Лойиха (2)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИ
“БАНКЛАР ВА БАНК ФАОЛИЯТИ ТҮҒРИСИДА”ГИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ
ХАҚИДА**

Қонунчилик палатаси томонидан
йил - қабул қилинган

Сенат томонидан йил - ____ да
маъқўлланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган “Банклар ва банк фаолияти түғрисида”ги 216-И-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 54-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 491-модда, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда, № 9, 337-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2013 йил № 4, 98-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 10, 670-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, ___.20__ й., __/_/_/-сон), ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсан:

1) Қонун 4¹-боб билан тўлдирилсан:

“4¹-боб. Банк соҳасида коррупция қарши курашиш

37-модда. Коррупцияга оид хуқуқбузарликлар учун жавобгарлик

Банк соҳасида коррупцияга оид хуқуқбузарликлар содир этганлик қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Коррупцияга оид хуқуқбузарлик содир этган шахслар суднинг қарорига кўра муайян хуқуқлардан, шу жумладан муайян лавозимларни эгаллаш хуқуқидан қонунга мувофиқ маҳрум этилиши мумкин.

Юридик шахслар коррупцияга оид хуқуқбузарликларни содир этганлик учун қонунда белгилangan тартибда жавобгар бўлади.

38-модда. Коррупциянинг олдини олиш чоралари, банк ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилмаслиги

Банклар банкнинг сайланадиган органлари аъзолари ва ходимлари томонидан риоя этилиши мажбурий бўлган:

коррупциянинг олдини олиш бўйича чораларни;

одоб-ахлоқ қоидаларини;

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш сиёсатини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади.

Банкка ёки банкнинг назорати остидаги юридик шахсга алоқадор бўлган шубҳали фаолият, фирибгарлик ёхуд суиистъомлликлар тўғрисида хабар қилган банк кузатув кэнгashi, бошқаруви аъзосининг ёки ходимининг шахси ошкор қилинmasлиги керак

39-модда. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берётган шахсларни ҳимоя қилиш

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берётган шахслар банк ҳимоясида бўлади.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берётган шахсларни таъкиб этиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ушбу модданинг қоидалари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида била туриб ёлғон ахборот берган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди, улар қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

40-модда. Банк соҳасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этишга доир чора-тадбирлар

Банк ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, банк ходимлари ўзининг бевосита раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

Банк ташкилотларининг коррупцияга қарши комплаенс тизимларининг ходимлари ёки одоб комиссиялари манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга оширади.

Банкларининг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш талаблари бузилишига йўл қўйган ходимлари, шунингдек уларнинг раҳбарлари қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

41-модда. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ёки ўзгартириш

Соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорлар манфаатдор шахснинг аризасига кўра комплаенс назорат ходими ёки юқори турувчи мансабдор шахс томонидан томонидан бекор қилиниши ёхуд ўзгартирилиши ёки суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги натижасида қабул қилинган қарор бекор қилинган, ўзгартирилган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, унинг қабул қилиниши натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрни қонун хужжатларида белгиланган тартибда қопланиши лозим.

42-модда. Коррупциявий жиноят содир этган шахсларнинг банк бошқаруви лавозимига тайинланишига йўл қўйилмаслиги

коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этган ҳар қандай шахснинг банк бошқаруви лавозимига сайланиши, тайинланиши, тақиқланади”.

43-модда. Ахборот олиш

Ҳар ким банкларнинг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши тўғрисида, шу шахснинг ўзига ёки шахслар гурухига тааллуқли бўлган ҳужжатларнинг қабул қилиниш жараёнлари ҳақида ахборот олиш ҳукуқига эга.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

**3-Илова
Лойиҳа (3)**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИ
“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг МАРКАЗИЙ БАНКИ
ТҮҒРИСИДА”ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ
ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

Қонунчилик палатаси томонидан
йил - қабул қилинган

Сенат томонидан йил - ____ да
маъқўлланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21-декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки түғрисида”ги 154-Исонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 247-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 496-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда, № 9, 330, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, _____.20____ й., ____/-сон) қуидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 20-модда, биринчи қисминин диспозициясидаги “Марказий банкнинг пул-кредит операциялари бўйича фоиз ставкаларини, шу жумладан қайта молиялаштириш ставкасини ва (ёки) асосий ставкани, мажбурий захира талабларининг миқдорларини (мажбурий захиралар нормативларини, мажбурий захираларни ўртачалаш коеффициентини) ва бериладиган кредитларга доир таъминот турларининг рўйхатини белгилайди” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

4-Илова

Лойиҳа (4)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИ
БАНК СИРИ ТҮҒРИСИДА**

Қонунчилик палатаси томонидан
йил - қабул қилинган

Сенат томонидан йил - да
маъқўлланган

1-модда. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003-й., 9-10-сон, 144-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2005-й., 37-38-сон, 280-модда; 2009-й., 39-сон, 423-модда; 2012-й., 15-сон, 163-модда; 2016-й., 17-сон, 173-модда; 2017-й., 37-сон, 978-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019-й., 03/19/516/2484-сон, ___.20__ й., ___/___-сон) қуидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 8-модданинг 3-қисми “Ҳисоб палатаси” сўзидан кейин “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги” сўзи билан тўлдирилсин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

**БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИДА МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИ ОЛДИНИ
ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ БҮЙИЧА
ТАВСИЯВИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

1. Умумий қоидалар

Соҳада манфаатлар түқнашувини бошқаришнинг асосий мақсад ва вазифалари, манфаатлар түқнашувини бошқаришнинг тамойиллари, ушбу сиёсатни амалга оширувчи шахсларнинг вазифалари, функциялари, ваколатлари ва мажбуриятлари, манфаатлар түқнашуви тушунчаси, ушбу хужжат учун асос бўладиган хужжатлар (Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Европа Иттифоқининг “Молиявий воситалар бозорлари тўғрисида” - МиФИД директиваси), банклар томонидан ушбу хужжатни ижро механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қоидалар ва.х.к.

2. Манфаатлар түқнашувини бошқаришда юзага келиши мумкин бўлган хатарлар

Улар қуидагилардан иборат бўлиши мумкин: вужудга келиши мумкин бўлган манфаатлар түқнашувини эътиборсиз қолдириш билан боғлиқ обрў-эътибор хавфи, банк-молия ходимларининг амалга оширилган операцияларнинг қонунийлигига шубҳа туғдирган пайтдаги мижозга этиши мумкин бўлган юридик хавф оқибати, манфаатлар түқнашувини бошқариш тартиб-қоидаларини тартибга солувчи бошқа ички қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ операцион хавф ва.х.к.

3. Манфаатлар түқнашувининг турлари

1) мижоз ва банк-молия ходимлари ўртасида, 2) мижозлар ва манфаатлар түқнашувини олдини олиш борасидаги мансабдор шахс ўртасида, 3) банк-молия ходимлари ва манфаатлар түқнашувини олдини олиш борасидаги мансабдор шахс ўртасида...

Тегишли чоралар кўрилмаган манфаатлар түқнашувининг тахмин қилинган кўринишининг мавжудлиги (ёки бундай түқнашувнинг аниқ мавжудлиги) банк обрў-эътиборини ходимлар ва бошқа шахслар (мижозлар, акциядорлар, контрагентлар, давлат органлари ва ташкилотлари, касаба уюшмалари ва профессионал уюшмалар, қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари) олдида қадрсизланишига олиб келади.

4. Манфаатлар түқнашувини олдини олишнинг умумий тамойиллари

1. Банк ва молия ташкилотлари мижозларнинг манфаатларини биринчи ўринга, ташкилот манфаатларини иккинчи ўринга, ходимларнинг шахсий манфаатларини эса учинчи ўринга қўядилар.

2. Банк ва молия ташкилотлари ўз мижозлари билан муносабатга киришаётганда адолатли муносабатда бўлишни таъминлашлари лозим. Банк ходимлари мижозлар билан муносабатга киришаётгандарида манфаатлар түқнашуви юз берган ҳар қандай ҳолатда

юкори турувчи менежерга ушбу ҳолат ҳақида хабар берилсіларі лозим. Ҳар қандай ҳолатда ходимлар миңоз манфаати учун хизмат қилишларі лозим.

3. Банк ва молия ташкилотлари ходимлари томонидан функционал вазифалари доирасыда бажарыладиган ҳолатларда манбаатлар түқнашуви юз берса ҳамда ташкилот манбаатларига зарап етказмаса ўз вазифаларини амалға ошириши мүмкін.

4. Ходим ва банк үртасыда манбаатлар түқнашуви юзага келадиган ҳолатда, агарда уни олдини олишнинг муқобил йўли мавжуд бўлмаса ҳар қандай ҳолатда банкнинг манбаатлари устун туради...

5. Манбаатлар түқнашувини бошқариш жараёни субъектларининг вазифалари ва функциялари

Банк Кузатув кэнгашининг **ваколатлари**:

- ушбу ҳужжатни тасдиқлайди;
- манбаатлар түқнашувини бошқариш соҳасидаги жараён ва кўрилган чоралар устидан умумий назоратни амалға оширади.

Назоратни амалға оширувчи субъект:

- банк фаолиятининг қонуний талабларга мувофиқлиги, манбаатлар түқнашувини бошқариш учун зарур бўлган тизимлар, назорат процедураларни ташкил этиш орқали қонуний талабларга мувофиқлигини таъминлаш учун жавобгардир;
- манбаатлар түқнашувини бошқариш тизимидағи бошқа ижро этувчи органлар томонидан муаммоларнинг самарали ва тезкор ҳал қилинишини таъминлашни ўз ичига олган ҳолда, ушбу ҳужжаттага риоя этилишини назорат қиласи;
- ўз ваколати доирасыда касбий ахлоқ қоидалари ва иш юритишнинг ахлоқий меъёрларига асосланиб манбаатлар түқнашуви соҳасидаги масалаларни кўриб чиқади;
- манбаатлар түқнашувини бошқариш тизими доирасида мухим масалалар ва доимий фаолият бўйича қарорлар қабул қиласи;
- манбаатлар түқнашувини бошқариш соҳасидаги ишлар тўғрисидаги хисоботларни кўриб чиқади;
- манбаатлар түқнашувини бошқариш масалаларини ҳал этади, тасдиқлаш Банк Кузатув кэнгashi ваколатига кирадиган ҳужжатлар бундан мустасно.

6. Манбаатлар түқнашувини олдини олишда эътибор бериладиган ҳолатлар

- 1) манбаатлар түқнашувига олиб келган маълумотларга кириш; 2) қарор қабул қилишдаги тўсиқлар: вазифалар, ваколатларни тақсимлашда; 3) ахборот назорати; 4) жисмоний тўсиқлар; 5) “револвинг доор” масалаларига эътибор бериш ва ушбу маълумотлардан фойдаланиш; 6) манбаатлар түқнашуви ҳолатига олиб келган бизнес ҳолати.

7. Яқунловчи қоидалар

Ушбу ҳужжатнинг айрим қоидалари амалдаги қонунчиликка зид келадиган бўлса, амалдаги қонунчилик қоидалари қўлланилади.

Агар ушбу Ҳужжатнинг айрим қоидалари урф-одатлар, ахлоқ-одоб қоидаларига зид келса ушбу ҳужжат қоидаларининг устунлиги тан олинади.

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти, Марказий банки, Банк сири тўғрисида қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги қонун лойиҳаси ва амалдаги қонун хужжатларинин

ҚИЁСИЙ ЖАДВАЛИ

№	Амалдаги таҳрир	Таклиф қилинаётган норма	Асос
Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун			
	Тўлдирилмоқда	<p>“41-боб. Банк соҳасида коррупция қарши курашиш</p> <p>37-модда. Коррупцияга оид хуқуқбузарликлар учун жавобгарлик</p> <p>Банк соҳасида коррупцияга оид хуқуқбузарликлар содир этганлик қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.</p> <p>Коррупцияга оид хуқуқбузарлик содир этган шахслар суднинг қарорига кўра муайян хуқуқлардан, шу жумладан муайян лавозимларни эгаллаш хуқуқидан қонунга мувофиқ маҳрум этилиши мумкин.</p> <p>Юридик шахслар коррупцияга оид хуқуқбузарликларни содир этганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.</p> <p>38-модда. Коррупциянинг олдини олиш чоралари, банк ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилмаслиги</p> <p>Банклар банкнинг сайланадиган органлари аъзолари</p>	<p>Қонунга ушбу бобнинг киритилишидан мақсад соҳада коррупцияни олдини олиш борасидаги аниқ вазифалар белгиланмаган бўлиб, кўп йиллардан бўён коррупцияни олдини олиш билан боғлиқ давлат ресурсларини нотўғри сарфланиши кузатилмоқда. Сабаби ушбу соҳадаги коррупция ва унинг турлари, коррупциявий хавф-хатар, манфаатлар тўқнашуви, комплаенс назорат тизими, коррупция ҳакида хабар берувчи шахсларнинг хуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган хуқуқий асосларнинг йўқлиги эди. Бундан ташқари, таклиф этилаётган бобимизнинг моддаларини халқаро ҳамжамият ҳам қўллаб-қувватлайди. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Глобал шартномасига кўра, бизнес ташкилотлари коррупция ва порахўрликка қарши курашиши кераклигини таъкидлайди. Унга кўра: биринчи қадам сифатида, ички фаолиятида коррупцияга қарши норматив-хуқуқий база, сиёsat ва дастурларни қабул қилиш кераклигини кўрсатиб ўтади¹⁴³. Transparency International ва Базель тадқиқотлар институт томонидан ишлаб чиқилган “Порахўрликка қарши бизнес принциплари қўлланмасида”</p>

¹⁴³ [Электрон манба]. URL: <https://www.unglobalcompact.org/what-is-gc/mission/principles/principle-10>

	<p>ва ходимлари томонидан риоя этилиши мажбурий бўлган:</p> <p>коррупциянинг олдини олиш бўйича чораларни;</p> <p>одоб-ахлоқ қоидаларини;</p> <p>манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш сиёсатини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади.</p> <p>Банкка ёки банкнинг назорати остидаги юридик шахсга алоқадор бўлган шубҳали фаолият, фирибгарлик ёхуд суиистеъмолликлар тўғрисида хабар қилган банк кузатув кўнгаси, бошқаруви аъзосининг ёки ходимининг шахси ошкор қилинмаслиги керак</p> <p>39-модда. Коррупцияга оид хуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берётган шахсларни ҳимоя қилиш</p> <p>Коррупцияга оид хуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берётган шахслар банк ҳимоясида бўлади.</p> <p>Коррупцияга оид хуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берётган шахсларни таъқиб этиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.</p> <p>Ушбу модданинг қоидалари коррупцияга оид хуқуқбузарликлар тўғрисида била туриб ёлғон ахборот берган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди, улар қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.</p>	<p>бизнес интийтлари коррупция ва порахўрликка қарши курашишда шаффофликни таъминлаш мақсадида аниқ чорлар кўриши кераклиги¹⁴⁴, ГИАС¹⁴⁵нинг (коррупцияга қарши курашишда ҳукуматлар ва давлат улуши мавжуд бўлган ташкилотларга ёрдам беришга мўлжалланган“Ҳамдўстликнинг Коррупцияга қарши кураш мезонлари”¹⁴⁶деб номланган кўлланмасида) коррупцияга қарши самарали курашиш учун унинг асл мазмун-моҳиятини очиб берувчи моддий нормалар тизими мавжуд бўлиши лозим-деб таъкидлаши ҳамда АҚШ жиноят кодексининг 214-моддасида Федерал захира банкининг кредитларини сотиб олишда порахўрлик ҳолатларини алоҳида модда сифатида киритилиши ушбу боб киритилиши учун асос бўлиб хизмат қиласи¹⁴⁷.</p>
--	---	---

¹⁴⁴ [Электрон манба]. URL: <https://www.transparency.org/en/publications/business-principles-for-countering-bribery>

¹⁴⁵ Global Infrastructure Anti-Corruption Center – xalqaro notijorat tashkilot.

¹⁴⁶ [Электрон манба]. URL: <https://giaccentre.org/commonwealth-benchmarks/>

¹⁴⁷ [Электрон манба]. URL: <https://www.law.cornell.edu/uscode/text/18>

	<p>40-модда. Банк соҳасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этишга доир чора-тадбирлар</p> <p>Банк ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.</p> <p>Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, банк ходимлари ўзининг бевосита раҳбарини дархол хабардор қилиши керак. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт.</p> <p>Банк ташкилотларининг коррупцияга қарши комплаенс тизимларининг ходимлари ёки одоб комиссиялари манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга оширади.</p> <p>Банкларининг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш талаблари бузилишига йўл қўйган ходимлари, шунингдек уларнинг раҳбарлари қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.</p> <p>41-модда. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ёки ўзгартириш</p> <p>Соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорлар</p>
--	--

	<p>манфаатдор шахснинг аризасига кўра комплаенс назорат ходими ёки юқори турувчи мансабдор шахс томонидан томонидан бекор қилиниши ёхуд ўзгартирилиши ёки суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.</p> <p>Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги натижасида қабул қилинган қарор бекор қилинган, ўзгартирилган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, унинг қабул қилиниши натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган заарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши лозим.</p> <p>42-модда. Коррупциявий жиноят содир этган шахсларнинг банк бошқаруви лавозимига тайинланишига йўл қўйилмаслиги</p> <p>коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этган ҳар қандай шахснинг банк бошқаруви лавозимига сайланиши, тайинланиши, тақиқланади”.</p> <p>43-модда. Ахборот олиш</p> <p>Ҳар ким банкларнинг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши тўғрисида, шу шахснинг ўзига ёки шахслар гуруҳига тааллуқли бўлган ҳужжатларнинг қабул қилиниш жараёнлари ҳақида ахборот олиш ҳуқуқига эга.</p>	
--	---	--

Марказий банк тўғрисидаги қонун

20-модда. Марказий банк бошқарувининг ваколатлари	20-модда. Марказий банк бошқарувининг ваколатлари Марказий банк бошқаруви:	Bугунги кунда асосий муаммо сифатида Марказий банкнинг ушбу ҳуқуқлари аҳоли даромадларига номувофиқ равишда кредит фоиз
--	---	---

<p>Марказий банк бошқаруви:</p> <p>пул-кредит сиёсатининг асосий параметрларини, шу жумладан ликвидлиликни бериш ва олиб қўйиш бўйича Марказий банк операцияларининг ҳажмлари, лимитлари ва нормативларини белгилайди..,</p> <p>пул-кредит операциялари бўйича фоиз ставкаларини, шу жумладан қайта молиялаштириш ставкасини ва (ёки) асосий ставкани, мажбурий захира талабларининг миқдорларини (мажбурий захиралар нормативларини, мажбурий захираларни ўртачалаш коеффициентини) ва бериладиган кредитларга доир таъминот турларининг рўйхатини белгилайди..,</p>	<p>пул-кредит сиёсатининг асосий параметрларини, шу жумладан ликвидлиликни бериш ва олиб қўйиш бўйича Марказий банк операцияларининг ҳажмлари, лимитлари ва нормативларини белгилайди..,</p>	<p>ставкаларини ўсишига асосий омил сифатида қаралади. Бу каби муаммолар аҳолини кредит олишга бўлган хукуқларини қисман чеклашга ва коррупциянинг баъзи кўринишларини содир этилишига замин яратишини юқорида ҳам таъкидлаб ўтган эдик. Бундан ташқари, илғор хорижий давлатлар тажрибасидан, рмания Федератив Республикасида ҳам банкнинг пул-кредит операциялари бўйича фоиз ставкаларини ўрнатиш устидан хукumat назорати 1967 йилда олиб ташланганидан сўнг, кредит фоизлари барқарорлашади. Ҳозирги кунга келиб банклар ўзлари учун ўзлари фоиз ставкасини белгилайди¹⁴⁸.</p>
---	--	--

Банк сири тўғрисида қонун

<p>8-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиш</p> <p>3-қисм</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти банк сирини ташкил</p>	<p>8-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиш</p> <p>3-қисм</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти банк сирини ташкил</p>	<p>БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 40-моддасида, конвенцияга аъзо давлатлар учун коррупсияга қарши курашиш фаолиятида банк сири билан боғлиқ норматив-хукукий хужжатларни қўллаш бўйича юзага келадиган тўсиқларни бартараф этиш механизмларини яратиши лозимлиги белгиланган, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Таракқиёт ташкилотининг</p>
---	--	---

¹⁴⁸ [Электрон манба]. URL: <https://www.bundesbank.de/en/statistics/money-and-capital-markets/interest-rates-and-yields/interest-rates-on-deposits-and-loans/interest-rates-on-deposits-and-loans-793626>

	<p>жиноятларга қарши курашиш департаменти банк сирини ташкил этувчи маълумотларни, агар бу маълумотлар уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириши учун зарур бўлса, олишга ҳақлидир.</p>	<p>этувчи маълумотларни, агар бу маълумотлар уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириши учун зарур бўлса, олишга ҳақлидир.</p>	<p>Итанбул ҳаракатлар режаси 4-раунд доирасида банклар томонидан қилиниши лозим бўлган ҳаракатлар режаси куйидагилардан иборат:</p> <p>1) 39-тавсиянинг 2-қисмида, тергов ташкилотларига бенефициар мулкдорни аниқлаш учун банк мижозларининг хисоб қайдномасига тўлиқ кириш имкониятини яратиш зарурлиги тўғрисида бундан ташқари, Европа комиссиясининг “коррупцияга қарши конвенцияси” 23-моддасининг 3-қисмига қўра, тергов жараёнида банк сири билан боғлиқ барча тўсиклар бартараф этилиши кераклиги, Банк назорати бўйича Базель стандартларидан “Электрон банк иши бўйича хатарларни бошқариш тамойиллари” йўриқномасининг 7-принципига қўра, Мижозларнинг электрон банк хисобварафига киришни таъминлайдиган аутентификация маълумотлар базаларига кириш ҳукуқини таъминлаш кераклиги бевосита кўрсатиб ўтилган.</p>
--	--	--	---